

БИЗНЕС. ПСИХОЛОГИЯ. ТАДБИРКОРЛИК

Фрэнк
БЕТТЖЕР

Янги китоб



Муваффақият СИРЛАРИ

*Ушбу китоб
муаллифи ўз жонига
қасд қилмоқчи бўлган.
Бу ҳол рўй бермади ва
у ҳаётда катта
муваффақият
қозонди*



...нги фаровон ҳаётга пойдевор қўйишини истайсизми?

Бизнес • Психология • Тадбиркорлик

Фрэнк БЕТТЖЕР

Муваффақият
СИРЛАРИ

Машаққатлар орқали юлдузлар сари

Ушбу китоб муаллифи ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган эди.
Бу ҳол рўй бермади ва у ҳаётда катта муваффақият қозонди

Янги фаровон ҳаётга пойдевор қўйишни истайсизми?
Унда бу китоб сиз учун!



«YANGI KITOB»
TOSHKENT
2020

459.9 - Ёш ҳасоват, Ёш ҳасоват
Ўзбек тилида

УЎК: 316.64:174.4

КБК: 88.52

Б 63

Б 63 Беттжер, Фрэнк

Муваффақият сирлари [Матн] / Ф. Беттжер. – Тошкент: Yangi kitob, 2020. – 176 б.

ISBN 978-9943-5768-5-8

УЎК: 316.64:174.4

КБК: 88.52

Қўлингиздаги китоб бутун дунёни кезиб чиққан. Унинг муаллифи ночорликдан муваффақият сари йўлни қандай босиб ўтганини гоят таъсирли тарзда ҳикоя қилади. Бу одам ўз вақтида ишсиз қолган, умидсизликка тушган, азият чеккан, ҳатто ўз жонига қасд қилишга уринган. Хўш, у чорасизлик, йўқчилик комидан қай тарзда чиқиб кетди? Қайси тамойиллар омадга эришишига омил бўлди?

Китобда муаллифнинг қисқа вақт ичида муваффақият қозонгани турли-туман воқеалар мисолида очиб берилади. Шу аснода ҳар қандай киши худди шу тарзда омад чўққисига чиқиши мумкинлиги уқтирилади.

Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Таржимон:

Фатҳулла Намозов

Тақризчилар:

Норкул Бекмирзаев,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,

Халқаро антик дунё илмий академияси

академиги ва совриндори,

Абдуқанош Йўлдошев,

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси.


ISBN 978-9943-5768-5-8

© Ф.Беттжер.

«Муваффақият сирлари»

Таржимон: Ф.Намозов,

© «Yangi kitob» МЧЖ, 2020.



MI 32829
10.

КИТОБ ТЎҒРИСИДА

Мен мазкур китобни бутун умри мобайнида бошқаларга ёрдам бериб келган инсон – Дейл Карнегига бағишлайман.

У менга энг оғир кунимда мадад қўлини чўзган. Ўшанда каминанинг ҳаёти – йигирма тўққиз ёшли омади юришмаган собиқ бейсболчи, ҳеч қаердан иш топа олмаган йигитчанинг умри интиҳо топгандай кўринганди. Мен бутунлай умидсизликка тушиб қолгандим. Айни шу пайтда Филадельфияда нотиклик санъати маҳорати бўйича курсларни бошқарган Дейл Карнеги мени *Бенжамин Франклиннинг сирлари* билан таништирди. Билиб олганларим ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юборди: мен ўзим орзу ҳам қилмаган муваффақиятга эришдим!

Орадан ўн икки йил ўтгач, ишдан четлашмоқчи бўлганимда, Дейл мендан АҚШ шарқидаги йирик шаҳарлар – Бостондан Вашингтонгача тузилган курсларни олиб боришда ёрдам беришимни илтимос қилди. Бир неча йилдан сўнг эса маърузавий давраларига қўшилишимга ишонтирди. Биз икки йил давомида раҳбар ходимларга ўзаро мулоқот ҳамда савдо-сотик қилиш маданиятини ўргатиш бўйича бир ҳафталик семинар машғулотлари мажмуини биргаликда олиб бордик.

Ёдимда, Оклахома штатидаги Талса шаҳрида бўлганимда Дейл мени китоб ёзишга ундаганди.

– Дейл, – дедим унга, – сиз мени фақат бошланғич мактабнинг олтинчи синфигача ўқиганимдан яхши хабардорсиз. Мен китоб ёза олмайман.

– Қулоқ солинг, Фрэнк, – жавоб берди Дейл, – сиз Бенжамин Франклиннинг 13-ҳафталик муваффақият усулини ўрганиб, бошқалар коллежда тўрт йил ўқиганидан ҳам кўпроқ билиб олдингиз. Шундай экан, Франклин ғояларини

Ўзида синаб кўрган кишининг янгича услубда ёзган китобини биринчи бўлиб сиз нашр қиласиз. Сизнинг ҳаётингиз шу даражада ҳайратланарлики, Фрэнк, бу ҳақдаги китоб билан эндигина иш фаолиятини бошлаган ўсмирлар ва қизларга ёрдам берасиз. Китоб уларни «жаннатда учинчи базада ўйнаганингиз»дан¹ кейин ҳам узоқ вақт илҳомлантириб туради.

Менда ёзувчилик бўйича ҳеч қандай тажриба йўқ. Шу боис, Дейл иш бошлаш учун машқ тариқасида «Кечаги омадсиз – бугун муваффақият қозонган савдогар» номли китоб ёзишни маслаҳат берди. Яъни, «қандай қилиб омадсизликдан савдо-сотикда муваффақиятга эришганим» хусусида қалам тебратишим керак эди. Мен унинг барча ўғитларига амал қилдим. Аслида иккита китоб ёздим.

Энди эса Дейлнинг ўзини ҳам жаннат ўз бағрига олди. Борди-ю, у ўша ерда бўлмаса, демак, кимгадир ёрдам бериш учун йўлда тўхтаб қолган. Дейл Франклин фалсафасига ишонарди. Унинг: «Худога энг хуш келадиган машғулот – одамларга яхшилик қилишдир», – деган сўзларини такрорлашни ёқтирарди.

Мен Дейл Карнеги ҳамда Бен Франклин суратлари турган столга мук тушиб ёзаман, улар мени руҳлантириб туради. Мазкур китобни Филадельфиянинг қашшоқ ҳудудларидан биридаги мўъжаз кўчада ўтган ёшлигимдан бошлайман. Назаримда, ўша пайтларда икки бор қарғишга учраган эдим...

Мана у. Умид қиламанки, сизларга ёқади.

Ф.Б.

¹ «Вафот этгандан сўнг» маъносида.

Биринчи қисм

**«СИЗНИ
ПРЕЗИДЕНТ
КЎРМОҚЧИ»**

КИТОБХОНГА

Ўйин умидни узса ҳам бўладиган даражада бой берилгандек туюлганда бейсбол бўйича таниқли тренер қария Билл Кларк одатда тренерлик ўринидигидан туриб, бизни куйидаги сўзлар билан руҳлантирарди:

– *Энг кутилмаган воқеа айнан ана шундай ноилож ва-зиятларда рўй беради.*

Унинг сўзларида ҳақиқат учқунлари бор эди, албатта. Чунки бу бизга таъсир қилар, нимадир рўй бераётгандай кўринар ва баъзан ана шу «нимадир» содир ҳам бўларди!

Мен мазкур китобнинг дастлабки қисмидаги илк тўққизта бўлимни биринчи «иннинг»² деб олганман. «Энг кутилмаган воқеа ана шунда рўй беради». Ҳар бир «иннинг»да барчасига нуқта қўйиш фикри туғиларди. Шунда мўйсафид Биллнинг бошқа сўзлари эсимга келарди:

– Айнан ҳаммаси беҳуда бўлаётгандай кўринганида, асло ташлаб қўймаслик керак...

Фақат орадан бир неча йиллар ўтгач, тушундимки, ана ўша тўққизта машаққатдан иборат «иннинг»лар менинг янги фаровон ҳаётимга пойдевор бўлиб хизмат қилган экан! Аслида ушбу китобнинг биринчи қисми ёзилмаганида, иккинчиси ҳеч қачон дунёга келмаган бўларди: бу икки қисм бир-бирига боғлиқ. Шундай қилиб, мен ўзимнинг та-ассуротларимни фантастик бейсбол матчидан бошламоқ-чиман.

² Иннинг – бейсболда ҳар бир жамоа бир марта ҳужумда ва бир мартадан ҳимояда ўйнайдиган пайт. Бутун ўйин 9 иннингдан иборат.

Биринчи бўлим

ЭНГ ФАНТАСТИК БЕЙСБОЛ МАТЧИ

Мен бейсбол³ бўйича профессионал ўйинчи сифатида Канаданинг Монреалидан Техасдаги Галвестонга қадар деярли ҳар бир лига (бирлашма)да ўйнаганман. Бу фантастик ўйин эса Делавэр округи лигаси доирасида Пенсильвания штатидаги Клифтон-Хайтс шаҳарчасида бўлиб ўтганди.

Мазкур лигага тўртта шаҳар: Честер, Аплэнд, Клифтон-Хайтс ва Медия кирарди. Ўшанда мен «Медия»нинг учинчи базасида ўйнардим.

Тўртта жамоа ўртасидаги беллашув, бейсболда шахсан шоҳид бўлганимдек, бинойидек ўтаётганди. Мавсум ниҳояланиб қолганида, «Медия» ва «Клифтон-Хайтс» биринчи ўринни бўлишиб олди. Улар чемпионни аниқлаш учун финалда ўйнашлари керак эди. Тўққизинчи иннингда икки аутдан сўнг биз 4:3 ҳисобида олдинга ўтиб олдик. «Клифтон»да учинчи база учун қўшимча равишда масофани айланиб чиқиш бор эди. Аммо навбатдаги бита билан уриб қайтарилган тўпни аутга жўнатсак, ўйин ниҳоясига етар ва биз чемпион бўлардик.

Бита билан уриб қайтарган ҳужумчи⁴, жуда яхши чопувчи йигит учинчи ва яқин база ўртасига пастлатиб қаттиқ зарба берди. Мен учинчи базада ўйнаётгандим ва тўпни бемалол тутиб олардим, аммо ундан тезроқ қутулиш учун биринчи база яқинига ташладим. Биринчи бейсменимиз⁵ «бургут» Огден база чизиғига яқин жойда тўпни тутиш учун

³ Бейсбол (инглизча Baseball, base – «база», ball – «тўп») бита ва бейсбол тўпи билан жамоа бўлиб ўйналадиган спорт тури. Ўйиндан мақсад рақиб жамоа ўйинчиси (питчер) улоқтирган кўптокни бита билан уриб қайтариш ва кўпток рақиб жамоа кўлига тушгунча 4 та базага тегиб, 90 фут (1 фут – 27,4 метр) масофани айланиб чиқишдир.

⁴ Бэттер (инглизча, batter) – тўпни бита билан уриб қайтарадиган ҳужумчи. «Ўй»даги кетчер қаршисида (чап ёки ўнг томонида) туради.

⁵ Бейсмен – бейсбол ўйинчиси, базада ҳаракат қилади (майдоннинг тўрт нуқтасидан бири). Югурувчи очкони қўлга киритиш учун кетма-кетликда унга кўлини теккизиши керак).

қўлини чўзганда, чопиб келаётган хужумчи унга боши билан урилди ва иккаласи ҳам йиқилди! Огден бошини кўтарганида, қизиқ ҳодисани кўриб қолди: тўп баландликдан сакраб томошабинлар ўтирадиган табиий «трибуна»га тушди. Ўт устида ҳаяжонланиб, аччиқланиб ўтирган юзлаб «Клифтон-Хайтс» ишқибозлари бор эди. Тўп бир қизнинг юбкаси тагига кириб кетди.

Биринчи бейсменимиз баландликка югуриб чиқиб кетди. Уларнинг ўйинчиси ҳам база ёқалаб олға ташланди. Бу вақтда учинчи базадаги бошқа хужумчи қўшимча равишда масофани айланиб чиққан эди.

Биз «Клифтон-Хайтс»га қарши қўйидаги тактикани асос қилиб олгандик: қандай бўлмасин, хужумга «қайнаб» ташланиш керак. Аммо ҳеч қайсимиз бунчалик кўп ишқибозлар тўдасини кутмагандик. Қизгача етиб борган Огден: «Ўрнингдан тур!» – деб қичқирди, аммо ширингина «Клифтон» мухлисаси унга фақат бир қиё боқди, холос.

Огден тезгина ортига қаради. Шунда айланиб чопаётган ўйинчи иккинчи базадан ўтиб, учинчисига ҳам худди ақлдан озган каби ташланганига кўзи тушди. «Тур!» – деб яна қичқирди у қизга. Аммо мухлиса, ҳатто қимирлаб ҳам қўйишни эп билмади.

Огден яна чопиб бораётган ўйинчига зимдан назар ташлаб, худди ғолиблар каби учинчи базани ҳам ақл бовар қилмайдиган тезликда эгаллаганини кўрди. Бирор сонияни ҳам йўқотмаслик керак эди. У қизнинг қўлтиғидан ушлаб, «шап» этказганча турғазди ва ғазабга миниб силкитди. Копток тушди. Огден тўпни яшин тезлигида олди-ю, тўғридан-тўғри қабул қиладиган ўйинчимизнинг қўлига отди. У эса сира иккиланмай, чопиб келаётган ўйинчидан анча нарига кетиб қолди.

– Аутга! – ўкириб юборди ҳакам.

Бунга жавобан чопиб келаётган ўйинчи ердан сакраб, ўнг ва чап қўллари билан бечора ҳакамнинг жағига шундай солиб юбордики, у ҳатто юқорига сапчиди. Ҳакам йиқилди, устига чопиб келаётган ўйинчи ағдарилиб тушди! Лаҳза ўтмай, бутун майдонда энг даҳшатли муштлашув бошланиб

кетди! Бир тўда полициячилар бунинг олдида кучсиз эдилар. Беш кишини, шу жумладан, ҳакамни ҳам Делавэр округи шифохонасига, олти кишини эса округ турмасига жўнатишди.

Бу ўйин менга аёлларнинг шахс сифатидаги аҳамиятини камситиш мумкин эмаслигини ўргатди. Делавэр округининг таниқли адвокати ва лига президенти Бортон Уикс ўша оқшомнинг ўзидаёқ қарор чиқарди. У келгуси шанбада мусобақани қайта ўтказишга аҳд қилганди.

Ёзнинг охирлари бўлиб, ов мавсуми аллақачон бошланганди. Бу ҳақда нега гапиряпсан, деб сўрашингиз мумкин... Гап шундаки, кейин шундай воқеа рўй бериб... Яхши-си, ҳаммасини бир бошдан айтиб берай.

Дунёнинг бирор-бир чемпионлик матчи бу такрорий ўйин сингари тушкун кайфиятда ўтмаган. Ҳар иккала жамоанинг тўп узатувчилари ва барча ўйинчилари ўйинга шунчалик киришиб кетдиларки, гўё уларнинг бутун ҳаёти ана шу учрашув натижасига боғлиқ бўлиб қолгандай эди! Ўйин майдонини ўрмонга қадар арқон билан маҳкам ўраб олишди. Назаримда, Делавэр округининг бутун аҳолиси, жумладан, полициячилар ҳам шу ўйинни кўриш учун келишганди. Оломон иккига бўлинди: «Медия» ишқибозлари майдоннинг бир томонини, клифтонликлар эса қарама-қарши тарафни эгалладилар. Ҳамма жойда тотализатор⁶ ишляпти, деган овозалар тарқалди. Бу ўйинни кўриш учун Филадельфиядан юзлаб шаҳарликлар келишди. Сизни ишонтириб айтаманки, улар асло зерикишмади!

Ғалати равишда мос келишини қарангки, ўйин тўққизинчи иннингга борганида, икки аутда ҳисоб худди ўтган ҳафтадаги каби «Медия» фойдасига бўлди – 4:3. Лекин битта-асосий фарқ ҳам бор эди. «Клифтон»да базалар тўла бўлиб, жамоанинг тўп урадиган энг яхши ўйинчиси ажойиб ўйин кўрсатди. У лигадаги энг хафли хиттер⁷ ҳисобланарди. Бу ўйинчи майдон ўртасига йўл олиб, коптокни узатмоқчи бўлганида, қарашлари қотилникка ўхшарди.

⁶ Пул тикиб ўйнашни уюштирадиган бюронинг пул тикканларни кўрсатадиган ҳисоблагичи.

⁷ Хиттер (инглизча hitter) – тўп урадиган спортчи.

Оломон жазавага тушганди.

– Тўпни биринчи узатилган заҳоти ўрмонга уриб кири-тинглар! – деб ёлворишарди «Клифтон» мухлислари.

Битта яхши зарба икки марта масофани айланиб чиқишни таъминлаб, «Клифтон-Хайтс»га чемпионлик унвонини олиб бериш мумкин эди! Тўп узатувчимиз Вернон Тачстун қулочкашлаб коптокни шундай зарб билан улоқтирдик, уни ишқибозлардан ҳеч ким кўра олмай қолди. Ҳамманинг нафаси ичига тушиб кетди. Аммо тўп қайтарувчи дарҳол ўзини ўнглаб, куттиришга мажбур қилмади. У худди америкалик машҳур бейсболчи Бейб Рут⁸ каби куч билан қўл силтади ва... коптокни урди. Бироқ клифтонликлар умидсиз ҳолда «уф» тортиб юборишди. Тўп «Клифтон-Хайтс» ишқибозларини даҳшатга солганча нақ уй олдида ҳавога тик кўтарилди. Барча ўйинчилар база олдида уймаланиб қолишди. Илгари олий лигада ўйнаган копток қабул қилувчимиз қартайган Жо Ноттснинг тўпни ушлаб олиши ва биз чемпионликни қўлга киритишимиз учун мингдан бир имконият қолганди.

Жуда қаттиқ қий-чув пайтида қизил рангли овчилар шапкасини кийган, қўлида милтиқ тутган икки овчининг ўрмондан чиқиб арқон-тўсиқ ёнига келганини ҳеч ким пайқамай қолди. Улардан бири клифтонлик бўлиб, айтишларича, «Клифтон» енгишини айтиб йирик пулга гаров боғлаган. У бир қарашда вазиятни баҳолаб, милтиқни ростлади. Жами тирик жон диққатини тўпга қаратганди. Копток ўйинчимизнинг бошидан тахминан йигирма фут баландда эди. Бирдан ўқ узилди. Барчанинг кўз олдида тўп ҳавода сакраб кетди ва... ғойиб бўлди.

Бир ҳафта бурун мен кўп нарсани кўриб қўйдим, деб ўйлагандим, аммо ўша муштлашув «прелюдия»⁹ эди, холос. Бугун эса ҳақиқий «фуга»¹⁰ янграрди! Овчининг ўқ узиши гўё ҳаммани муштлашувга чорлагандай бўлди.

⁸ Бейб Рут – америкалик машҳур бейсболчи Георг Ҳерман Рутнинг лақаби.

⁹ Прелюдия – кичикроқ мусиқий асар.

¹⁰ Фуга – бир мусиқавий мавзунинг бир неча овозда изчил такрорланиши; шу усулда такрорлашга асосланган мусиқий асар.

Ҳар иккала жамоанинг барча ўйинчилари ва эс-ҳушидан ажралган юзлаб ишқибозлар токи полиция ва ўт ўчирувчилар жанжалга нуқта қўймагунича майдонни тўлдириб юборишди. Муштлашишдан қочиш йўли йўқ эди. Айрим «бақувват»лар алоҳида тизимда фаолият кўрсатишарди. Улар уч кишилашиб ишлашди: иккитаси жабрдийдани ушлаб оларди ва қўлини орқасига қайирарди, учинчиси эса муштлашишда қўлланадиган металл асбоб билан бечоранинг у ер-бу ерини «силаб-сийпалаб», жағига туширарди.

Полиция жамоат тартибини тинчитгунича, ўт ўчирувчилар ёнғинга қарши ишлатиладиган сув насоси орқали тўполончиларни ҳовуридан тушириб қўйишди. Бу сафар Делавэр округи шифохонаси, шу билан бирга, «Фитцжеральд Мерси» госпитали ва, албатта, округ қамоқхонаси ҳам яхшигина хизмат кўрсатди.

Икки ўйин оқибатларини таҳлил қилган бир спортчи шундай деб ёзганди: «Шак-шубҳасиз, бу бейсбол тарихидаги энг фантастик ўйинлар эди! Рўй берган муштлашув эса Ватерлоо ёнидаги жангдан буён мислсиз саналади!»

Иккинчи бўлим

МЕНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ БЕЙСБОЛ БИЛАН МАШҒУЛ БЎЛГАНИМ ҚАНДАЙ РЎЙ БЕРГАНИ ҲАҚИДА

Мен эшигим олдида турган икки нусхага кўзим тушган заҳоти уларнинг кимлигини дарров фаҳмладим. Бу танбал чўрткесарларни Риж-авеню муюлишида, кўпинча «Макданиэлс» салуни¹¹ ёнида тез-тез кўриш мумкин эди. Мен эндигина ишдан келган ва ҳали кийинишга ҳам улгурмагандим (ўшанда чилангар-сантехник ёрдамчиси бўлиб ишлардим). Шундай қилиб, ирkit, мойга ботган коржомада эшикни очдим.

¹¹ Салун (инглизча, saloon) – Американинг ғарбий қисмида мавжуд бўлган анъанавий барларнинг номи.

– Фрэнк Беттжер сенмисан? – деб сўради улардан бири.

– Ҳа, – жавоб бердим мен сергак тортиб.

– Биз келгуси шанбада сенинг «Мақданиэлс» салуни учун «Донахью» салунига қарши эркин ўйинчи бўлиб ўйнашингни истаймиз, – деди уларнинг каттароғи. – Биз «Шутцен» паркида ўйнаймиз.

Бу гапдан ҳайрон бўлиб қолдим ва савол билан жавоб бердим:

– Нега энди «Мақданиэлс» салуни учун ўйнар эканман? Мен ахир у ерда ҳеч қанчон бўлмаганман.

– Хўш, нима бўпти? Бунга ким ҳам эътибор берарди? – ишонтиришга уринди иккаласи.

– Сизлар нега айнан менинг олдимга келдиларинг?

– «Туллак» Шарп ва «Ичак» Маккарти бизга сен ҳақингда гапириб беришганди. Улар сени ўтган кузда Клифтон-Хайтсдаги муштлашув бўлган ўйинда кўришган экан. «Туллак» ҳам, «Ичак» ҳам биз учун ўйнашади. Сенга беш бакс тўлаймиз!

Шу пайтга қадар ўйинда менга энг кўпи билан икки доллар тўлашганди. Беш бакс унча ёмон бўлмаган маблағдай кўринди. Аммо улар тилга олган икки йигитни танирдим. Улар «паркда учиб юрадиган чумчуқ»лардан бўлиб, хиёбонда сандироқлашар, профессионал ўйинчиларни ғийбат қилиб, яшаш учун ишлашни хоҳламайдиган кишилар эди. Мен улар билан бир мартагина «Фермонт» боғида ўйнагандим. Агар «Туллак» Шарп ичишни ошириб юбормаса, яхшигина ўйинчилик иқтидори бор.

«Шутцен» паркида бўлиб ўтган ўйинлар тўғрисида кўп эшитгандим. У ерда жалб этадиган энг асосий жиҳат – ўйинчилар ўриндиғига қўйиладиган муздай пиволи бочкалар эди. Қанча ичсанг, барчаси бепул. Бунинг устига аксарият ўйинчилар белида сувдон осиб юришарди. Бешинчи иннингга бориб, уларнинг бари гандираклаб қоларди.

Йўқ, деб ўйладим мен, бундай тентаклар билан ўйнай олмайман. Онамга қолса, беш доллар ҳам кифоя қилар-

ди-ю, аммо у бунга ҳеч қачон рози бўлмасди. Волидам пиёнисталарга асло тоқат қила олмасди. Виски хонадонимизни абгор ҳолга келтирган. Отам ароқхўрлик туфайли онамни бир чақасиз, беш бола ва бир олам қарз билан қолдириб, ўлиб кетганди. Ундан мерос – тўрт хонали мўъжаз уй. Онам узоқ йиллар мобайнида кундалик ишидан ташқари бизни кийинтириш, едириш ва мактабга юбориш учун кир ювиш, бичиш-тикиш билан ҳам машғул бўлишига тўғри келганди.

Тахминан ўша пайтларда Керри Нейшн¹² – «Канзас циклони» майхоналарни болта билан майдалар экан, ҳеч нимадан тап тортмасди. Онам ўшанда Керрининг ажойиб издошига айланган бўларди.

Ва мана, мен бу икки такасалтангга баҳона қидириб топиш билан овора эканман, шанба куни ишим кўп дейишни ўйладим. Аммо каттаси шартта гапимни бўлди-ю, нега бирдан қароримни ўзгартирганим ҳақида сўради. У менга айтган гапларидан сўнг ўйнашга рухсат беришлари учун ўзларига пул тўлашга тайёр эдим.

– Қулоқ сол, йигитча, – деди у, – сенда олий лигадаги тўп оширувчи «ҳинду»нинг айнан ўзгинаси – Донахьюга қарши ўйнаш имконияти бўлади.

Менга шу гапнинг ўзи кифоя эди!

Ўша шанбани ҳеч қачон унутмайман, чунки у менинг чилангар-сантехник ёрдамчиси сифатида ишимга нуқта қўйганди.

«Мақданиэлс» «ҳинду» Донахью жамоаси дарвозасига бор-йўғи олти марта ҳужум қилди, холос. Аммо омад биз томонда эди. 6:4 ҳисоби билан ғалаба қозондик. Мен узатган тўпларнинг 6 тасидан 4 таси жамоага омад олиб келди. Иккита очкони эса ўзим қўлга киритдим.

Мени қойил қолдиргани шуки, ҳар иккала жамоа ҳам ўйинга жиддий киришди. Ўша куни ҳеч ким ичмади – барча мардонавор туриб, охиригача курашди.

¹² Керри Амелия Нейшн (1846 – 1911) – XIX аср охири – XX аср бошларида АҚШ ҳушёр турмуш тарзи жорий этиш ҳаракатининг фаол аъзоси. Бар ва салунларга болта билан бостириб кириб спиртли идишларни синдирган.

«Ҳинду» Донахью узоқ йиллар давомида «Детройт»-нинг энг яхши тўп узатувчиси бўлган. Тўғри, унинг тезлигини олдингидек деб бўлмасди, аммо ҳозир ҳам коптокни чирпирак қилиб берадиган машҳур зарбалари бор эди. Донахью шу тарзда қойилмақом қилиб тўп узатарди. «Мақданиэлс»даги такасалтанглар эса майдонда худди тиззагача сув кечгандек юришар, занглаган эски кўча эшиги кишки изғирин шамолда бурилгани каби зўрға бурилишарди.

Ўйиндан сўнг кийиниш хонасида мен «ҳинду»нинг душ тагида янграган баланд овозини эшитдим:

– Сиз, ялқовларга ўша йигит бўлмаса, масофани айланиб чиқишда ютиш ҳам насиб қилмасди. Умуман, у ким ўзи? Фақат менга ўша йигитни «Мақданиэлс»нинг қанда қилмай келиб турадиган одами деманглар!

Бу «йигит»нинг Беттжер эканлиги тўғрисидаги овозалар яшин тезлигида тарқалди. Муюлишдаги кафедра дўстларим шундай дейишди:

– Бетч, бу имкониятинг. «Ҳинду» Донахью сенинг ҳақиқий профессионал бейсболчи бўлишингга ёрдамлашиши мумкин.

Улар ҳар куни кечқурун Донахьюни кўриш учун боришим кераклигини айтиб, кўндирмоқчи бўлишарди. Аммо ҳар сафар шу ҳақда ўйласам, юрагим увишиб кетарди. Бир куни «Донахью» салунининг кириш эшигигача бордим, аммо барибир ичкарига қадам қўйишга ботина олмадим. Сўнг-ра кечки пайт менга йигитлар эргашиб боришди. Айланиб очиладиган эшик ортидан «ҳинду»нинг гулдираган овозини эшитдик. Шерикларимдан бири мени бирдан қаттиқ итариб юборди ва барда тўғридан-тўғри Донахьюнинг орқа томонида туриб қолдим!

«Ҳинду» нима юз берганини кўриш учун ўгирилди.

– Сенга бу ерда нима керак? – бўкирди олий лиганинг собиқ питчери¹³ худди ўн икки яшар болага танбеҳ бераётгандай.

¹³ Питчер – бейсбол майдонининг марказида турувчи ўйинчи ва рақиб томоннинг тўпни бита билан уриб қайтарадиган хужумчисига копток отувчи.

– Жаноб Донахью, менинг исмим Фрэнк Беттжер. Сизга қарши «Шутцен» паркида ўйнагандим. Айтинг-чи, сиз менга бейсболчилик фаолияти билан шуғулланишда иш топиб бера олмайсизми? – дедим зўрға.

«Ҳинду» менга тикилиб қолди.

– Сен ўшами, сени «Мақданиэлс» учун эркин ўйинчи сифатида таклиф этишганди, шундайми?

– Ҳа, сэр, – мен жилмайишга уриндим.

– Жин урсин! – деб гулдираб кулиб юборди у. – Мен сен учун исталган вақтда иш топиб бераман!

Бир неча кундан сўнг Пенсильвания штатидаги Жонстаундан уйимга телеграмма келди. Унда менинг фамилиям «Бетчер» (шундай жарангларди) деб ёзилганди:

«Жонстаун»да уч штат лигасида ўйнашингиз учун минимал шартларни зудлик билан жўнатиңг.

МЕНЕЖЕР ЧАРЛЗ АТЕРТОН

Агар онам уйда бўлганида, мен бу телеграммани мутлақо кўрмаган бўлардим.

Ўша оқшом шунчалик эсанкираб қолгандимки, кечки овқатга зўрға қўл урдим. Кейинроқ Денахьюнинг хузурига кирдим. Дўстларимнинг аксарияти мен билан бирга эди. «Ҳинду» телеграммани ўқир экан, елкамга қоқиб қўйди ва юзи ёришиб, хитоб қилди.

– Шу оқшомдан қолдирмай жавоб бер! Ойига 350 долларга розиман, деб ёз!

Ридж-авенюдаги Вестерн Юнион телеграфига бораётганимизда мен тугул улфатларим ҳам ҳаяжонда эди. Телеграфга киришдан олдин тўхтадим.

– Қулоқ солинглар, йигитлар, – дедим, – ҳозир мен ҳафтасига саккиз доллар ишлаб топяпман. Агар «Жонстаун» ойига 350 доллардан тўлашини билганимда, тўпни ушлаб ҳам олмаган бўлардим.

Ўртоқларим гапимни маъқуллашди ва биз «ҳинду» айтган маблағ миқдорини икки бараварга оширдик. Телеграммани ўзимга келгани каби «Фрэнк Бетчер» деб имзоладим. Шундай қилиб, мен бейсбол ўйнагунимча «Бетчер» бўлиб қолдим.

Ўша кеча ухлай олмадим. Эртаси тонгда қирқ даража иситма билан уйқудан уйғондим. Онам шу заҳоти яқиндаги шифокорга одам юборди. Шифокор ташриф буюришидан аввал менга телеграмма олиб келишди. Онам уни очди. Унда шундай деб ёзилганди:

ШАРТИНГИЗНИ ҚАБУЛ ҚИЛАМИЗ. ЖОНСТАУНГА ЗУДЛИК БИЛАН ТЕЛЕГРАММА ЖЎНАТИНГ.

МЕНЕЖЕР ЧАРЛЗ АТЕРТОН

Онам юқорига чиқиб кетди. Мен тушунтиришга ҳаракат қилдим, аммо у йиғлаб юборди. Сўнг шифокор келди. У менинг оддий грипп билан оғриганим, лекин бир неча кун тўшақда ётишим кераклигини айтди. Онам шифокордан менинг бейсболчи бўлишдан воз кечишга кўндиришини ялиниб сўради.

– Доктор, – деди у фиғони ошиб, – Фрэнкнинг юраги заиф. Бу эса уни ўлдиради!

Доктор нима қилишини билмай қараб қолди. У мени илгари ҳеч қачон кўрмаганди. Стетоскопни қайта олди-ю, бу сафар диққат билан текшира бошлади.

– Болангизнинг юраги заиф деб ким айтди? – сўради у.

Онам шифокорга менинг туғилганимдан буён касалланганимни айтиб берди. Бу хасталиқдан ҳеч қачон холос бўлмайди, деб ўйлар экан.

– Нимаям дердик, – онамни ишонтирди у, – агар ўғлингизнинг юрагида муаммо бўлган бўлса, ҳозир у бутунлай барҳам топган. Ҳозир юраги бутунлай соғлом.

Шифокор менга бир олам қувонч бахш этиб, Жонстаунга рухсат бериш кераклигини онамга уқтирди.

– Бу унинг учун жуда яхши бўларди! – деб таъкидлади шифокор.

Доктор Томас ўзининг қанчалик ҳақлигини, ҳатто тасаввур ҳам этмасди.

Жонстаунга боргач, кучли ва тайёргарлик кўрган жомани кўраман деб ўйлагандим. Шундай бўлиб чиқди ҳам. Мен қарши ўйнаган биринчи «Вильямспорт» командаси Филадельфияда ўйинларини кўрганим олий лига жамоа-

лари сингари маҳоратли туюлди. «Вильямспорт» ўша йили учта штат лигаси чемпионатида ғалаба қозонди, унинг етти ўйинчиси олий лигага ўтиб кетди, уларнинг менежери Гарри Волвертон эса кейинчалик «Нью-Йорк янкиз» деб номи ўзгартирилган «Горцев» жамоасига менежерликка тайинланди.

Дастлабки ўйин мен учун анча оғир ўтди. Мен шу даражада кўрққандимки, ўзимни Жонстаун тошқинида¹⁴ қолгандай ҳис этдим. Менежер Чарли Аттертон, афтидан, мени тушунди. Камина учун у худди отамдек эди. Аттертон ҳар куни бор кучи билан ишончимни янада мустаҳкамлашга уринарди.

Кейинги ойнинг биринчи куни келди. Маош! Менинг профессионал бейсболчи сифатидаги биринчи иш ҳақим! Почтага югурдим ва онамга буюртмали хат жўнатдим, пул билан. «Онажон, энди сиз ишга бориб, овора бўлманг», – деб ёздим кўзларимда ёш билан. Бу ҳаётимнинг энг бахтиёр дамлари эди.

Аммо эртанги кун мени қаттиқ ларзага солди: Чарли Аттертонни ишдан бўшатишди. Марказий филдеримиз¹⁵ Берт Конн менежерга айланди. Кон биринчи ишини... мени четлаштиришдан бошлади.

У менга қуйидаги гапларни айтганида, кўзлари худди муз каби совуқ эди:

– Фрэнк, бу ердан кетганингдан сўнг, нима билан машғул бўлсанг ҳам, Худо ҳақи, кўзларингни оч. Ишга кўпроқ жўшқинлик ва куч-ғайрат билан ёндаш.

Орадан ўн кун ўтгач, Пенсильвания штатидаги Честер шаҳрида мени Дэнни Миган номли собиқ бейсболчи «пайкаб» қолди. Дэнни мени фақат битта мусобақада кўрган, аммо бундан-да яхшироқ иштирок этишга муносиб, деб ҳисоблар экан.

– Оловсан, йигит! Сенда ғайрат тўлиб-тошиб ётибди!

¹⁴ 1889 йилги сув тошқини Жонстаун шаҳрининг шимолий қисмини ювиб кетган. 2209 киши ҳалок бўлган, 1600 та уй вайрон бўлган.

¹⁵ Филдер – ҳимояланаётган жамоа ўйинчиси, майдон ташқариси (майдоннинг ўнг, чап ва маркази)ни кўриқлайди.

Мен кулиб юбордим ва айнан гайрат-иштиёқим (энтузиазм) йўқлиги учун ҳайдалганимни айтиб, Берт Коннинг унутилмас «панд-насиҳати»ни такрорладим.

Ҳафта давомида Дэнни мени «Нью-Хейвен»га ўтиб, ўзимни синаб кўришимга кўндиришга муваффақ бўлди. Ёзнинг жазирама кунларидан бирида Нью-Хейвенга келдим. Мени ҳаёт қайнаган кўчалар ва ишчанлик руҳидаги елиб-югуришлар ҳайратга солди. Нью-Хейвенни катта шаҳар деб сира ўйламагандим. У ерда фақат Йель университети жойлашганини билардим, холос. Коннектикутдаги таниқли адвокат ва айни пайтда «Нью-Хейвен» бейсбол клубининг президенти ҳамда асосий соҳиби К.Ж.Данауэрнинг хонасига киришимга тўғри келди.

Мен унинг офисини дарров топдим. Ўшанда дам олиш куни бўлиб, улкан қабулхонада ҳеч ким йўқ эди. Тўсатдан хоналардан бирининг эшиги очилди ва ичкаридан бир бола чиқиб келди.

Ўзимни таништирдим. У индамай бурилди ва сап бўлмас кулиб юбораёзди. Нима деганини эшитиб қолдим:

– Жаноб Данауэр, Бетчер келди!

Жаноб Данауэр лип этиб сакраб чиқди. У қадди-қомати келишган, қимматбаҳо, ишга хос қора костюм кийган эркак эди. Мени кўриб, худди қоққан қозикдай тўхтаб қолди, ютинди ва сўнг кескин бурилиб, болага қичқирди:

– Қани Бетчер?

Бола қўрқиб кетиб, мени кўрсатди:

– Мана у, сэр.

Эркак мен томон ўгрилди.

– Сен Бетчермисан? – саросимага тушиб сўради у.

Мен фақат бош ирғадим, холос. Кўринишим беўхшовлигини билардим. Сочимни икки ой бурун калталашим керак эди, шунинг учун похол шляпамни ечмагандим. Бундай бош кийимни янги Англияда ҳеч ким кўрмаган – шляпа гардишининг ўзи ярим дюйм (25,5 мм)дан иборат эди. Ўша ёзда мен ҳаддан ташқари озиб, умидсизликдан юзим бўшашганди, иштоним эса оқ кроссовкамдан икки дюйм юқорида турарди. Эрталаб поездда қанқайган бурнимнинг учида тошган

хусунбузарни сиқиб юборганимдан сўнг бурним шишиб, икки баробарга етган, ғалати кўриниш пайдо бўлганди! Бу қиёфам, боз устига бесўнақай жомадоним билан истиқболи дуруст бейсболчига, жаноб Данауэрнинг тасаввуридаги инсонга мутлақо ўхшамасдим...

Агар мени тавсия қилган шўрлик Дэнни Миган шу ерда мазкур лаҳзаларда пайдо бўлганида борми, уни уриб ўлдиришлари тайин эди. Данауэр йўғон, гулдираган товуш билан:

– Бизнинг лигада эркаклар ўйнайди! – деб юборди ва дераза томонга ўгирилди.

Бироз вақт ўтгач, у менга ҳануз орқа ўгириб турганча, шундай деди:

– Миган сизни шундай таърифлагандики, биз кеча кечқурун ўзимизнинг иккинчи бейсменимиз Фитцджерални «Гигант»га жўнатиб юбордик.

Жимлик чўқди. Бирдан жаноб Данауэр ўзининг хонасига қараб йўл олди ва ортидан эшикни ёпди. У беш дақиқалар чиқмади. Бу менга худди бир соатдай туюлди.

«Мен аҳмоқ бўлиб Честердан нима учун келдим? – деб ўйладим алам билан. – Нега худди «Жонстаун»дагидек мақомга эга бошқа лигада яхшироқ ўйнай оламан, деб ўйладим-а?»

Шу лаҳзада жаноб Данауэр яна чиқиб, мени саволи билан довдиратиб қўйди:

– Овқатланишни истайсанми, ўғлим?

Унинг ҳақиқатан ҳам менга раҳми келганди.

Ўша бино ертўласидаги кичкина ошхонага тушдик. Баланд стол олдида тик туриб, ҳар биримиз бутербродни қаҳва билан тановул қилдик. Бутунлай чўккан жимлик ичида. Жаноб Данауэр менинг шишиб, устига-устак оғриётган бурнимга қараётганини ҳис этдим. Ниҳоят у мендан сўраб қолди:

– Ёшинг нечада?

– Ўн саккизда, – жавоб бердим мен.

– Сени шу ёшга кирган деб бўлмайди, – ишонқирамай деди у. Сўнг оҳиста қўшиб қўйди: – Бугун нима қилишимиз-

ни билмай қолдим. Бизда иккинчи базада ўйнай оладиган одам йўқ.

– Нега менга шу бугуннинг ўзидаёқ... имконият берма-япсиз? – Кўзларимда ёш ғилтиллади.

Кейинчалик, агар «имконият» сўзини қўлламаганимда, у мени синамасдан ортимга қайтариб юборарди, деб ўйлаб юрдим ҳамиша...

Жаноб Данауэр мени Савин-Рокда жойлашган стадионга олиб борди. Кўп ўтмай, ечиниш хонасининг бурчагидаги курсида ўтирардим. Президент эса жамоа сардори Жерри Коннел билан гаплашарди. Жерри худди Рокки Марчиано¹⁶ каби жуссаси пишиқ киши эди. У мен томонга жиркангандек икки марта қараб қўйди. Сўнгра бир оғиз гапирмай, олдимга келди ва Фитцжеральд либосини тиззамга ташлади!

Ўша дақиқаларда кўпгина ўйинчилар аллақачон майдонда эди. Томошагоҳдаги шовқин менгача эшитилиб турарди. Либосни кияр эканман, яна бир бор Жонстаундаги каби қўрқув ва асабий зўриқишни ҳис этдим. Берт Коннинг: «Кўзларингни оч. Ишга кўпроқ жўшқинлик ва ғайрат-шижот билан ёндаш!» – деган сўзларини гўё у ёнимда ўтириб айтгандек эшитдим. Сўнгра Дэнни Миганнинг: «Сен оловсан, йигитча, турган-битганинг олов!» – дегани қулоғимга чалинди.

Берт Конн ва Дэннининг сўзлари қолган барча фикрларни сиқиб чиқаргандай бўлди. Мен, гарчи сояда ҳарорат 36 даражада бўлса-да, майдонда худди ўқлангандай тўхтовсиз югурардим. Тўпни бошқа инфилдерларга милтиқдан отилган каби ирғитардим. Бу ниҳоятда ҳаяжонга тўла якуний ўйин эди. 3:3 ҳисобида дуранг кечаётган саккизинчи иннинг ва икки аутда базадан чап майдонга тўп улоқтирдим, биринчи базадан худди телбадай ўтиб кетдим. Иккинчисига олға ташланиб, базага шундай тезликда кириб бордимки, тўп иккинчи бейсмендан сирғаниб тушиб кетди. Мен гўё эсини йўқотиб қўйган кишидек ўйнашда давом этардим.

¹⁶ Рокки Марчиано (1923 – 1969) – 1952 йилдан 1956 йилгача профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони.

Учинчи база ва уйда ҳам худди шу ҳол рўй берди, шундай қилиб мен масофани айланиб чиқдим ҳамда бир очкони қўлга киритдим!

Ўйинчилар менга қутурган ит занжирдан бўшаб кетгандек ўйнаганимни айтишди.

Жаноб Данауэр томошагоҳдан пастга тушди. Панжарадан энгашиб, зўр иштиёқ билан қўлимни қисди-да, қулоғимга қичқирди:

– Яшавор, йигит! Худди шундай руҳда давом эттир! Тошоабинлар сени жуда яхши кўришади!

Менинг масофани айланиб чиқишим ўйинда ғалабага олиб келганди. Эртаси куни Нью-Хейвен газеталари шу чоққача мисли кўрилмаган динамо-одам тўғрисида ёзиб чиқди! Улар мени Бетчер «қалампир», жамоанинг қалби деб атай бошлади! Мен газетадан қирқиб олинган парчаларни, биласизми, кимга юбордим? Жонстаунга! Берт Кон уч ҳафта бурун *ялқовлиги* учун ўзи ҳайдаб юборган лапашанг Бетчер «қалампир» тўғрисида ўқиғач, унинг юзи қай даражада ўзгариб кетишини тасаввур қилиб кўринг.

Мен ялқов эмасдим – эсанкираб қолгандим. Мени айнан кўрқув ушлаб турганди. Аммо ҳеч кимга эътибор бермасдан ҳаракат қилишга қарор қилганимдан сўнг, жиззаклигим ўзимнинг манфаатимга ишлай бошлади. Кўрқувим гайрат-шижоатга айланди!

Мен, шунингдек, умумий сарлавҳа билан берилган бир неча кичик хабар ва мақолаларни газетадан қирқиб олиб, хат билан бирга Миганга жўнатдим. Бу мактубимда ўша куни ўйин олдидан ечиниш хонасида унинг товушини эшитганимни баён этгандим... Аммо у шунга қарамай хатимни ололмади. Бояқиш Миган ўша кунда ота-боболари ҳузурига йўл олган экан (вафот этган маъносида – *таржимон*). Бу воқеа, кейинроқ эшитиб билишимча, мен айнан «Нью-Хейвен» ғалабаси учун майдонга чиққан вақтда юз берган.

Учинчи бўлим

МЕНИНГ ТЎП УЗАТИШ КЎРСАТКИЧИМНИ 0,238 ДАН 0,300 ГАЧА ОШИРГАН ҲАМДА ОЛИЙ ЛИГАГА «ЎТКАЗГАН» ҒОЯ ХУСУСИДА

Кўп ўтмай Нью-Хейвендаги мавсум ёпилгач, биринчи эшелоннинг учинчи лигаси – Иттифоқ лигасини тузишга киришиб кетишди. «Нью-Хейвен»нинг юлдузи ва биринчи бейсмени Сэм Кеннеди «Балтимор»нинг менежери этиб тайинланди. Сэм мен билан учрашиш учун Филадельфиядан келди. У менга янги лигада ўйнаш учун ёзилган Миллий ҳамда Америка лигаларидаги кўплаб ўйинчиларнинг рўйхатини кўрсатди. Сэм рад қилиш мумкин бўлмаган жуда яхши таклиф киритди. У шундай деди:

– Фрэнк, сен *олий лига ўйинчиси* бўласан!

Ва мен «Балтимор»га ёзилдим.

Йил бейсбол мавсуми учун ёмғирларга ниҳоятда сероб келди. Бир сафар тўхтовсиз ўн кун ёмғир ёғди. Катта маошли бейсболчилар меҳмонхона залларида зерикиб қолишди. Баъзан ўйин ўтказишга муваффақ бўлинар, аммо ҳаво шу қадар совуқ ва рутубатли эдики, томоша қилиш учун кам одам ташриф буюрарди. Шу тариқа Иттифоқ лигаси барбод бўлди. Мустақиллик кунида кетма-кет икки ўйинни ўтказган профессионалларнинг янги лигаси ўзини касодга учраган деб эълон қилди ва ўз-ўзидан тарқалиб кетди.

Ташкил этилган бейсболдаги барча «қочоқ» ўйинчилар бир йил давомида қора рўйхатга тушиб қолишди. Шу боис мен мавсумнинг қолган қисмида Пенсильваниядаги «Хейзелтон»да «қонунга хилоф» фаолият юритаётган Атлантика лигасига ўтиб ўйнадим. Келгуси йили ҳуқуқларим тиклангач, Шимолий Каролина штатининг «Гринвилл» жамоасига қабул қилиндим. Ўша пайтда у профессионал бейсболнинг қуйи лигасида эди.

Аммо доимо бўлганидек, ҳар қандай нохушлиқда ҳам бир эзгулик бор. Мен жамоани яхши кўриб қолдим. Одамлар ҳам менга худди қиролдай муносабатда бўлишар,

ваҳоланки, зарбаларим унчалик қовушмасди. Бир куни менежеримиз Томми Стач шундай деди:

– Фрэнк, агар сенинг зарбанг яхши бўлганида борми, олий лигадагилар ортингдан югуриб юришарди.

– Зарба беришни қандай ўргансам бўлади? – сўрадим мен.

– Бор ғайрат-иштиёқингни зарбага сарфла, ана шунда ўрганасан, – жавоб берди Томми.

Мен уни ҳазиллашяпти, деб ўйладим.

– Қандай қилиб зарбага иштиёқни қўллаш мумкин? – сўрадим ҳайрон бўлиб.

– Кўпроқ машқ қилишинг керак, – тушунтирди Томми. – Ҳар куни эрталаб стадионга боришинг ва уч юз марта тўп оширишни машқ қилишинг лозим. Бунинг учун ғайрат керак ахир, шундай эмасми?

Зарбаларга ғайрат-шижоатни қандай қилиб қўллаш кераклигига менинг сира ақлим етмасди. Энди эса бу ғоя шунчалик маъқул тушдики, натижада жамоанинг бир нечта ўйинчисини ўзим билан бирга боришга кўндирмоқчи бўлдим.

Улар, сен ақлдан озиб қолибсан, дейишди: бирорта ҳам шимоллик жанубнинг жазирама қуёшига эрталабдан кечгача чидай олмасди. Ётоқхонадаги қўшним Айви «ҳинду» Уинго Жоржия штатининг Уэйкросс деган жойидан бўлиб, юзига сепкил тошган малласоч ёш йигит кетчер¹⁷ эди. У мен билан бирга уриниб кўрмоқчи бўлди. Биз бир неча танга ишлаб олишга йўқ демайдиган ўсмирларни топдик ва тонг отар-отмас, қуёш қиздирмасдан йўл олдик. «Ҳинду» билан ҳар биримиз уч юзтагача тўп ошириш машқини амалга оширдик ҳамда вақтни ғоятда кўнгилли ўтказдик.

Машғулот бошида менинг тўп узатиш кўрсаткичим 0,238 га тенг эди, яъни зарба бериш учун битани йигирма бир марта силкитганимда ўртача бештаси тўпга тегарди. Фарқ ҳар йигирмата оширишда бор-йўғи битта қўшимча тўпни уришни ташкил этди. Аммо мавсум охирида бу арзимас та-

¹⁷ Кетчер – уй майдонида тўпни бита билан уриб қайтарадиган ҳужумчи ортида турувчи ўйинчи. Питчер узатган тўпларни қабул қилади.

фовут ўртача кўрсаткичимни 0,300 га кўтарди ҳамда Каролина лигасининг бошқа ҳар қандай ўйинчисидан кўра менга кўпроқ тўпни зарб билан уриш имконини яратди. Натижада ажойиб кунларнинг бирида эрталаб «Сент-Луис кардиналс» жамоасига бориб қўшилиш учун Нью-Йоркка кетаётган поездда уйғондим.

Нью-Йоркка «кардиналс» бўлиш учун келганимдан сўнг орадан бир соат ўтгач машхур «Поло граундз»да жуда ажабтовур, олий лига тарихида мутлақо рўй бермаган воқеа, «хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг» қабилидаги ҳодиса рўй берганди!

Ечиниш хонасида менежер Рожер Бреснаган билан учрашдим. У мени бошқа ўйинчилар билан таништирди. Аксарият йигитлар майдонда машқ қилишар, уларга кўшилганимда кимлигимни ҳеч қайси билмади ҳам. Ўйин бошланди, мен эса «Сент-Луис кардиналс» либосини кийиб, улуғ ўйинчилар, ўзим ҳамиша ҳавас қиладиган кишилар билан ёнма-ён ўтирардим. Орзум рўёбга чиққанди. Ўзимни қанот чиқаргандай ҳис этдим.

Стадион трибуналари ишқибозлар билан лик тўла, бунақасини сира кўрмагандим. Бейсбол ўйнаш учун ҳавас қилгулик кун бўлганди. Мен асло асабийлашмасдим, чунки ўйинга жалб этилмагандим (шундай ўйда эдим). Ўтириб олиб, томошадан завқланардим, холос. *Бунинг учун тагин менга ҳақ тўлашарди!* Кристи Матьюсон «Гигантлар»да тўп оширувчи эди... унутилмас Кристи Матьюсон тўпни қайтариб бўлмайдиган қилиб узатувчи таниқли ўйинчи, бейсбол тарихида энг улуғ тўп оширувчи деса ҳам бўлади. «Улуғ сардор» ҳинду Мейерс эса қабул қилувчи эди. Машхур рефери Хэнк О'Дей «уй»да туриб, бол¹⁸ ва страйкларни¹⁹ эълон қиларди. У ерда яна «Гигантлар»нинг атоқли менежери Жон Магси Макгроу ҳозир бўлиб, ўйинчилар ўриндиғи олдида нари-бери бориб турарди. Барчаси

¹⁸ Бол – зарба бериш чегарасидан ташқарига узатилган тўп ва қайтарувчининг бита билан берган зарбаси мўлжалга тегмаган тўпни англатади.

¹⁹ Страйк – қайтарувчи тўпни уролмаган ёки майдонга қайтаролмаганда ҳакам томонидан ҳисобга олинадиган хатолар.

мен йиллар давомида ҳавас ила томоша қилишни ёқтирган расмлардагидек яққол намоён эди.

«Кардиналлар» жамоасининг сардори ҳамда иккинчи бейсмени Миллер Хаггинс чиллак (бита) билан турарди. У ўйин бошланиши олдидан Матьюсон ҳакам Хэнк О'Дей билан суҳбатлашганидан беҳабар эди. Матьюсон ҳакамга эрталабки газетадан қирқиб олинган парчаларни – Хаггинснинг сурати ҳамда лиганинг бошқа ўйинчиларига нисбатан бу мавсумда масофани кўпроқ айланиб чиққани ҳақида ёзилган мақолани кўрсатганди.

– Қулоқ сол, Хэнк, – деди Матти, – биласанми, нима учун Хаггинснинг масофани айланиб чиқиши бунчалик кўп?.. У базада бошқа ҳар қандай ўйинчидан кўпроқ туради, чунки питчер узатган ноаниқ 4 та тўп узатишдан сўнг базани ўзгартириш ҳуқуқини қўлга киритади! Гапни Хаггинснинг бўйи атиги беш фут, олти дюйм бўлганидан бошлаймиз. Бунинг устига у майдончада энгашиб туради. Тўп учиб келаётганини кўргач, йирик қадам ташлайди ва зарба бериш учун «шўнғийди»... У ўзини бошқаларнинг ўрнига қўйиб кўрсин. Бор куч билан ҳаракат қилиб копток улоқтирилганда, уни страйк деб ҳисоблашдан олдин ўйлаб кўриш керак. Хэнк, сендан фақат Хаггинс ўзи ёқтирган ҳолатда туриб, тўпни уришга ҳозирланганда страйк белгилашингни илтимос қиламан!

Турган гапки, Хаггинс мазкур гаплардан беҳабар бўлиб, доимгидек, майдонда бироз энгашиб турарди. Матьюсон қулочини ёзди-да, тўпни даҳшатли тезликда тўғридан-тўғри база марказига йўллади. Аммо Хаггинс катта қадам ташлаб, зарба бериш учун шўнғиганида, копток аллақачон унинг бошидан бир фут баландликда эди!

– Страйк, – деб қичқириб юборди Хэнк О'Дей.

– Нима учун? – алам билан жеркиб сўради Хаггинс, сўнг орқага сакраб, юзини ҳакамнинг бурни тагига олиб борди.

Пакана Хаггинснинг фақат оғзи катта бўлиб, бунақасини мен ҳеч қачон кўрмагандим.

Ўриндиқдан унинг калласи худди эшик ошиқ-мошиғи каби бўйнига маҳкамлангандек кўринар, ҳар сафар улкан

оғзини очганида, калласи ана шу эшик ошиқ-мошиғида паст-баландга ҳаракат қилаётгандай туюларди.

Хэнк О'Дэй, ҳатто киприк қоқиб ҳам қўймади. Ниҳоят аччиқланган Хаггинс тўп узатаётган майдонга қайтди. Чиллакни ғазаб билан базага бир урди-ю, яна қоматини энгаштириб туриб олди.

Матьюсон барини жуда яхши назорат қиларди. У тўпни яна даҳшатли тарзда ўша нуқтага узатди. Хаггинс тагин ўзининг катта қадамини ташлади ва шўнғиди – тўп унинг боши узра бир фут баланддан учиб ўтди.

– Иккинчи страйк!! – хитоб қилди Хэнк О'Дей.

– Нима учун? – бўкириб юборди Хаггинс қаддини ростлаб ва ҳакамга худди шақилдоқ илон сингари отилди. Унинг улкан оғзи гўё О'Дейнинг юзига олов пуркагандек бўлди.

Шунда ҳакам қўли билан «Кардиналлар» ўриндиғи томонни кўрсатиб деди:

– Сен аутдасан!

Хаггинс гўё ҳакамнинг бошига туширмоқчи бўлгандай чиллакни даст кўтарди. Аммо Хэнк уни қўли билан оҳиста ечиниш хонаси томон йўллади. Шунда Хаггинс ўриндиқ тарафга шошилди. Агар ҳакам ишора билан ечиниш хонасини кўрсатганида борми, Хаггинс стадионни тарк этиб, ўз-ўзидан ўйинда қатнашишдан ўн кунга марҳум бўларди. Шунча кун унга маош ҳам тўланмасди.

Воқеалар янгича тус олди! Бреснаган ўриндиқда ўтирган ўйинчиларни кўздан кечирар экан, олдинга қараб энгашди. Мен охирида ўтирардим, кўзларимиз тўсатдан учрашиб қолди.

– Бетчер! – қичқириб юборди у. – Бориб чиллакни олгин-у, Хаггинснинг ўрнига тўп узатишни бошла!

– Менми? – сўрадим ўзимни йўқотиб.

Бреснаган тасдиқлаган каби бош ирғади.

Тўпни *Кристи Матьюсон* узатарди!

Чиллакни Гринвиллдан махсус олиб келгандим. Уни шу пайтгача қўлимда ушлаганлар орасида энг яхшиси, деб ҳисоблардим. Аммо азбаройи ҳаяжонланганимдан бу чиллакни топа олмасдим. «Кардиналлар» ўриндиғи олдида

жуда кўп чиллак қўйилган, улар бутун Каролин лигасига ҳам етиб ортарди! Мен биринчи дуч келган чиллакни чангалладим-у, майдон томон йўл олдим. Юриб борарканман, тиззаларим қалтираб, қўлимдаги бита ҳаддан зиёд оғирлашиб кетгандай бўлди. Мени ожизлик қамраб олди. Худди баланд тепаликка кўтарилаётгандек бўлдим ва уни ошиб ўтишга менда ҳеч қандай ишонч йўқ эди.

Ўшанда овоз кучайтиргичлар мавжуд эмасди. Ҳакамлар улар ўрнини босарди! Хэнк О'Дей мени танимас, шу боис, базага етганимда, олдимга келди ва сўради:

– Исминг?!

Мен шунчалик гангиб қолгандимки, ҳатто гапира олмасдим.

– Исминг деяпман! – такрорлади Хэнк юзимга тик қараб. Бироқ мен, ҳатто ютина олмадим ҳам.

Хэнкнинг юзидаги жирканишни ҳеч қачон унута олмайман. У менга орқасини ўгириб, кепкасини ечди. Сўнг матбуот ходимлари ўтирган жойга назар ташлади ва гулдиреган товушда бақириб юборди:

– ҲЕЧ КИМ... Хаггинснинг ўрнига тўп узатади!

Шу ўринда айтишим керакки, мен ҳақиқий профессионаллар бутси тиши лой бўлса, чиллак билан уриб туширишини эслаб қолгандим. Ҳозир тишларга илашадиган лойнинг ўзи бўлмаса-да, ҳар қалай ҳақиқий профессионаллардай кўрингим келди. Шу боис, база майдончасида турганча, хотиржам кўринишда чиллак билан бутсига ура бошладим. Аммо бир камчиликка йўл қўйгандим: ҳақиқий профессионал ўйинчилар бу ишни ҳеч қачон базада туриб қилишмаган экан!

Шундай қилиб, мен пастга қараган кўйи бутсининг остки қисмини таққиллатар эканман, Матьюсон коптокни ирғитди. Бошимни кўтариб қарасам, тўп тўппа-тўғри калламга томон учиб келяпти. Зарба бериш учун шўнғидим, аммо у машҳур «қайтариб бўлмайдиган» тарзда узатилган тўп эди ва тўғридан-тўғри базанинг ўртасига бориб тушди.

– Учинчи страйк! Сен аутдасан! – деб бақириб юборди Хэнк О'Дей.

Бейсбол тарихида биринчи марта олий лигадаги ўйинчи биринчи берилган коптоқдан аутга чиқиб кетганди!

Орқага қайтишда, жамоа ўриндиғида Макгроунинг қичқирғини эшитдим:

– Мен айтмагунча ҳеч қаерга қўл қўймагин!

Ўриндиқда ўтирган ўйинчилар ҳаяжонланиб қотиб қолишганди. Бреснаган сув совутгич идиш олдида бир қўлида стакан тутганича оёғини нов устига қўйган, сув оқиб тушаётганини, афтидан, анчадан бери сезмасди.

– Қани, Бетчер, буни ичиб юбор-чи, – деди у салобатли овозда. – Майдонга тушган пайтингда мен буни сенга атаб тўлдириб қўйгандим!

Ўша тунда меҳмонхонада ўйинчилар шунчалик жонимдан тўйдириб юборишдики, кечки овқатга келганимга роса пушаймон едим. Аммо кечки овқатдан сўнг ҳайратга соладиган воқеа юз берди.

– Сен хонада ким билан турибсан, Бетч? – деб сўради Миллер Хаггинс мени йўлакка чақириб чиқаркан.

Билмайман, деб жавоб бердим, чунки ҳали хона беришмаганди.

– Мен билан бир хонада турсанг, қарши эмасмисан? – таклиф қилди у.

– Жуда яхши бўларди! – жавоб бердим мен.

Хаг меҳмонхона дарбонининг олдида борди ва бир неча дақиқадан кейин қайтди. Менга калитни берар экан:

– Жомадонингни юқорига олиб чиқ, – деди.

Кейинроқ Хаггинс нега мен билан бир хонада туришга қарор қилганини айтиб берди. Маълум бўлишича, унинг хонадоши ҳаддан зиёд кўп вайсар экан. Хаг мендан нима кутаётганини айтди. Унга панд бермадим.

Хаггинс қандай фикр юритишини англамоқчи бўлдим. Ва тушундим. *У барчасини атрофлича ўйлаб кўрарди!* Хаггинс камгап одам эди. Маълумотли, коллежни тугатган, ўзининг қадрдон шахри Цинциннатида амалиётни ўтаган. У мен билган бейсболчиларнинг энг иқтидорлиси эди. Мен ўрганишга чанқоқ эдим. У ҳеч қачон саволларимдан чар-

чамас, назаримда, менинг тимсолимда дунёдаги энг яхши тингловчини топиб олгандек эди.

Бир сўз билан айтганда, мендай ғўр бола бахтга белангандай кўринди. Мазкур давр ҳаётимдаги энг бахтиёр дамлар эди. Нима учун шундайлигини бу ҳақда сизларга кейинроқ батафсил сўзлаб берганимдан сўнг билиб оласиз.

Тўртинчи бўлим

МЕН «ҲИНДУ» УИНГОНИ ҚАЙТАРИШГА МУВАФФАҚ БЎЛДИМ

Ўйлайманки, Гринвиллдаги ётоқдош кўшним Айви «ҳинду» Уинго билан рўй берган воқеаларни билиш сиз учун қизиқ бўлса керак. Унинг ёши бор-йўғи ўн саккизда бўлиб, ажойиб ҳурпайган малласоч, миллионлаб сепкил ва кишининг завқини келтирадиган табассум соҳиби эди. Шунингдек, Уинго менинг бейсболчилик қобилиятим борасида ўта ҳаяжонли тасаввурга эга эди.

Мен ҳеч бўлмаганда, «ҳинду» тасаввуридаги кишининг лоақал ярмича бўлишга ҳаракат қилардим. У Гринвиллнинг қаеридадир пайдо бўлсам, мени худди қаҳрамондай кўриб ҳамиша ортимдан изма-из юрарди. Даставвал, бу менга ёқди, ҳатто хушомаддай кўринди, аммо охир-оқибат ғашимга тегди ва ундан ўзимни олиб қоча бошладим.

Лекин Гринвиллни тарк этиб, Сент-Луисга ўтганимдан сўнг Уингони қўмсай бошладим. Шунда «ҳинду»ни беихтиёр бамисоли тумордай қабул қилганим ва у менинг бейсбол бўйича эришган мавқеимга қанчалик ёрдам берганини англаб етдим. «Ҳинду»нинг қобилиятим борасидаги ҳайратда қолдирадиган ишончи мени руҳлантириб юборди. Масалан, агар оғир пайтларда тўпни узатишимга тўғри келганда, базада ўйинчилар бўлган вақтда Уингонинг кучли ҳаяжони менга далда берар ва зарбам албатта муваффақиятли чиқади деган ишонч туғдирарди. Мен чиндан ҳам унга панд беролмасдим.

Энди эса Сент-Луисда ўриндиқни артиб тозалайдиган янги ўйинчилардан бири эдим, холос. Ўриндиқдан туриб зарба бера олмасдим, чунки чиллак ҳаддан зиёд калта эди. Олий лигада фарқ қиладиган ягона жиҳатим – мени битта узатган тўпим учун аутга чиқариб қўйишганди.

Шунда, агар «ҳинду» Уинго ёнимда бўлганида, менинг қанчалик яхши эканлигимни бу профессионалларга гапириб берарди, деб ўйладим. *Қандай бўлмасин, «ҳинду»ни қайтариб олиб келишим керак!*

Кейин бахтсиз ҳодиса юз берди. «Кардиналлар»нинг тўп қабул қилувчи дублёр ўйинчиси Жек Блисс оёғини синдириб қўйди ва мавсум охиригача ўйиндан чиқди. «Кардиналлар» Милуокидан Келли исмли кетчерни сотиб олишди. Мен бир неча кун давомида Келлини машғулотлар пайтида кузатдим. Уинго билан солиштирганда, у менга худди «секинлаштирилган кино»дек кўринди.

Бу менинг «ҳинду»ни қайтаришим учун яхши имконият эди.

Мен Бреснаганга Уинго тўғрисида гапириб бера бошладим.

– Рожер, у жуда ёш, лекин бейсболда энг машҳур тўп қабул қилувчи бўлиб етишади. Дунёдаги бирорта кетчерда учрамайдиган ушлаб олиш хусусиятига эга!

– У Келлига нисбатан яхши ушлай оладими? – деб сўради Бреснаган.

– Билмадим, – жавоб бердим мен. – Келли қандай ушлаб олганини ҳеч қачон кўрмаганман (Келлининг тўпни қабул қилишидан фақат машғулотларда ҳамда питчерларнинг чигилини ёзишда фойдаланишарди).

Ҳа, мен Келлини машғулотда қанчалик кўп кўрганим сари, Уингонинг ҳар томонлама устунлигига шунчалик кўпроқ ишонч ҳосил қилардим. Қулай пайт келган заҳоти Бреснаганга гренвиллик ётоқдош қўшним тўғрисида сўзлардим. Бу ажойиб менежер менга ҳар сафар бир хил савол берарди:

– У Келлига нисбатан яхши тутиб оладими?

Мен ҳам ҳар сафар бир хил жавоб берардим:

– Билмайман. Келли ўйинда тўпни қандай тутишини ҳеч қачон кўрмаганман.

Шу билан бирга мен захирадаги ўйинчилар ўриндигини деярли тарк этмас, бутунлай умидсизликка берилгандим. Ишончимни уйғотадиган одам учун ҳаммасига тайёр эдим. Бир куни шундай дедим:

– Уинго зўр зарба беради. У чап томондан узатади ва қисқа масофага ажойиб зарба бера олади.

Шунда Рожер бошқача савол бериб қолди:

– У фол чизиғидан ташқарида тўп билан қандай ўйин кўрсатади?

– Қойилмақом тарзда, – жавоб бердим мен. – Тўпни тутишда кроссовка кийиб ўйнайди.

– Нима учун? – ҳайрон бўлиб сўради Рожер.

– Гринвиллда, – изоҳ бердим мен, – стадион томи минбарнинг орқа томонидан фақат ярмини ёпган, холос. Ишқибозларни майдон чегарасидан ташқарига учадиган тўплардан ҳимоя қилиш мақсадида минбарнинг олдинги панжарасидан томгача оғир металл тўр тортилган. Тўр ўртароқда бироз осилиб қолганди. Узатувчи зарба берган лаҳзада тўп минбарга қараб учди, Уинго юзидаги ҳимояланувчи ниқобни ечиб ташлади-да, минбар томон ўқдек отилди ва тўрга сакради. Ҳамминг боши узра осилиб турган тўрга тирмашиб чиқиб, томошабинлар телбалардек ўринларидан туриб бақираётганларида, коптокни тутиб олди.

Бу гапим ўз натижасини берди!

Атиги бир неча кун ўтгач Бреснаган ўйинда ўнг қўлининг бош бармоғини синдириб қўйди. Шифокор унга ўйиндан икки-уч ҳафта четланишга тўғри келишини айтди. Кейинги куни Бреснаган йўқолиб қолди. Кимдир, Рожер «ов»га жўнади, деди.

Орадан ўн кун ўтгач, биз Цинцинатида ўйнайдиган бўлдик. Ўйин пайтида Рожерга кўзим тушди. У минбар остидан чиқиб, бизнинг ўриндигимизга келиб ўтирди. Эғнида янги башанг спорт костюми бор эди.

Ўша куни учинчи базада ўйнаётгандим. Иннинг тугагач, Рожер менга ҳадя қилган ҳар қачонгидан ҳам ажойиб дўстона жилмайиши билан олдимга келди.

- Мен Уингони ёлладим, – деди у.
– Сен, Уинго биз билан бирга кетади, демоқчимасман?
– қичқириб юбораёздим мен.
– Худди шундай, – жавоб берди Рожер жилмайиб.
– Хўш, у сенга маъқулми? – сўрадим мен ҳаяжонга тушиб.
– Менимча, Уинго жуда ажойиб, навқирон кетчер, – деди Бреснаган. – Фақат сен қанақа бемаъни гапни айтгансан-а? Мен Гринвилда бутун бошли ҳафтани ўтказдим, лекин унинг бирор марта тўрга осилиб чиққанига кўзим тушмади.

Бешинчи бўлим

МЕН ҲАЁТНИ СУҒУРТАЛАЙДИГАН КИШИГА АЙЛАНДИМ!

Менинг папкамда газетадан қирқиб олинган бир парча бор. Унда коптокни 356 фут 9 дюймга улоқтирганим тўғри-сида ёзилган, бу жаҳон рекордидан бор-йўғи 14 ярд²⁰ кам, холос. Ўз даврида мазкур кўрсаткич бейсболда энг узоқ улоқтириш бўйича иккинчи ҳисобланган. «Кардиналлар» сафида ўтказган икки йилдан сўнг Чикагодаги ўйинлардан бирида «Буқалар» жамоаси аутфилдери²¹ Фрэнк Скулте кутилмаганда учинчи база чизиғи яқинига тўпни чирпирак қилиб йўллади. Мен базага бор кучим билан чоғиб кириб, коптокни ушладим ва уни биринчи базага ташлашга уриндим – у қарама-қарши йўналишда эди. Бирдан елкамда нимадир қисирлаб кетди. Мен иккинчи базада Хаггинсга қараб қичқирдим:

- Хаг, уларга айт, бу томонга энди оширишмасин.
– Нега? – деб бақирди Хаггинс бунга жавобан.

Мен унга ишора қилиб, қўлимга нимадир бўлганини кўрсатдим.

Хаггинс тўппа-тўғри Бреснаганнинг олдига бориб:

²⁰ 1 фут тахминан 30,5 см; 1 дюйм – 2,5 см; 1 ярд – 91,4 см га тенг.

²¹ Аутфилдер – бейсбол ўйинида майдондан ташқаридаги ўйинчи.

– Фрэнкни учинчи базада алмаштирганимиз маъкул. Унинг жароҳати бор, – деди.

Ўшанда унчалик жиддий туюлмаганиди, аммо кечга бориб, ҳатто овқатланишда ҳам қўлимни кўтара олмай қолдим.

Бейсболчини ҳеч нима жароҳатланган қўл каби хўрлаб, унга азоб бермайди. Менинг қўлим келгуси мавсумда ҳам тузалмади. «Сент-Луис» ўз ҳолимга ташлаб, келишилган нарҳда сотмоқчи бўлди. Аммо Миллий лига жамоаларидан бирортаси ҳам мен билан қизиқмади. «Кардиналлар» мени Канаданинг Халқаро лигада ўйнайдиган «Монреал» жамоасига вақтинча бериб турди.

Мен Хаггинс билан хайрлашар эканман, у шундай деди:

– Фрэнк, бундай қўл билан бизнинг ўйинда ҳеч нима қила олмайсан. Ҳали ёшсан. Шундай экан, нима учун бошқа ниманидир ўрганмаслигинг, бирор иш билан шуғулланмаслигинг керак?

Монреалда майдоннинг ўнг томонида ўйнадим. Тўп аутга чиқиб кетганида, иккинчи бейсмен уни орқага қайтариш, ички майдонга йўналтириш мақсадида мен томонга ташланди. Бу менинг вазифамга кирарди, аммо удалай олмадим.

Орадан бир неча ҳафта ўтгач, менежер Китти Брансфилд олдимга келиб, шундай деди:

– Фрэнк, сени президент кўрмоқчи.

Президентнинг исми Литченстайн эди. У муқаддас Лаврентий дарёсидаги бир нечта кемалар соҳиби бўлиб, тижорат билан муваффақиятли равишда шуғулланарди. Мен президентнинг қирғоқ бўйидаги хонасига кирганимда, у бошини ҳам қилганча у ёқдан-буёққа юрар, қўлини орқасига қилиб котибасига ниманидир айтиб ёздирарди. Бўйи анча паст бўлиб, Наполеоннинг ўзидан ҳам кўпроқ Наполеонга ўхшарди.

Индамай туравердим. Бир неча сониядан сўнг президент менга назар ташлади-да, шундай деди:

– Фрэнк, назаримизда, сенинг қўлинг бундай совуқ иқлимда ҳеч қачон ўнганмайди. Шамол бўладиган кунлар

ниҳоятда кўп. Биз, агар сен Жанубга борсанг, иссиқ иқлим қўлингни даволайди ва имконият пайдо бўлади, деб ўйлаймиз. Кеча кечқурун мен Сент-Луисга қўнғироқ қилдим, Бреснаган билан гаплашдим. Улар сени Чатануга, Жанубий лигага жўнатишга қарор қилишди.

Котиба менга конверт узатди, жаноб Литченстайн изоҳ берди:

– Бу ухлаб кетиладиган Пульман вагонига чипта. Шунингдек, бугунги сана билан ёзилган барча пуллариинг жамланган чек.

Тун бўйи поездда ухлолмай, тўлғониб чиқдим. Мен энди кимман? Пастга қараб кетаётган ёш йигитча...

Мен «Чатануга» жамоаси бир неча кундан бери ўйнаётган Янги Орлеандаги «Сент-Чарлз» меҳмонхонасига ташриф буюргач, Олий лиганинг собиқ ўйинчиси, менежер Кид Элберфилд билан учрашдим. Унинг биринчи сўрагани шу бўлди:

– Сенга нима бўлди, Фрэнк?

– Қўлимни шикастлантириб қўйдим, – деб очиқ-ойдин жавоб бердим мен. – Аммо ишонаманки, яқин кунларда тўла-тўкис тузаламан.

Янги Орлеан жуда иссиқ эди. Қўлим анча тузалиб қолганини билиб, руҳим кўтарилди. Чатанугага келганимизнинг бешинчи кунда тўсатдан Кид менга деди:

– Сени президент кўрмоқчи!

– Ҳозирнинг ўзидами? – сўрадим мен.

– Ҳа, ҳозироқ, – бош ирғади Элберфилд.

Менга унинг шу зайлда жавоб бергани мутлақо ёқмади.

Президентни Паттон деб аташарди. У жуда бадавлат бўлиб, боулинг-клуб, «Паттон» меҳмонхонаси ва бутун жануб бўйлаб бир неча меҳмонхона тармоқларининг эгаси эди. Мен «Паттон» меҳмонхонасидаги кабинетига кириб борганимда, мафтункор қиз шундай деди: «Жаноб Паттон мажлис ўтказяпти. У киши сиз билан учраша олмайдими». Қиз менга бир конверт узатди. Унинг ичидан машинада ёзилган хатни чиқардим. Хатда қуйидаги гаплар ёзилганди:

«Сизни Миллий лиганинг Сент-Луис бейсбол клуби ва «Чатануга» бейсбол клуби сафидан қайта тикланмайдиган қилиб бўшатганимизни маълум қиламиз. Ишдан бўшатиш дарҳол кучга киради. Бугунга қадар, шу билан бирга, шартномангизга мувофиқ кўшимча 10 кунга маош тўлаш тўғрисида чек илова қилинади».

Бейсбол чиллаги билан бошимга туширишса, бундан кучлироқ гангитмаган бўларди. Гандираклаб, меҳмонхона вестибюлига чиқдим. Шунчалик таъсирлангандимки, қаёққа кетаётганимни билмасдим. Теннеси дарёси устидан ўтган баланд кўприқда ўзимга келдим. Ортимдан кичкина бир кўппак эргашганди. Бирорта жонзот менга бунчалик ҳамдардлик билан қарамаганди.

Мен кўприк панжарасига суяниб, йиғлаб юбордим. Ёнимда ҳеч ким йўқ эди, шунинг учун кўз ёшларимни тўкавердим. Ўзимни шунчалик эзилган, ҳар қандай кежалакдан марҳум этилгандай ҳис қилардим. *Ўз-ўзини умидсизликка гирифтор этишдан ортиқ руҳий синиш бормикан?* Мен бу ерни ўз-ўзини ўлдириш учун энг яхши жой деган ўйга келдим.

Назаримда, кўппак менинг пастга сакрамоқчи эканлигимни сизди, шекилли, орқа оёқларида тик туриб, олдингисини тиззамга қўйди. Сўнг зорлангандай, сакрама, дегандай, ангиллай бошлади. У кўзларимга тик қараб, таскин бермоқчидай кўринди.

Ўша куни эрталаб ҳеч ким мени бу жонивордай тинчлантира олмаган бўларди. Мен у билан бирга юрак-юракдан йиғладим. Ит мени тушунгандай бўлди.

Биласизми, наслдор итнинг менга шу тарзда ҳамдардлик билан муносабатда бўлишига ишонмайман. Афтидан, бир пайтлар бу кўппак итнинг думига консерва банкаларини боғлашган. Мен билан ҳам тахминан шундай қилишди. Шу боис ит ҳолатимни жуда яхши тушунди... *Мен энди ҳеч кимга керак эмасдим.*

Кўприқдан тушдим-у, хушсурат кичкина дўстимнинг бошини меҳр билан силаб, ҳамдардлиги учун миннатдор-

чилик билдирдим. У менга бахтга тўлиққандай қаради ва тушунгандай думини ликилллатиб қўйди. Сўнг кўча бўйлаб менинг қай тарзда кетаётганимни кузатиб турди. Муюлишга бурилар эканман, орқамга ўгирилиб қарадим. Ит ҳамон изимдан тасалли бергандек тикилиб турарди.

Мен ўтган кечани ўтказган ночоргина меҳмонхонага қайтиб келдим. У ерда кетчер Габби Стритни учратдим (дарвоқе, у бир неча йил ўтиб, «Кардиналлар» менежери бўлганди). Габби мен билан қандайдир кўнгилсизлик рўй берганини дарров фаҳмлади.

– Нима гап, Бетч? – сўради у.

Мен унга ҳеч нима дея олмадим. Фақат хатни кўрсатдим, холос. Габби уни ўқиб кўриб, менга ҳайрон бўлиб қаради ва шундай деди:

– Бай-бай-бай! Менимча, сен лига учун жуда керакли ўйинчи эдинг!

Габбини ҳеч қачон унутмайман. У менга нафақат ҳамдардлик билдирди, балки мен билан телеграфга бориб, ўзининг ҳисобидан барча дўстлари, мамлакат бўйлаб жамоаларнинг менежерларига телеграммалар жўнатди. Унга фақат *bitma* – Техас лигасидаги «Гальвестон» менежери жавоб қайтарди, холос.

Икки кундан сўнг мен Гальвестонда эдим. Жанубнинг иссиқ иқлимида қўлим анчагина эпақага келиб қолган, шу боис мени учинчи базага қўйишди. Бу жойда ҳаракатланиш ўзимга ёқарди. Мен «Гальвестон» учун яхши ўйнадим: ўйлаб урилган зарбалар, масофани айланиб чиқишлар очколар олиб келди. Аммо бир куни коптокни тез ирғитар эканман – қўлим гўё узилиб тушгандай бўлди! *Мен ҳаммаси тугаганини англадим.*

Икки кун ўтди. Менежер олдимга келди. Юзидаги ифодага қараб, унинг нима демоқчи эканлигини англадим ва биз бирданига шундай деб юбордик:

– Фрэнк, сени президент кўрмоқчи!

Олдинда нима кутаётганини аллақачон билгандим. Бу ўша мавсумда мени кўрмоқчи бўлган тўртинчи президент эди. Уларнинг ҳаммаси бир хил тарзда қабул қиларди.

Энди думимга тўртта лигадан тўртта консерва банка боғлаб қўйилганди!

«Гальвестон» ўйинчиларидан бири шундай деди:

– Фрэнк, сен бейсбол бўйича барча даврлар учун рекорд ўрнатдинг. Ҳеч ким бунчалик пастга қуламаганди: катта лигалардан АА тоифагача, сўнг А тоифага, кейин В тоифагача – буларнинг барчаси битта мавсумда!

Мен ҳаммасини бошидан бошлашга қарор қилдим. Ўзим доимо яхши кўрган шаҳар – Шимолий Каролина штатидаги Шарлоттага телеграмма юбордим. У ерда мени фаворит спортчи деб ҳисоблашарди: ўшанда «Каролина»дан «Сент-Луис»га сотишганди. Жавоб жуда тез келди:

«ДАРҲОЛ ШАРЛОТТАГА ЕТИБ КЕЛ... БАРЧА МУХЛИСЛАР ШОД БЎЛИШАРДИ...»

Шарлотта вокзалида мени бошқа президент – жамоанинг бош соҳиби Жорж Уэрн кутиб олди. Жаноб Уэрн дарахт кесувчи бўлган ва унинг ёнида ҳеч қандай консерва банкалари йўқ эди. Аммо у билан бирга бейсболнинг қизиққон ишқибозлари жуда кўп эди. Ўша оқшом мени машҳур Тай Кобб ёки Бейб Рут каби кутиб олишди!

Мен қўлни истисно қилганда, яхши тайёргарлик кўрган имни уларга айтдим.

– Ҳечқиси йўқ, – деди менежер. – Биз сени биринчи базага қўямиз. Копток ташлашинга тўғри келмайди.

Эртаси кунги ўйинда бу мавсумдаги энг кўп томошабин йиғилганди. Мен майдонда пайдо бўлганимда, олқишлаш учун ҳамма ўрнидан турди. Ва омадим келди! Биринчи тўпни узатишгач, уни чап томондаги дублга урдим. Ишқибозлар бирдан бақириб юборишди. Худдики мен «Шарлотта»ни чемпионликка олиб чиққандай.

Уч кун давомида тўпни рисоладагидай урдим. Тўртинчи куни биз Шимолий Каролина маркази Ролига йўл олдик. Рутубатли, булутли кун эди. Биринчи тўп ирғитилгач уни ура олмадим, катта тезликда келаётган тўп билагимга тегди. Қўлим мутлақо бўйсунмай қолди. *Энди бейсбол билан ҳаммаси узил-кесил тамом бўлган эди.* Мен рекорд ўрнатгандим: бир мавсумда бейсболнинг энг тубига қадар тушиб

кетгандим – олий лигадан Д тоифага, яъни профессионал бейсболдаги энг паст тоифага.

Бир йил ичида мандан кўра кўпроқ лигаларда ўйнаган ва жой алмаштирган ягона инсон Жорж Вашингтон эди. Уни бутун халқ бир оғиздан «Миллат отаси» деб атарди.

Лекин мен *бешта президентни* кўриш бахтига муяссар бўлган кишиман!

Олтинчи бўлим «ҚИПИҚЛИ СЎҚМОҚ»

Мен Шарлоттадан жўнаб кетганимдан сўнг кўпчилик кўлимни ҳеч қандай йўл билан тузатиб бўлмади, деб ҳисобларди. Жамоа, агар келгуси йили келсам, уларнинг менежери бўлишимни таклиф қилди. Мен аро йўлда иккиланиб қолдим ва ўйлаб олиш учун вақт беришларини сўрадим.

Филадельфияга, уйимга қайтганимда, кўшни қиз ўзининг мафтункор табассуми билан кутиб олди. Шунчалик чиройли бўлиб кетибдики, зўрға танидим. У мен учун ҳамиша «кўшни қиз» бўлиб қолганди, энди эса *ўсиб-улғайибди!* Бироз вақт ўтгач, мен бу қизга уйландим.

Бутун қалбим билан севган бейсболни тарк этишим мен учун энг оғир азму қарор эди. Азоб ичида қолиб, иккиландим, аммо фарзандли бўлишимизни билганимдан сўнг қатъий қарорга келдим: Миллер Хаггинснинг маслаҳатига амал қиламан. Бейсболни ташлашим, ёш эканман, нима-нидир ўрганишим керак.

Мен яна чилангар-сантехникнинг ёрдамчиси бўлиб, ҳафтасига саккиз доллар учун ишлай олмасдим. Велосипедда юриб, кредитга ишлайдиган мебель концернининг йигирма беш, эллик центлик тўловини йиғиш билан машғул бўлдим. Шунингдек, ҳар бир мавсум учун уч ойда яна уч юз долларлик фаолият йўналиши – Суартмор коллежидаги бейсбол жамоаси тренерлигига ярим ставка иш топишга ҳам муваффақ бўлдим. Мен худди телбалардай велосипед тепкисини айлантирардим. Чунки ўз вақтида тўловларни

йиғиб олишим ва тушдан кейинги соат 14.30 да Филадельфиядан ўн беш мил нарида жойлашган Суартморга жўнайдиган поездга улгуришим керак эди.

Деярли уч йил давомида велосипедда юриб, зўрға тирикчилик ўтказдим. Мен яна нимани ўргана олардим? Яна қаерга ишга жойлашим мумкин? Аммо тўсатдан ҳаётим тубдан ўзгариб кетди.

Ҳаммаси илгари олий лигада ўйнаган машҳур профессионал-бейсболчи Билл Сандейнинг Филадельфияга Инжилчилар жамоаси билан бирга келишидан бошланди. Мен ибодатхонага қатнамасдим, аммо газеталарнинг бош мақолаларидан «қипиқли сўқмоқ»қа аъзо бўлаётган минглаб кишилар тўғрисида ўқигандим. Бутун шаҳар безовталаниб қолган эди.

Бир оқшом таниқли воизнинг Биллга шундай дегани ҳақида ўқиб қолдим:

– Жаноб Сандей, сизни кўп танқид қилишади. Кўпчиликнинг айтишича, мурожаатларингиз узоқ яшамайди.

– Майда чақалар ҳам кўпга бормайди! – деб жавоб берди Билл кулимсираб.

Бу менга жуда ёқди. *Балки менга ҳам айнан майда чақалар етишмаётгандир*, деб ўйладим!

Эртаси кун икки барвақт турдим-у, велосипедни миниб, автобекатда махсус Билли Сандей машварати учун ёғочдан ясалган катта ибодатхонага келдим. Аммо мен ичкарига кирмоқчи бўлганимда, полиция тўхтатди. Барча жойлар банд бўлганини айтишди (ўн беш мингта ўриндиқ-а!).

Ибодатхонада турган хизматчининг мени қандай ҳайдаб юбораётганларига кўзи тушди. Афтидан, у юзимдаги умидсизликни кўрган, шекилли, дарров ташқарига чиқди. Эҳтимол, шимимдаги қисқичлар диққатини ўзига тортгандир. Мен велосипедимни жойлаштирибман-у, уларни олишни унутган эканман.

– Офицер, – деди хизматчи, менинг тирсагимдан ушлар экан, – бизда бу йиғит учун жой бор.

У мени улуғвор табассум билан ўртадаги ўтиш жойи томон бошлади. Бутун пол қипиқ билан тўлиб кетганди. Мен ҳозиргача уларни оёғим остида ҳис этаман.

Ҳақиқатан ҳам битта бўш жой топилди! Мени ўтқозишган заҳоти Билли Сандей маърузасини бошлади. Унинг гапларини деярли сўзма-сўз такрорлашим мумкин:

– Бундан бир неча йил муқаддам, кунларнинг бирида, Чикаго кўчаларида «Вайт сокс» жамоаси ўйинчилари билан бирга кетаётгандим. Якшанба, пешин маҳали эди. Биз майхонага кириб, ичкилибозлик қилдик. Чиққанимиздан сўнг панжарага тизилишиб ўтирдик. Йўлнинг шундоқ нариги томонидаги бурчақда мўъжаз оркестр садо таратар, унда эркаклар ҳам, аёллар ҳам бўлиб, мадҳиялар куйлашарди. Одатда, онам ҳам шундай кўшиқларни хиргойи қиларди. Мен қадрдон Айовамни эсладим-у, хўрсиниб йиғлай бошладим. Кутилмаганда олдимга бир ўсмир келди-да, шундай деди: «Биз боққа кетяпмиз, бирга боришни хоҳламайсанми? Ишончим комил, бу сенга ёқади. Ароқхўрлар қандай қилиб ичишни ташлагани, қизлар эса ёмон одатлардан қандай халос бўлганини эшитасан». Мен ўрнимдан туриб, ўртоқларимга дедим: «Энди бас қилдим. Мени ғолиблар жамоасига қабул қилишмоқда!» Ва улардан юз ўгирдим. Дўстларимдан қай бири хахолаб кулди, бошқалари масхара қила бошлашди, аммо биттаси мени кўллаб-қувватлади.

Билли Сандей мароқли ҳикоясини давом эттирди. У ойига минг доллар маош оладиган бейсболчилик фаолиятидан воз кечиб, ёш насронийлар уюшмасида атиги 80 долларга ишлашга ўтганини сўзлаб берди. Гапираётган пайтида кўксига муштлади, костюми ва бўйинбоғини ечиб полга улоқтирди. У стулга ирғиб чиқди, уй майдончасида ҳаракат қилаётган бейсболчи каби полга узала тушиб ётиб олди!

Ниҳоят Билли минбарда тирсагига таяниб туриб, одамларни яқинроқ келиб, кўлидан ушлашга чақирди. Мен «қи-пиқли сўқмоқ»қа қадам қўйган биринчи киши бўлдим!

Биллнинг юзидан тер оқар, шунчалик жиққа ҳўл эдики, уни ҳозиргина «Вайт сокс» базасидан елиб келган деб ўйлаш мумкин эди. Биллнинг кўлини ушлаганимда, у кулимираб шундай деди:

– Худо сени Ўз паноҳида асрасин, ўғлим. Ҳаётингнинг ҳар бир соатида дуо қиламан.

Мен ўша куни уйга қайтадан туғилгандек бўлиб қайтдим. Ҳаётим қачон ва қай тарзда ўзгаришини тасаввур қила олмас, аммо велосипедда кезиш онларим яқин кунларда ниҳоясига етишига ишонардим. *Энди мен ғолиблар жамоасида эдим!*

Бу воқеадан кўп ўтмай Суартмордаги ўйинлардан бирида спорт кўмитаси раиси Чарлз Хож минбардан пастга тушиб келди-да, ўйинчилар ўриндиғида мен билан ёнма-ён ўтирди. У бироз вақт тренернинг жамоани имо-ишора билан қандай бошқариб турганини кузатди. Кейин шундай деди:

– Фрэнк, сен нима иш билан машғулсан?

Мен тўловларни йиғиштириш билан шуғулланаётганимни айтдим.

– Бир иложини топиб, олдимга кир, – деди у. – Сен билан гаплашиб олмоқчиман.

Жаноб Хож филиаллари бутун мамлакат бўйлаб тарқалган Филадельфиянинг ҳаётни суғурталовчи «Fidelity Mutual» ширкатида котиб бўлиб ишлар экан.

У билан кўришиш учун эртасигаёқ шошиб йўлга тушдим. Хож менга бир нечта саволлар бериб, тугмачани босди ва котибасидан Карл Коллингсни чақиришни сўради. Жаноб Коллингс уларнинг Филадельфиядаги менежери эди.

Орадан икки ҳафта ўтгач, душанба куни эрталаб мен уйдан ўзимнинг кўчада киядиган костюмим билан чиқдим. Велосипедсиз. Мен ҳаётни суғурталовчи кишига айлангандим!

Еттинчи бўлим

МЕН СУҒУРТА ДУНЁСИНИ ҲАЙРАТГА СОЛАМАН

Суғурта агенти бўлганимдан сўнг, кўп ўтмай, суғурта дунёсини ҳайратга солдим. Мен ишлаётган компания инсон шу қадар кўплаб ташрифларига қарамай қандай қилиб ҳеч нима сота олмаганига тушунмасди!

Узоқ ва умидсизликда ўтган ўн ойдан сўнг, жаноб Коллингс бунинг жавобини топганини айтди. У ўз фикрини

тагдор қилиб шундай ифодалади: мен нўноқ савдо агенти эканман. Хуллас, чиқим ҳисобимни ёпишди. Бу «учинчи страйк» эди ва мени ишдан бўшатишди.

Тахминан ўша пайтда эски касалим ўзини билдириб қўйди. Компаниямизда суғурталовчи бўлиб ишловчи нафақахўр Гарри Прутцман исмли киши (дунёдаги энг хушмуомала инсонлардан бири) кўринишим касал одамга ўхшашини айтди. Унга бор гапни баён қилдим. Прутцман дарҳол ўзининг эски дўсти, машҳур жарроҳ Жон Дивер билан гаплашиб, мени текширувдан ўтказишини сўради. Доктор Дивер зудлик билан операция қилиш кераклигини айтди. Мени Ланко госпиталига ётқизишди. Тўлов ҳақини ҳам кейинчалик беришга келишилди.

Операциядан сўнг менинг жисмим доимий равишда қақшаб оғрир, аммо руҳий азоб ундан ҳам баттар эди. Бейсболдаги ўша охири қайғули кунлар эсимга тушар, ўзимни эндигина топган пайтимда жароҳатланган қўлим мени бутунлай сафдан чиқариб ташлаганди.

«Нега? Негат?» – бу саволни қайта-қайта такрорлардим. Мана, ёшгина йигит, собиқ ҳамхонам Миллер Хаггинс энди Нью-Йоркдаги «Янки» номли жамоанинг менежери бўлган ва бойиб кетган!.. Мен эса йигирма тўққиз ёшли руҳан синган ёш бейсболчиман. Ишсизман, кундан-кунга қарзга ботиб бормоқдаман – нима иш билан машғул бўлмайин, тўла-тўқис омадсизман.

Менинг ғолиблар жамоасида бўлишимга доир ишончим эндиликда бутунлай барҳам топганди.

Бундан буён тўшақда қола олмасдим. Тўртинчи куни ўрнимдан турдим. Палатадаги бошқа беморлар кўриб қолмасин, деб парда орқасига ўтиб кийиндим. Сўнг йўлак бўйлаб ўгринча юриб кетдим. Ҳамширалар иш билан шунчалик банд эдиларки, менинг учта зина пиллапоясини босиб, одамларга тўлган шифохонадан чиқиб кетганимни сезмай қолишди. Йўлда таксида борар эканман, оғриқдан азият чекардим. Уйга келсам, ҳеч ким йўқ. Мен каравотгача зўрға гандираклаб етиб бордим.

Шунга қарамай, орадан бир неча кун ўтгач, кўчадаги

эълонларга кўра, иш ахтаришга тушдим. Аммо ҳаммаси бефойда эди. Велосипедда кўп юришга соғлиғим имкон бермас, аммо иложсиз вазият мени олдинги фаолиятим, тўловлар йиғиш ишига қайтишга мажбур этарди. Ҳайрон қолдиргани шу бўлдики, ҳатто ўша ерда ҳам менга рад жавобини бердилар!

Ўша куни тушлиқдан сўнг Суартморга йўл олдим. У ерга ўн кундан бери бормагандим. Ёмғир ёғаётганди. Жамоа сардори Жек Рифферт шундай деди:

– Тренер, балки сен уларни бугун ёмғирдан панага, бирорта том остига олиб ўтарсан ёки бирор нарса дерсан?

Мен уларнинг ҳар бири билан чиллақдан фойдаланиш, майдонда ўзини қай тарзда тутиш, база бўйлаб қандай югуриш зарурлиги ва бошқалар тўғрисида алоҳида гаплашдим. Аммо барчаси билан умумий тарзда суҳбатлашмадим.

Кейин катта хонага ҳаммамиз кирдик. Бир неча дақиқадан сўнг гап бошлар эканман, мени қандайдир кўрқув исканжага олди. Натижада сўзимни давом эттира олмай қолдим. Хонадан қочиб чиқиб кетдим. Изимдан дарҳол сардор чиқди.

– Сизга нима бўлди, тренер? – деб сўради у шивирлаб. Ростини айтдим:

– Мен кўрқяпман. Кўпчилик олдида гапиролмайман. Давом эттиришга қурбим етмайди.

Жек ўша заҳоти хонага қайтди. Мен кутиб ўтирмасдан уйга қараб кетдим. «Ҳаммаси тамом, – деб ўйладим. – Жек бор гапни Док Палмерга айтиб беради».

Эртаси куни яна Суартморга отландим. Мени ишдан ҳайдашди, деб кутдим. Жекни кўриб, ундан сўрадим:

– Жек, хонага қайтиб кирганингдан сўнг болаларга нима дединг?

– Мен сени бироз мазаси бўлмади, дедим, – жавоб берди у жилмайиб.

Жекни қучоқлаб олгим келди. Ундан шу даражада миннатдор бўлгандим. Бироқ мен билан янги фалокат рўй берди. Сарғайиб кетдим. Бундай сарғайган афту башара билан кимдандир иш сўраш ҳақида ўйлаб ҳам бўлмасди.

Бунга қарши курашиш кераклигини билардим, акс ҳолда дашҳатли нимадир рўй бериши мумкин. Мен ёш насларийлар уюшмаси штаб қароргоҳига кириб бордим ва у ерда ўзимнинг аҳволим тўғрисида айтиб бердим. Ўша пайтда нотиклик санъатига доир машғулот курслари ўтказилаётганди. Мени мазкур курслар кўнгилсизликларимни тезроқ бартараф этишга ёрдам беради, деб ишонтиришди ва ўқитувчи – Дейл Карнеги билан таништиришди.

Жаноб Карнеги курснинг ярми аллақачон ўтгани, кейингиси эса тахминан икки ойлардан сўнг бошланишини айтди. «Сизни ўз сафимизга қабул қилишдан ғоят бахтиёр бўлардик», – илтифот қилди у.

– Йўқ, – дедим мен, – мен ҳозирнинг ўзидаёқ қўшилишни истаيمان!

– Жуда яхши! – деб жилмайди жаноб Карнеги ва менинг кўлимдан ушлади: – Навбатдаги бўлиб сиз сўзга чиқасиз!

Жаноб Карнеги мени аудиторияга таништирди ва унга нималарни айтган бўлсам, тинговчиларга ҳам шулар ҳақида сўзлаб берди.

– Бу одам муваффақиятга эришган! – деди жаноб Карнеги сўзини якунлаб.

Аммо нутқимни эшитган гуруҳ унинг гапига қўшилмади, *ўзим ҳам рози бўлмадим.*

Шундан сўнг жуда таъсирли воқеа рўй берди. Жаноб Карнеги тингловчилар олдида ғайрат-шижоатнинг кучи тўғрисида илҳомлантирувчи нутқ сўзлаб, якунида шундай деди:

– Мен одамларни эркин ҳаётга нисбатан уйқудан уйғотиш учун соч-соқолимни оқартириб, тинка-мадоримни қуритяпман.

У сўзлаётганида мен Жоржстаун жамоаси менежери Берт Конн ҳақида ўйлардим. Мен билан худди Берт Коннинг ўзи гаплашаётгандай туюлди.

Ўша кеча уйқум ўчди. Мен қандай қилиб соф ғайрат-шижоат билан D тоифа лигасидан олий тоифага кўтарилганим ҳақида ўйлаб ётардим. Сал бўлмаса, бейсболдаги мавқеимни ер билан яксон қилаёзган ўша хато эндиликда

мени савдо агенти сифатида ўпирилишга олиб келганди. Бу сабоқни яна бир марта бошдан кечиришга дучор бўлган эдим!

Эртаси куни тонгда жаноб Коллингснинг ҳузурига кириб бордим. Сиз савдо агенти бўлиш учун тугилмагансиз, деб мени ишдан бўшатган бу одамнинг афт-ангори қай даражада ўзгариб кетганини сиз, ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсиз!

Унга айтган ҳамма гапим куйидагилар эди:

– Жаноб Коллингс, ажойиб гоям бор! Менга яна бир имконият берасизми?

У менга диққат билан тикилиб, кўзларимда қатъийликни кўрди ва шундай деди:

– Майли, Беттжер, сиз учун яна ўттиз кунга чиқимлар ҳисобини очаман. Ғоянгизни ишлаб чиқишга етадими?

– Ортиб ҳам қолади! – деб ишонтирдим уни.

Саккизинчи бўлим

«УНИ ФИШТ БИЛАН УРИНГИ!»

Мен ўша куннинг ўзидаёқ биринчи ташрифимни амалга оширдим. «Нью-Хейвен»нинг илк ўйинидан олдинги ҳиссиёт оғушида эдим. «Мен бу одамга ҳузурига гўё дунёдаги энг ғайратли савдо агенти келганини кўрсатишим керак!»

Даставвал у менинг мутлақо қизиқтирмаслигимни айтди. Бу одатдагидек худди мағлубият, яъни нокдаундай таъсир қилди. Лекин энди ўзимни бошқача тутдим. Мен ишонч ҳамда ғайрат-шижоатни намойиш қилмогим керак эди. Тўсатдан ўзимга-ўзим шундай дедим:

– Вақти келиб сизга қарам бир қария пайдо бўлади ва ўша қария ўзингиз ҳисобланасиз. Шундай экан, унга олдиндан тўп узатиш вақти аллақачон келган!

«Олдиндан тўп узатиш» деганимда, худди тўп узатаётган баскетболчи каби кўлимни бошим узра силкитдим. Ҳар дақиқада, у гапимни бўлади-ю, эсинг жойидами, деб сўра-

шини кутдим. Аммо бу одам бутунлай бошқача саволлар бера бошлади... У биринчи йил учун олдиндан тўлов чекини ёзганида, мен қувонганимдан сал бўлмаса қичқириб юбораёздим.

Шунчалик ҳаяжонлангандимки, Келлининг мебель концерни ёнидан ўтиб, зудлик билан суғурта компанияси идораси томон отилдим. Жаноб Коллингснинг столи устига ариза ва чекни қўйдим. Битим бўйича ушбу воситачилик ҳаққи ўттиз кунлик ажратилган авансимни бутунлай қопларди.

– Буни қандай эпладингиз? – ҳайратга тушди у.

Эшитганларидан лол қолган жаноб Коллингс шундай деди:

– Бу битим тўғрисида душанба куни эрталиб агентларимиз билан ўтказиладиган йиғилишда гапириб беришингизни истардим.

Ўша оқшом мен ўзимни ҳақиқий ғолиб қаҳрамондай ҳис этдим. Барча қўрқувим ҳавога учиб кетди. Мен уни енгдим. Мен янги Фрэнк Беттжерга айландим, негалигини ҳам яхши билардим!

Мен учун энг унутилмас чиқишларимдан бири, орадан бир неча кун ўтгач, нотиқлик санъати гуруҳида рўй берди. Мен ўз маърузамда суғурта компаниясига қайтиб, яна бир имконият беришларини сўраганим, ташриф буюрган биринчи мижозим билан битим тузганим, бу борада бейсболдаги ғайрат-шижоатимни қўллаганим ҳақида гапириб бердим.

Ҳаётимдаги энг катта ғалабалардан бирини қўлга киритганим, бор-йўғи бир неча кун аввал бутунлай омадсиз, ишсиз бўлганим, умидсизлик гирдобига тушганим боис ҳатто иш сўрай олмаганимни бир-бир баён қилдим. Назаримда, жаноб Карнеги ва барча тингловчилар ҳам худди мендек ҳаяжонланган ҳамда бахтиёр эди.

Машғулотдан сўнг, гуруҳнинг бир аъзоси, кўчмас мулк бўйича муваффақият қозонган тижоратчи Хорас Гроскин мени ҳайратга солиб, ёнимга келди ва «тўрт дақиқалилар»да нотиқ сифатида ўзи билан бирга ишлашни таклиф этди. Гап шундаки, Қўшма штатлар биринчи жаҳон уруши-

га тортилганди. Ҳукумат нотиклар ташкилотини тузган ва «тўрт дақиқалилар» деб атаганди. Улар митинглар, саноат корхоналари, черковлар, театрлар ва ҳоказо муассасалардаги одамларга ҳукуматнинг муҳим хабарларини етказиш учун юбориларди. Шунингдек, ҳарбий облигация ҳам сотиларди. Жаноб Гроскиннинг айтишича, уларда нотиклар етишмас экан.

– Жаноб Гроскин, мен ҳаётимда мана шу хонадан бошқа бирор жойда сўзга чиқмаганман, – дедим унга.

– Мен ҳам, – жавоб берди жаноб Гроскин, – аммо бир нечта нотикларни эшитиб кўрдим. Улар сиздан кўра ёмон маъруза қилишди. Келинг, бир уриниб кўрайлик. Бу жуда ажойиб амалиёт бўларди.

Мен ванна ойнасига учга тўрт дюйм ҳажмдаги варақ ёпиштириб, унда ёзилган жумлани ҳар кун эрталаб бир неча марта такрорлардим:

Кўркүвни енгишнинг энг яхши усули

Нимадан энг кўп кўрқсанг, ўшани бажар. Муваффақиятга эришмагунча бажаришни давом эттиравер.

Назаримда, бу усулни амалиётда татбиқ этиб, душманни тор-мор қилишда ҳам ўз ҳиссасини кўшиш мумкин.

Эртаси куни эрталаб Хорас Гроскин билан бирга «тўрт дақиқаликлар»нинг штаб-қароргоҳига кириб бордик ва шартларимизни баён қилдик.

Дастлаб мени яқин атрофдаги мўъжаз кинотеатрларга жўнатишди. Биринчи окшомнинг ўзидаёқ орқага қайтариб юборишади деб ўйлагандим. Кейин негадир Филадельфия ғарбидаги анча катта кинотеатрга юбордилар. Йўлда кетаётиб, троллейбусда таниқли нотик ва шоир профессор Жон Деннис Махони учраб қолди. Унинг ёш насронийлар уюшмасида сўзга чиққанини кўргандим. Махонига ўзимни таништирдим ва маслаҳат сўрадим. Гап шундаки, кинотеатрлар доимо чиқишимни сеанслар ўртасига тайинлар, бу пайтда айрим томошабинлар кирса, бошқалари чиқиб кетар; шовқин-сурон шунчалик баланд бўлардики, сўзларимни ҳеч ким эшитмасди.

Мен профессордан бунга қарши қандай курашиш кераклигини сўрадим.

– Уларни ғишт билан айлантириб солинг! – дея эсни оғдирадиган маслаҳат берди у.

– Сиз нимани назарда тутяпсиз? – сўрадим мен.

– Ҳайратга соладиган бирорта гап айтинг.

Сўнг шундай мисол келтирди:

– Бир куни жазирама якшанба кунда машҳур ваъзхон, руҳоний Генри Уард Бичер ўзининг ибодатхонасига олд томондаги асосий эшиқдан кирди. Марказий ўтиш жойидан оҳиста ўтиб бораркан, юзи ва бўйинини катта дастрўмол билан артарди. Минбарга етгач, тўпланганларга ўгирилиб, пешанасини артди-да, шундай деди: «Ўлгудай иссиқ кун бўлди-да, тўғрими?» Бир неча сония тўхтаб олиб сўзини давом эттирди: «Ибодатхонага кираётганимда, бир киши менга шундай деди».

Қавм жазирама иссиқни батамом унутиб, унинг ваъзини алоҳида диққат-эътибор билан тинглади.

Кинотеатрга келгач, мен ҳануз «ғишт билан қандай солиш» кераклигини билмасдим. Тўғридан-тўғри саҳнага элтадиган зинапояга ўтириб олдим. Фильм тугаган заҳоти югуриб саҳнага чиқдим-да, бошим узра муштимни кўтариб, қичқириб юбордим:

– Жин урсин кайзерни!

Бу ажойиб таъсир қилди! Ҳамма қоққан қозикдай қотиб қолди. Мен эса сўзимни давом эттирдим:

– Кинотеатрга кираётганимда, бир киши худди шундай деди... Сиз бунинг учун нима қилдингиз?

Мен тўрт дақиқа давомида тўлиқ сукунат оғушида гапирдим. Улар менга қулоқ солиб тинглашди!

Энди ўзимга ишончим янада ортди. Эртаси куни «Техасо» компанияси менежерининг ҳузурига ташриф буюрдим. Унинг манзилини бир неча ой муқаддам шу компанияда ходим бўлиб ишловчи дўстларимдан бири берганди.

– Мен юборганимни унга айта кўрма, – деб огоҳлантирди дўстим, – акс ҳолда мени ишдан ҳайдаб юборади.

Котиба мени менежернинг хонасига бошлаб борди. Ўзимни таништирганимда, у бирдан портлаб кетди:

– Мен бугун суғурта агентларини қабул қилмайман! Асабларим бузилгани боис, икки ой ишга чиқа олмадим. Кеча кечқурун хотиним менга: «Кел, анови бурчакдаги кинога борайлик, бу сени тинчлантиради», – деганди. Хўп, деб у билан бирга кинога бордим. Эндигина жойимга ўтиргандим, қандайдир ақлдан озган телба саҳнага югуриб чиқди-ю, бор овози билан: «Жин урсин кайзерни!» – деб бақирди. Ўлиб қолсам керак, деб ўйладим.

Мен кулмасликка ҳаракат қилдим, аммо унга қараб барибир «ҳа-ҳа» деб турдим-у, сўнг хахолаб юбордим.

– Бунинг нимаси кулгили? – тутақиб кетди менежер.

Кулгимни зўрға босиб, ўша одам мен эканлигимни тан олдим. Рўпарамдаги киши ғазабдан кўкариб, жойидан сакраб турди. Менга эшикни кўрсатиб, бақирди:

– Кўзимдан даф бўлинг ва ҳеч қачон бу ерга қадам босманг!

Мен айнан шундай қилдим.

Бир неча кундан сўнг «тўрт дақиқалилар» штаб-қароргоҳида менга унча катта бўлмаган заводга бориб, тушлик танаффусида ишчилар билан суҳбат ўтказиш вазифасини топширишди. Тўсатдан Вашингтондан қўнғироқ қилиб, ҳарбий кенгаш маъмури Чарлз Шваб долзарб йиғилиш тўфайли ушланиб қолгани ва «Budd Manufacturing» компаниясининг 16 минг кишилиқ ходимлари: ҳузурида сўзга чиқа олмаслиги маълум қилинганди. Ўша пайтда Чарлз Шваб АҚШда президентдан кейинги машҳур киши эди.

– Ё Худо, энди нима қиламиз? – деди кимдир.

– Бошқа кишини топинг. Майли, Швабнинг ўрнига сизнинг энг яхши нотиғингиз чиқсин, – деб жавоб берди бошқаси.

– Аммо бизнинг вақтимиз йўқ. Жуда кеч бўлди. Ишчилар тўпланишяпти. Улар айнан Швабнинг нутқини эшитишмоқчи.

Бир неча лаҳзадан сўнг мен Броуд-стрит бўйлаб қизил, яп-янги очиқ кадиллакда кетиб борардим. Унга байроқча-

лар осиб ташланган, сиреналар қичқирар, мотоцикль минган полиция соқчилари отряди мени олд ва орқа томондан кузатиб борарди. Биз билан шаҳар ҳокимиятининг бир неча вакиллари бор эди. Аммо улардан бирортаси ҳам менинг кимлигимни сўрашга ботина олмади. Соатига 60 мил тезликда кетаётган машинамизни ўтказиб юбориш учун йўл ҳаракатини тўхтатишди.

Биз Бад заводига ташриф буюрганимизда, безатилган минбарда ярадор фахрий сўзларди. У яқинда Франциядан қайтган, қўлидан жудо бўлган, боши ҳамон бинт билан боғланганди. Фахрий кўнгилларни зириллатадиган, «ўша ер»да йигитларимиз бошидан ўтказаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида гапирарди.

Шундан кейин «Budd» компанияси вице-президенти Лео Хейнтц мени таништирди. У, жаноб Шваб Вашингтонда ушланиб қолди, ўрнига «тўрт дақиқали»лардан бири жаноб Беттжер сўзга чиқади, деб изоҳ берди.

Оломон ҳафсаласи пир бўлиб, ўзини зўрға тийиб турарди.

Мен сўзимни тугатганимда шундай кайфиятда эдимки, гўё мени тўққизинчи иннингда аутга чиқариб, тўла базадан маҳрум қилишганди. Минбардан тушганимда ва тингловчилар иш жойига тарқала бошлаган пайтда бир киши олдимга келиб, қўлимни қисди. Бу инсоннинг кимлигини мутлақо тополмайсиз. Бу ўша «ичак» Маккарти, яъни «Мақданиэльс» салуни учун ўйнаган, биз «Донахью»ни ютган кунимиздаги ўйинчи эди.

– Ҳаммаси жуда ажойиб бўлди, Бетч, – деди у хушмуомалалик билан.

– Ичак, нима, сен Бадда ишляяпсанми? – сўрадим мен.

– Ҳа-да, уруш менгача ҳам етиб келди, – жавоб берди у аччиқ кулимсираб.

Бу одамни фақат жаҳон уруши ишлашга мажбур этганди!

Мен чиқиб, ўзим миниб келган байроқча осилган чиройли қизил кадиллакни ахтарсам, аллақачон кетиб қолибди. Шаҳарга қайтариб элтиш учун кутиб туриш уларнинг хаёлларига ҳам келмабди.

Муюлишга қадар пиёда юриб, троллейбусга ўтирдим. Йўл бўйлаб ўйлаб кетдим: «Мени базалар тўла бўлганида аутга чиқариб юборишганидан ажабланмаслик керак. Бу бир пайтлар Миллер Хаггинснинг ўрнида ўйнаб, Кристи Матьюсон оширган тўпни уролмаганидан кўра беўхшов иш бўлди. Мана мен, ҳафтасига 35 доллар сарфлайдиган буюртма тўпловчи эпсиз вакил. Мени кутилмаганда захиралар ўриндигидан суғуриб олиб «Bethlehem Steel» корпорацияси президенти, дунёда маоши йилига бир миллион доллардан ортиқ бўлган ягона инсон – Чарльз Шваб учун тўп тепишга мажбур қилишди. Кулгили кўринмай, нима бўлсин!»

Мен қаламни чиқардим ва хомчўт қила бошладим. Ҳа-а, Швабнинг уч соатлик маоши бутун бошли йиллик сарф-харажатимдан ҳам кўп экан.

«Кўрқувни енгишнинг энг яхши усули... – дея ёдга олдим севимли иборамни ва давом этдим: – Мен учун кўрқув устидан ғалаба қозониш ва ўзингга нисбатан ишончни мустаҳкамлашнинг энг самарали усули шундай бўлмоғи керак: нимадан энг кўп кўрқсанг, ўшани бажар. Муваффақиятга эришмагунча бажаришни давом эттиравер».

Агар мен мазкур усул ҳақида билмаганимда ва «тўрт дақиқали» ишга ёзилиб уни *татбиқ этишга* ўзимни мажбур қилмаганимда, омма олдида сўзлаш туфайли юзага келган ҳаётимдаги энг кучли туйғулардан бирини бошдан кечирмаган бўлардим.

«Ёмонлик қилманг, ана шунда ҳеч нимадан кўрқмасангиз ҳам бўлади».

Б. Франклин

Тўққизинчи бўлим СМАТС ҲИКОЯСИ

Чарлз Швабнинг ўрнига қовушмаган чиқиш қилганимдан сўнг «тўрт дақиқали» нотик бўлишимга туртки берган Хорас Гроскинни учратиб қолдим. У қисқа фурсат ичида ажойиб нотиклардан бири бўлиб етишган эди. Мен машҳур миллионер Швабнинг ўрнига сўзга чиққанимдан кейинги «аут»имни айтиб берганимда Гроскин ичаги узилгунча кулди.

Хорас Гроскин кейинги чиқишларимга дарҳол таъсир қиладиган фикр берди. Унинг айтишича, Филадельфиянинг бошқа «тўрт дақиқали»ларидан кўра кўп миқдорда ҳарбий облигациялар сотишдаги муваффақиятининг ҳақиқий сири турли-туман воқеаларни ҳикоя қилиб беришига бориб тақалар экан. Фақат мазкур ҳикоялар ҳаётдан олинган реал воқелик, «окоп ҳақиқатлари»²² ҳамда шунга ўхшаш воқеалардан иборат бўлиши лозим эмиш.

Шундай воқеалардан бирини эртаси куни унча катта бўлмаган завод ишчиларига тушки дам олишда айтиб бердим. Йигирма олти ишчи тўғридан-тўғри дастгоҳларга чиқиб ўтиришганди. Гап бошлашдан аввал бўр билан дастгоҳлар олдидagi полга қалин чизик чиздим-у, унинг яқинига ўриндиқ қўйиб, устига чиқдим ва шундай дедим:

– Йигитлар, мен ҳаммаси бўлиб тўрт дақиқа сўзлайман, холос. Сизларга бир воқени айтиб бермоқчиман...

Ўша пайтда, яъни касаба уюшмаларини деворга қисиб қўйишганида, жанубий Уэльс шахтёрлари иш ташлашди. Натижа нима бўлди? Ҳарбий-денгиз флоти ва қурол-яроғ, ўқ-дори ишлаб чиқарувчи заводлар учун кўмир тақчиллиги юзага келди. Иш ташлаш ҳаммани карахт қилиб ташлади. Захирадаги кўмир фақат ўн кунга етарди, холос!

Буюк Британиянинг қаҳрамон саркардаларидан бири Жанубий африкалик генерал Ян Кристиан Сметсни шахтёрлар ҳузурида сўзга чиқиши учун зудлик билан чақирдилар. Мен ўша маърузани ҳеч қачон унутмайман. У сўз-ма-сўз шундай жаранглайди:

²² Окоп ҳақиқатлари – аскар ёдноmaları.

– Мен Кардиффга эртаси куни тонгда етиб бордим. Дарҳол шахтага қараб отландим. Кардиффдан тортиб конга қадар йўл бўйида иш ташловчилар тизилиб туришарди. Нихоят мен Тонипандига, иш ташлаш ҳаракати марказига етиб келдим. Минглаб дарғазаб одамлардан иборат улкан оломон тўпланди. «Жентльменлар, – дедим уларга, – сизга яхши маълумки, мен узоқ йўл босиб келдим. Ғалабага ҳиссамни қўшиш учун ташриф буюрдим ва сизлар билан умумий кулфатимиз тўғрисида гаплашмоқчиман. Аммо ўз мамлакатимда валлетликларни дунёда энг машҳур қўшиқчилар деб эшитгандим. Шу боис, аввало, халқингизнинг энг яхши қўшиқларидан бирини менга куйлаб берсангиз, дегандим».

Одамларнинг улкан тўдаси орасидан кимдир дарҳол «Оталар замини»ни куйлаб юборди. Барча иштирокчилар қўшиқ сўзларини битта қолмай илиб олиб, тик туриб куйладилар. Ана шунда вазият бутунлай юмшаганини фаҳмладим. Мен шундай дедим: «Хўш, жентльменлар, сизларнинг ҳузурингизда узоқ сўзлаб ўтиришимга ҳожат бормикан? Ғарбий фронтда нималар рўй бергани сизга маълум. Хабарингиз бор, ўн минглаб ўртоқларингиз жонини гаровга қўйиб курашмоқда. Биласиз, фронт фақат Францияда ўтаётгани йўқ, фронт чизиғи мана шу ердан ҳам ўтган».

Мен бор-йўғи шуни гапирдим, бунга эса бир неча дақиқа кетди, холос. Сўнг навбатдаги бошқа йиғилишга ҳам бордим ва айнан ана шуларни такрорладим. Кеч тунда поезд билан Лондонга қайтдим. Кабинет аъзолари мени хитоб билан қарши олдилар: «Нима бўлди ўзи, барча шахтёрлар ишни бошлаб юборишди?»

Мен: «Наҳотки? Бу мен учун янгилик», – дедим.

Ҳикояни тугатиб, мен Хорас Гроскиннинг кўрсатмаларига аниқ амал қилдим:

– Хўш, йигитлар, биласиз, фронт фақат ўша ерда эмас, шу билан бирга мана бу ердан ҳам ўтмоқда. Сизлардан ким чизиқни босиб ўтиб, ҳарбий облигацияга ёзилишни истайди?

Бир ишчи дастгоҳ устидан югуриб тушди ва мен чизиб қўйган чизиқдан ўтди. Қолган йигирма беш нафари унинг ортидан эргашди.

Мен бу ҳикоядан фойдаланишни токи уни бутунлай ёдлаб олгунча давом эттирдим. У ҳамиша мўъжизавий натижа берарди.

Уруш тугаганидан сўнг икки йил мобайнида «изқувар» бўлиб ишладим. Американинг сотув бўйича энг буюк агентларидан бири – Клейтон Хансикер учун фаровон ҳаёт кечирувчи мижозларни ахтариб топиш билан машғул бўлдим. Сал ўтмай, унинг муваффақият сирини билиб олдим. Хансикер одамларни ўзининг ҳикояларига моҳирона қизиқтира олгани учун ҳам облигацияларни сотарди.

– Сотиш, бу – кўп ҳолларда воқеаларни келиштириб сўзлаш маҳоратидир, – дейди у. – Сиз «маҳсулот»ингиз ҳақида ҳикоя қила туриб, ғояларингизни ҳаётга татбиқ этасиз.

– Мени узоқ вақтдан бери иш билан банд одамларнинг хузурингизга келиши ажаблантиради, – дедим унга. – Улар худди ўз ишларини бутунлай унутгандай бўлиб ўтиришади ва диққат билан тинглашади.

– Бунинг сири шундаки, – изоҳ берди жаноб Хансикер, – мен ҳамиша ҳикоямни *уларнинг вазияти ёки муаммоси* билан боғлайман. Шу боис, ечимини билиб олиш учун яхшилаб эшитишади.

Шу тарзда ҳикоя қилиш маърузалар ўқиш ва китоб ёзишимда менга жуда катта ёрдам берди. Сухбатдошни ўзи тўғрисида гапириб беришга рағбатлантириш катта аҳамиятга эга эканини ҳам пайқадим. Бунда, одатда, усталик билан берилган бир ёки иккита савол етарли бўлади. Масалан: «Сиз гилам ишлаб чиқаришни қандай бошлагандингиз, жаноб Дуэр?»

Инсонга ҳамиша эътибор билан муносабатда бўлиш хуш келади. Ишончим комилки, унга сизни эшитишдан кўра, ўзи ҳақида гапириб бериши ҳамиша маъқул, шуни афзал билади. Сиз эса ўз навбатида бу одам ҳақида анча-мунча қизиқарли маълумот тўплайсиз – баъзи ҳолларда ундан сўраш ноқулай бўлган тафсилотларни ҳам билиб оласиз.

Мен одамларни диққат билан тинглаб, кўплаб жозибали, илҳом бағишлайдиган, романтик воқеалари ҳақида билиб олдим. Шу билан бирга улардан ўрганадиган кўплаб жиҳатларни ҳам топаман.

Иккинчи қисм

ИШ ТАРТИБИМНИ ҚАЙ ТАРЗДА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТГАНИМ ХУСУСИДА

Менинг бутун ҳаётимни
ўзгартириб юборган
дунёга машҳур олимлар
томонидан кашф
этилган МУҲИМ ҒОЯ

Ўнинчи бўлим

ФРАНКЛИН МУВАФФАҚИЯТИНИНГ СИРИ

Бир куни оқшом пайти машғулотда Дейл Карнеги боши узра китобни кўтарди-да, уни ҳар биримиз бир неча марта ўқиб чиқишимизни исташини билдирди. Бу «Бенжамин Франклиннинг таржимаи ҳоли» эди. Жаноб Карнеги уни энг ажойиб ва руҳлантирувчи китоблардан бири деб атади.

Франклин қашшоқ ўсмир бўлган. У ўн ёшидан бошлаб ишлаган. Мактабда бор-йўғи икки йил ўқиган. Филадельфияда кичик босмахона ишчиси бўлиб ишлаб, қулоғигача қарзга ботган Франклин ўзини омадлироқ ишбилармонга айлантиради деб ўйлаган ғояни кашф этди. Ҳақиқатан ҳам мазкур ғоя унинг бадавлат инсон бўлишига ёрдам берди ҳамда дунёдаги энг донишманд кишилардан бирига айлан-тириб шуҳратини оламга ёйди.

Мени ушбу ғоянинг оддийлиги ҳайратга солди. Уни ҳар бир киши бемалол қўллаши мумкин!

Франклин ўн уч тамойилга асосланган режа ишлаб чиқди. Ҳар бирига уларнинг мазмунини тўла-тўқис қамраб олувчи қисқача дастурни илова қилди. Франклин доимо ўзи билан бирга олиб юрадиган мўъжаз ён дафтари саҳифасида ажратилган ҳар бир тамойил тагига ўзининг ғалабаси ва мағлубиятларини ёзиб борди. У барча тамойилларни бирданига амалга оширишга уринмади, балки ҳар бирига кетма-кет битта ҳафтани бағишлашга қарор қилди. Тамойиллар, маълумки, ўн учта, йилда эса эллик икки ҳафта бўлиб, шу тариқа ҳар бир тамойилни йилига тўрт марта амалиётга татбиқ этишга умид боғлади. Бутун ҳафтани битта тамойилга бағишлаган Франклин тезда ўзининг куч-қувватини битта нуқтага жамлашни ўрганди. Нимаики бўлмасин, унинг туб моҳиятини англаб етадиган бўлди.

Ярим аср ўтгач, ажойиботларга тўла умри ниҳояланаётган Франклин фақат ўзининг ғояси туфайли муваффақиятга эришганини эътироф этди. «Умид қилманки, авлодлар мендан ўрнак олади ва ундан фойда кўради», – деганди у.

Мен илгари ҳеч қачон «Таржимаи ҳол» тўғрисида эшитмагандим ва Бенжамин Франклин борасида деярли ҳеч нима билмасдим. У ҳақида фақат, варрак учиради, деб юрар эканман. Ёш насронийлар уюшмаси мазкур китобларни биз учун ниҳоятда арзон нарҳда сотиб олди. Улардан бирини мен ҳам харид қилдим. Бор-йўғи бир доллар турарди.

Жаноб Карнеги сўзлаётган вақтида калламга аҳмоқона ғоя келиб қолди. Бу фақат собиқ бейсболчининг калласида пайдо бўлиши мумкин, чунки мен бейсбол билан Франклиннинг режаси ўртасига ёндош чизик ўтказгандим. Собиқ ҳамхонам Миллер Хаггинсни Нью-Йоркнинг «Янки»-сига менежер этиб тайинлашларидан олдин мазкур жамоа муваффақиятсиз ўйнади. Хаггинснинг биринчи иши ўйинчиларнинг майдондаги жойлашув ўрнини алмаштириб, ҳар бир позицияга Бейб Рут, Лу Гериг, Боб Мезель, Уэйт Хойт ва бошқа машҳурларни жойлаштиришдан иборат бўлди. Кучларни янгитдан жойлаштириш «Янки»нинг мағлубиятдан ғалабага ўтишига ёрдам берди. Жамоа уч йил давомида охириги ўриндан биринчи поғонага чиқиб, Америка лигасининг чемпионига айланди!

«Бен Франклин билан ҳам айнан шу ҳол рўй берганди, – дедим ўзимга-ўзим. – Босмахона фаолиятида Беннинг иши олдинга қараб кетмади. Ва у ўзининг иш тартибини қайта қуришга қарор қилди».

Бу менга худди фантастикадай кўринди.

Беннинг режасини ўн уч ҳафта мобайнида ўзимда синаб кўришга аҳд қилдим. «Кучларни жойлаштириш»-ни ҳам Франклиндан ўзлаштирдим. Аммо даставвал уни фақат савдода татбиқ этдим. Мен Франклиннинг ўн учта тамойилидан фақат олтитасини танлаб олдим, еттитасини ишимга ёрдам берадиганига алмаштирдим. 3x5 дюймдаги 13 та карточка тайёрладим-у, ҳар бирига йирик ҳарфлар билан битта тамойилни ёзиб қўйдим. Сўнгра аста-секин йил давомида ўзимнинг тамойилларимни кундалик ҳаётга худди Франклин ўз фаолиятида амал қилгани каби мослаштирдим.

«Тартибларингни алмаштириш – «Янки» тактикасини татбиқ этиш демақдир, – ўйладим мен. – Ҳар бир позицияга энг мос келадиган ўйинчиларни қўйиб чиқиш керак, ана шунда ғалабага эришиш мумкин!» Мен ғояни ўйинга айлантирдим. Бу жуда мароқли ва кишини қойил қолдирадиган машғулот эди. Гўё бейсболга қатнагандай бўлдим. Франклин каби ҳар бир тамойил учун битта ҳафтани ажратиб, уни ҳаётимга татбиқ этдим.

Кўп ўтмай менда ўзимга нисбатан кўпроқ ишонч пайдо бўлди. Энди ҳаётим мобайнида ҳар ҳафтада улкан муваффақиятга эришиб боришимни билардим.

Режа мени ниҳоятда руҳлантириб юборди. Шу боис, уни ким биландир баҳам кўрмоқчи бўлдим. Мен ҳам худди Франклин каби буни сир тутар, чунки оила аъзоларим ҳамда дўстларим томонидан кулгига қолишдан чўчирдим.

Мазкур тамойилларни фақат Миллер Хаггинс билан баҳам кўришим мумкин эди. Хаггинс ҳамма гапни тушунади, чунки у ҳам «Янки» тартибларини айнан шу тарзда ўзгартирган. Ва айнан Хаг менга бейсболдан воз кечиш ҳамда вақтни ўтказмай, бошқа бирор иш билан машғул бўлишни маслаҳат берганди.

Шундай қилиб, ўн уч ҳафтанинг биринчи даврасини тугатиб, шанба кунларидан бирида эрталаб поездга ўтирдим. Чўнтагимда ўн учта карточка солиб (уларни «чўнтак хотираномалари» деб атардим), Миллер Хаггинс билан кўришиш учун Нью-Йоркка жўнаб кетдим.

Ўн биринчи бўлим

СИР ТУТИЛГАН ФИКР

Нью-Йоркка келганим заҳоти, ўша куннинг ўзидаёқ, собиқ хонадошим билан учрашдим. Бу менга бир олам қувонч бағишлади.

– Хаг, мен ўз бизнесимга сенинг «Янки»да қўллаган усулларингни татбиқ этдим, – деб суҳбатни бошладим мен.

– Нимани назарда тутяпсан? – қизиқди Хаг.

Мен шифохонада пулсиз ва ишсиз қандай ётганим тўғрисида айтиб бердим. Шунингдек, унинг Нью-Йоркда менежерликка тайинлангани, «Янки»даги кучларнинг жойлашиш ўрнини алмаштиргани ва қай тарзда ғолиб жамоага айлангани хусусида нималарни ўйлаганимни гапириб бердим.

– Дастлаб мен учун жуда оғир кечди, ниҳоятда ҳафса лам пир бўлди, – дедим мен. – Ахир ҳаётимда ҳеч қачон бундай ҳол юз бермаганди. Аммо кейинчалик ҳаммаси ҳақида яхшилаб ўйлаб кўрганимдан сўнг сен бажарган ишлар руҳлантирди, Хаг. Ва мен ҳам «тартибни ўзгартириш»га жазм қилдим.

Хаггинсга ўн учта чўнтак хотираномаларини кўрсатдим. Сўнг қисқа қилиб унинг режаси билан Франклин режаси ўртасида ёндош чизиқ тортганим ва бу ҳаётимга қандай таъсир қилганини айтиб бердим.

У ҳар бир карточкани тезгина кўраркан, юзидаги ифодани кузатдим. Хаггинсининг бор-йўғи иккита ажралиб турадиган жиҳати бўлиб – оғзи катта ва ақли зўр эди. У карточкаларни қайтариб бераркан, мутлақо ҳеч қандай муносабат билдирмади. Фақат ўрнидан туриб, шундай деди:

– Менинг ўйингоҳга бориш вақтим бўлди, Фрэнк. Бугун ўйин олдидан кутилмаган совға тайёрладик, у сени қизиқтирса керак. Киргин, ўйиндан сўнг кўришамиз.

Ўша пайтларда унутилмас Бейб Рут ўзининг эришиб бўлмас жаҳон рекордига яқинлашган эди. У етти юз йигирма тўққиз марта масофани айланиб чиқиб уйни забт этганди. Жумладан, мазкур натижанинг ўн бештасини жаҳон чемпионатида қўлга киритганди. Бейб Рут туфайли «Поло граундз» стадионида янги тоифадаги ишқибоз – биринчи база қаерда жойлашганини билмайдиган, аммо бу ўйинчи ҳақида эшитган ва уни қай тарзда уйни қўлга киритишини кўришга илҳақ ҳавасманд пайдо бўлганди. Бейб миллий қахрамонга айланганди.

Рут ўйин бошланганида майдончада ўзининг тўп урадиган жойини эгаллаганди. «Янки»даги тўп узатувчилардан бири унга жуда катта тезликда тўпни улоқтирди. Бейб ўзи-

нинг улуғвор қўл силташи билан 50 минг ишқибозга ҳузур бағишлаб, бир нечта тўпни тўсиқдан ташқарига урди.

Бир гал тўп 441 футли белгидан ошиб ўтиб, марказий майдондан узоққа учиб кетди. Аксарият ишқибозлар Чиллаклар Қиролини ҳадеганда кўришмас, шу боис зарбасининг бутун кучини англолмай қолардилар. Энди эса Бейб уларни забт этди. Ҳатто, иккала жамоа ўйинчилари ҳам ўринларидан туриб, олқишлаб чапак чалишди!

Ана шундан сўнг Хаггинс менга шама қилган энг катта кутилмаган совғага навбат етди. Асосий база майдончасига бир чиройли қиз чиқди, уни оммага таништиришди. У англиялик Жойс Уэзеред бўлиб, аёллар ўртасида ўтказиладиган гольф бўйича Британиянинг очиқ чемпионатида яқинда ғалаба қозонганди. Жойс гольф ўйинида дунё миқёсида эътироф этилган энг яхши ўйинчи сифатида танилганди. Бу соҳибжамол хоним бўйи 6 футу 20 дюйм, оғирлиги 210 фунт бўлган Бейт Рутнинг қўлини сиққанида, унинг олдида нимжон гўдакка ўхшаб қолди.

Стадионда ҳозир бўлганлардан фақат якка-ярим одам кейинчалик рўй берадиган кишини ҳаяжонлантирувчи томошадан хабардор эди. Ҳатто Бейб ҳам билмасди.

Жойс тўп узатувчининг ўрнида турди ва энгашди. Сўнг гольф учун мўлжалланган тўпни ёғочдан ясалган уч оёқли жажжи таглик устига қўйди. Таглик ерга қоқилганди. «Янки» учун чиллакни узатувчи бола унга гольф калтагини берди. Қиз қўлларини жуфтлаб аввалига икки бор силкитди ва ниҳоят коптокни шундай баландга уриб майдоннинг ўнг четидан ошириб юбордики, барча томошабинлар ҳайратга тушишди. Сўнгра коптокни яна таглик устига қўйди-да, майдоннинг чап тўсиғи оша олис томонга йўллади. Ана шунда энг ажабтовур воқеа рўй берди. Жойс яна янги коптокни ўрнатди, майдон ўртасидаги 441-футли белги томон бурилиб, уни шу даражада баланд ва узоққа улоқтирдик, копток белгидан ҳам, ечиниш хонасининг томи устидан ҳам учиб ўтди!.. Балки ҳозир ҳам қаердадир учиб юргандир. Ишқибозлар коптокни охирги марта катта тезлик билан Гарлем дарёси устида учиб юрганига кўзла-

ри тушган. Унинг суви шу атрофдаги Атлантика океанига куйилади...

Ўйиндан сўнг мен билан яна учрашган Хаггинс сўради:

– Жойс Уэзереднинг ўша азамат тўп ташловчи Бейб Рутга тупургани сенга ёқдими?

– Мен бундай лол қолдирадиган томошани ҳали кўрмагандим, – дедим мен. – Сири нимада?

– Сири шундаки, гольф коптоклари махсус тарзда бейсболникидан икки баробар узоқроққа учадиган қилиб тайёрланади. Гап унинг таркибий қисмида, – жавоб берди Хаггинс кулиб.

Шундан сўнг Миллер Хаггинс менга шундай ғояни тақдим этдики, у ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юборди. Хаггинс шундай деди:

– Фрэнк, Жонстаунда Берт Конн думингга консерва банкасини боғлагани сени бейсболнинг олий лигасига олиб чиққан ўша таркибий қисм эди. Кейинроқ у сени суғурта бизнесига олиб келди ва савдода ишинг ўнгидан кела бошлади. Агар ана шу сеҳрли таркибий қисмни менга кўрсатган карточкалардаги ўн уч тамойилнинг ҳар бирига қўлласанг борми, у ҳолда Американинг энг буюк суғурта ходими бўласан!

Таркибий қисм ғояси менга янги қувват бахш этди. У *пиликни ёқиш* учун менга етишмаган учқунни тухфа қилди. Ўша консерва банкасига бир қути динамитни айнан Берт Конн кўйди. Аммо фақат Миллер Хаггинс уни *портлата* олди, холос!

Менинг ўн уч тамойилим:

1. Ғайрат-шижоат.
2. Тартиб (ўз-ўзини ташкил этиш).
3. Бошқаларга ғамхўрлик қилиш.
4. Саволлар.
5. Жим туриш (кўпроқ эшитиш).
6. Қатъийлик.
7. Тежамкорлик.
8. Самимийлик.
9. Танқид ўрнига мақташ.

10. Саломатлик.
11. Шодмонлик (хаёт неъматларидан баҳраамандлик).
12. Камтарлик.
13. Ишонч.

Ўн иккинчи бўлим

УМРИМГА ЎН ЙИЛ ҚЎШГАНИМ ХУСУСИДА

Мен «Янки»нинг кўпгина буюк ўйинчилари, жумладан, Бейб Рут билан учрашувдан улкан қониқиш ҳосил қилдим... Аммо Миллер Хаггинс мен учун энг аҳамиятли инсонга айланиб, муҳим ғоянинг юришиб кетишига туртки берди. Бу ғоя менинг хаёлимга ҳам келмаган, Хаг эса, уни бир лаҳзада кўра олганди. Кечқурун Нью-Йоркдан уйга қайтанимда, ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ҳаяжон оғушида эдим. Қалбимни янги ҳаёт бошлаш истаги тўлдириб юборганди.

Уйғотувчи соатни тонгги олтига тўғрилаб қўйдим, яъни доимий вақтдан ярим соат эртароққа мосладим. «Бу динамит билан ўн уч тамойилнинг ҳар бирини қандай қилиб қамраб олиш мумкин?» – деб мулоҳаза юритдим мен. Франклин кашф этган усулдан яхшироғини ўйлаб топа олмадим. Бен аниқлаганидек, «эрта турадиган одам» ўртача узоқ яшайди ва ҳаётда кўпроқ муваффақиятга эришади. У ўзининг иш «тартиб»ини ўзгартиргач, эрталаб соат 5.00 да туриш орқали умрини узайтирди. Франклин 84 ёшгача яшадди – бу ўша пайтдаги ўртача умр кўришдан ўттиз йил зиёд эди!

Менинг онамга ҳар куни эрталаб соат бешда туриб, беш нафар боласининг ташвишини қилишига тўғри келган. Агар оғир иш одамни ўлдирганида, онам эллик ёшга ҳам етмасди. У саксон уч ёшгача соғ-саломат яшади.

Шундай қилиб, мен «Соат олтида» клубига аъзо бўлдим.

Даставвал эрта тонгда уйғонишим жуда оғир кечди. Сўнг бир оддий усулни ишлаб чиқдим: яхшилаб керишиб олганимдан сўнг даставвал кўрпа остидан товонимни, сўнгра бутун оёғимни, кейин эса худди шу тарзда бошқа

оёғимни чиқарардим. Ана шундан сўнг туриш жуда енгил кечарди.

Кўп ўтмай мен тонгги олтида уйғотувчи соатсиз уйғонадиган бўлдим. Шундан буён унинг менга кераги бўлмай қолди.

Эрталабки бу қўшимча ярим соат қанчалик аҳамиятли эканлигини айтиб бериш жуда қийин. Мен учун у сутканинг энг яхши вақти бўлиб кўринарди: уй жимжит, ўйлаш жуда енгил кечади. Бу вақтни «Солиқ ва суғурта хизмати» курси машғулотларига бағишладим, илгари бунинг учун вақтим етишмасди. Кўп ўтмай, мен курсдошларимни қувиб етдим ва янги билимларни ўзлаштирганим туфайли ўзимга ишончим анча ортди. Кейинроқ бу билимларни тўлдириб, иш фаолиятимда ҳар жиҳатдан ахборотдан тўла бохабар кишига айланишга қарор қилдим. Ваҳоланки, бир неча ой муқаддам ўзимни бутунлай мағлубиятга учраган деб ўйлагандим!

Мен тонгги ярим соат мобайнида кунлик бажарадиган ишларим режасини тузардим. Сўнгра – мўлжалланган барча юмушларимни бажаришим учун ич-ичимдан ибодат қилардим. Агар шундан кейин ҳам вақтим қолса, ишдан уйга олиб келган журналлардан бирорта руҳлантирувчи ёки қизиқарли мақолани ўқирдим.

Бир куни эрталаб журнал муқовасида кимнинг суратини кўриб қолдим, деб ўйлайсиз? Йилига миллион доллар ишлаб топадиган Чарлз Швабнинг суратини. Мен бу одам учун «Budd Manufacturing» компаниясига қарашли заводда «тўл оширгандим». Мақолада Швабнинг юз миллион доллар ишлаб олишига ёрдам берган ғояни қандай тушуниб етгани тўғрисида гап борарди. Интервью Шваб билан улкан бизнес кашшофи Айви Ли ўртасида ташкил этилганди. Ли савдо самарадорлигини ошириш бўйича Нью-Йоркдаги фирмани бошқарарди. Жон Рокфеллер, Ж.П.Морган, Дюпонлар, Пенсильвания темир йўли ва бошқа гигант корпорациялар унинг мижозлари эди.

Интервьюда Ли ўзининг хизматини баёт этган ва камтаринлик билан шундай деганди:

– Бизнинг ёрдамимиз билан сиз янада самаралироқ бошқариш ҳақида билиб оласиз.

– Жин урсин! – деб хитоб қилди Шваб. – Мен ҳамма ишни яхши эплайман, аммо бошқаришни сира уддалай олмайман. Бизга, ҳақиқатан олганда, билим эмас, балки амалий иш керак. Агар сиз ўзимиз билган бирор ишни бажаришга шшилтирсангиз-у, аммо уни адо этмаётган бўлсак, қанча десангиз, мен жоним билан ўша пулни тўлайман.

– Жуда соз, – жавоб берди Ли. – Мен сизга йигирма дақиқа ичида бир ғоя бераман. У ишларингизни адо этишни энг камида эллик фоизга тезлаштиради.

– Майли, – деди Шваб, – ишга киришинг. Вокзалга жўнагунимча айнан шунча вақтим бор.

Ли Швабга ён дафтаридан тоза варақ олиб берди ва шундай деди:

– Мана бунга эртага бажаришингиз жуда зарур бўлган олтита ишни ёзинг.

Уч дақиқа кетди.

– Энди эса, – деди Ли, – уларнинг қанчалик муҳимлигига қараб, рақам қўйиб чиқинг.

Бунга Швабнинг беш дақиқа вақти сарфланди.

– Энди варақни чўнтагингизга солинг, – давом этди Ли. – Эртага эрталабки илк ишингиз биринчи бандга тегишли бўлсин, уни токи тугатмагунча бажараверинг. Сўнгра иккинчи банд билан машғул бўлиб, худди шу руҳда ишланг. Кейин учинчиси ва айни шундай давом эттираверинг. Иш куни якунигача шу тарзда шуғулланинг. Агар фақат биринчи ёки иккинчи бандни тугатган бўлсангиз, асло ташвиш тортманг. Сиз энг муҳим юмуш устида ишляяпсиз. Бошқаси кутиб туради. Агар шу йўл билан уларни яқунламасангиз, демак, бошқача усулда ҳам асло бажара олмайсиз. Тизимсиз эса, тўғриси, сиз ҳатто энг муҳим ишни ҳам ажратолмаган бўлардингиз.

Ҳар бир иш кунида ўзингизни шу зайлда тутинг. Мазкур тизимнинг афзалликларига ишонч ҳосил қилиб, одамларингизни синаб кўришларига мажбур этинг. Қанча керак бўлса, шунча синовдан ўтказинг. Кейин менга

ўзингизга тўғри келадиган пул миқдорини кўрсатиб, чек юборинг.

Интервью учун ўттиз дақиқага яқин вақт кетганди. Бир неча ҳафтадан сўнг Шваб Лига 25 минг долларлик чек ва мактуб юборди. Хатда мазкур сабоқ пул борасида энг даромадли бўлгани тўғрисида ёзилганди. Шу чоққача ҳеч кимга маълум бўлмаган «Betlehem Steel» компанияси, асосан, Ли режаси туфайли, беш йил давомида йирик мустақил пўлат ишлаб чиқариш корхонасига айланди! У Чарлз Швабга юз миллион доллар ишлаб топишига ёрдам берди.

Бунга қойил қолмай бўладими? Йилига бир миллион доллар ишлайдиган киши «тартиб ва ўз-ўзини ташкил этиш» асосий муаммоси эканлигини таъкидлаган эди, унинг ечими эса жуда оддий бўлиб чиқди. Ахир Франклин ҳам худди шуни айтганди-да.

Профессионал бейсболдаги саккиз йил мени дунёдаги энг тартибсиз кишига айлантирган экан. Мана энди Шваб ва Франклин тизимларини уйғунлаштирдим, бутун ҳафтани олдиндан режалаштирдим.

Кўп ўтмай янги тизимнинг бағоят катта афзалликларга эга эканини ўзим учун кашф этдим. Даставвал ишни нимадан бошлашни билмадим, аммо ниҳоят аҳмоқ каллам билан ўйлайвериб, режалаштиришга кўпроқ вақт ажратиш керак, деган хулосага келдим. Шваб қўл остидаги одамлари ҳамда ўзига ҳар бир иш кунининг охирида келгуси кун юмушларини режалаштириш учун вақт қолдиришни мажбурий сифатида юлаганди. Мен шунга риоя қилган ҳолда ҳар жума тонгини ушбу машғулоти мажбурий тарзда ўтказишга бағишладим.

Франклиннинг ҳаёти кишини руҳлантиради. Мен у ҳақида имкон қадар кўпроқ билишни истардим. Франклин ҳар куни икки соатни ўқиш ва илмга сарфлар, шу йўл орқали билими учун етишмаган ўринларни тўлдирарди. Мен мутолаага яна қаердан вақт топиш мумкинлигини тасаввур ҳам қила олмасдим. Шунда арзон, уринган, ишлатилган «Таржимаи ҳол»дан яна бир нусха харид қилдим. Ҳар куни эрталаб ундан бир неча варағини йиртиб олардим-да, чўнта-

гимга солардим. Кун бўйи бўш дақиқаларда – троллейбус, қабулхонада – йиртиб олинган саҳифаларни ўқирдим. Кутиб ўтириш вақтимни беҳуда сарфлашдан иборат бўлмай қолди.

Кейинчалик Гарвард университетининг машҳур президенти Чарлз Элиотнинг гоясини қўллашга жазм қилдим: у «ҳар куни ўн беш дақиқа ўқиш» кераклигини уқтирган. Шу билан бирга ажойиб кутубхона – «Беш футлик китоб тоқчаси»га аъзо бўлдим.

Ҳар оқшом кечки овқатдан сўнг мен битта китоб олиб, ўқишга тутинардим. Бу одатга айланди. Ярим соатдан сўнг ўзимни тўхтатишга мажбур қилардим. Шу боис, оила, газета ва бошқа ҳоказолар учун вақтим етарли бўларди.

Узоқ чўзилмайдиган ҳар оқшомги китоб мутолааси менга билимлар дунёсини очиб берди. Акс ҳолда фақат коллежда ўқиб, билим оширишим мумкин эди, холос.

Иш тартибимни қайта ташкил этар эканман, рўй берган ҳар кунлик ҳодисаларни ҳамиша миридан-сиригача ёзадиган бўлдим. Кўп ўтмай, ихтиёримдаги вақтнинг аниқ нархини ҳисоблашни уддаладим. Жума кунларининг бирида эрталаб ёзганларимни ўрганар эканман, менинг ҳар бир нуфузли мижоз ҳузурига ташрифим икки доллар ўттиз цент олиб келишини аниқладим! Ҳар қайси ташрифим, мижоз билан учрашаманми ёки йўқми, бундан қатъи назар, менга икки доллару ўттиз цент берар экан!

Шунда калламга қойилмақом фикр келди: шахсий котиб ёллаш керак!

Бу гоя амалга ошмайдигандай кўринди. Аввалига у мени кўрқитди. Фрэнк Беттжер – котиб билан! Бошлигим Карл Коллингснинг шахсий котиби йўқ эди. Ҳатто энг йирик «пултопар» компанияда ҳам котиб бўлмаган.

Мен ниҳоятда эсанкираб қолгандим. Аммо далиллардан кўз юмиб бўлмайди. Улар аниқ, ҳақиқий қайдларга таянади. Ҳафтада ўнта кўшимча ташриф уюштиришимга тўғри келар, шунда котибнинг хизмати менга деярли текин тушган бўларди.

Айнан ўша пайтда Расселл Матиас исмли ёқимтой ёш

йигит идорамиздаги қизнинг кўнглини овлаб юрганди. Улар унаштирилганди. Расселл эндигина ҳарбий хизмат сафидан қайтган, ҳали ҳам ҳарбий формада юрарди. Мен унинг айтиб турилса, машинкада ёза олиши ва идора ишларини бажаришга уқуви борлигини билиб олдим. Сўнг фикримни Расселл билан баҳам кўрдим. Биз иш ҳақи борасида шартлашдик ва у рози бўлди.

– Расселл, ҳозир мен сенга шунча-шунчадан тўлай оламан, – дедим унга. – Вақти келиб, агар баъзи бир ишларни уддалай олсанг, кўпроқ тўлашим мумкин.

– Нима қилиш керак, жаноб Беттжер?

– *Сен менга ҳафтасига тўрт марта офисга келмаслик имконини бергин*, – уқтирдим унга. – Ҳар куни соат иккида сенга кўнғироқ қилиб, топшириқлар, айтиб ёздириладиган ишлар, келгуси ҳафтада режага қандай учрашувлар киритилиши ва ҳоказолар ҳақида билиб оламан. Мен бўлганимда ҳам айнан шу ишларнинг ҳаммасини бажарамиз. Ҳар жума куни келгуси ҳафтадаги юмушларни тўласинча ташкиллаштириш ва режалаштириш учун офисда учрашамиз.

Хўш, нима бўлди? Иш столимда Расселлнинг ўтирганини кўрган Коллингс, Хансигер ва бошқалар бу йигитнинг шахсий котибим эканлигини билиб олишди. Шу тарзда, Беттжер яқинда чиқимлар ҳисоби ёпиб ташлаган гўр, тажрибасиз, кўлидан иш келмайдиган ландавур бутунлай «ақлдан озибди» деган овозалар ўрмалаб қолди.

Келгуси ҳафта жума куни офисга келганимда, жаноб Коллингс мен билан руҳшунос кўмагига муҳтож кишига мурожаат қилгандек гаплаша бошлади. Ёзувларимни чиқариб кўрсатиб, уни далиллар билан таништирдим.

Натижада ҳайратомуз қисқа муддат ичида жаноб Коллингс ҳам, жаноб Хансикер ҳам шахсий котибага эга бўлишди. Фақат уларнинг котибалари Расселл Матиасга нисбатан ниҳоятда хушбичим эди!

Қисқа хулосалар

Агар сиз ишингиз ёки бошқа ҳар қандай ҳаётӣ соҳада муваффақият қозона олишингизни билишни истасангиз, буни текшириб кўриш жуда осон. *Вақтингизни тақсимлаб, уни бошқара оласизми?* Акс ҳолда, албатта мағлуб бўласиз! Сиз бундай деб ҳисобламаслигингиз мумкин, аммо қанча вақт ҳаёт кечирманг, муваффақиятсизликка учрашингиз тайин...

Агар сиз ҳаётда ҳашамат қўйнида роҳатланиб яшаш, яъни вақтичоғлик қилиш, дам олиш, *воқеа-ҳодисалар моҳиятини англаш* ва барча ишни рисоладагидек бажариш учун етарлича вақтга эга бўлишни истасангиз, ёдингизда тутинг, бунинг фақат *битта йўли* бор: йўлаб олиш ва ишларни муҳимлигига қараб режалаштириш учун етарли вақт ажратинг. Бу сизга қизғинлик бағишлайди. Сиз ҳаётингизга йилларни қўшасиз – йилларингизга эса кўпроқ ҳаёт қўшган бўласиз!

«Барча нарсангизнинг ўз ўрни бўлсин; ҳар бир ишингизнинг ўз вақти бўлсин».

Б. Франклин

Ўн учинчи бўлим **БУ МУЪЖИЗА ЭДИ!**

Нима рўй берди ўзи? Улар айтганидек, мен ростдан ҳам ақлдан озганмидим? Шундай қилиб, ўша йилнинг охирида камина компания агентлари орасида тўқсон иккинчи ўринда эдим, қоғозга алоқадор барча ишларимни зиммасига олган котибим бор эди.

Келгуси йили мен яна тўртта даврани ёки Франклин курс деб номлаган тамойилларни тугатиб, ўн учинчи бўлиб қолдим.

Орадан бир йил ўтгач, мен Жоржия штати Атланта меҳмонхонасининг ажабтовур хонасида эшикнинг қаттиқ таққиллашидан уйғониб кетдим. Нотаниш овоз менга анчадан бери таниш нақаротни тилга олди:

– Фрэнк, тулинг! Сизни президент кўрмоқчи!

Қаттиқ уйқудан сўнг туриш мутлақо ёқмасди. Мен, ҳатто қаерда эканлигимни ҳам англай олмасдим. Аммо бир неча лаҳзадан сўнг ўзимга келиб, қандайдир ажойиб воқеа юз берганини хотирладим!

Ўша куни эрталаб йил якунлари бўйича президент кубоги билан мукофотланишим керак эди. Мен компаниянинг барча вакиллари орасида биринчи ўринни олгандим.

Бу сафар *консерва банкини* эмас, *кубок* олдим. Гўё барчаси эртаққа ўхшарди.

Мен бор-йўғи тўрт йил муқаддам, тўла-тўқис омадсиз ва бутунлай тушкунликка берилган йигирма тўққиз ёшимда, қачонлардир савдо бўйича агент бўлишимга умуман ишонмасдим. Энди эса айнан шу инсон – мамлакат бўйича биринчи босқич иштирокчиси, яъни камина компаниянинг энг олий раҳбарлари билан минтақавий анжуманларда нафақат иштирокчи, балки асосий маърузачи сифатида қатнашаётгандим. Ваҳоланки, мени айнан шу компания маъмурияти ишдан ҳайдаб юборган! Буларнинг ҳаммаси менга тўрт йил аввал думига консерва банкиси боғланган йигит энди жаҳон биринчилиги учун мусобақада ҳал этувчи голни ургандек туюлди.

Компания бу «қайтгувчи»нинг ёрликли суратини ҳар бир иштирокчи талабномасига ёпиштириб, янада шарафлади. Ёрлик: «БЕТТЖЕР ОЙИ» деб жарангларди. «Fidelity» компанияси илгари мазкур ишни мутлақо амалга оширмаган ва мен ҳатто суперагент бўлсам ҳам, бундай иззат-икром кўрсатишмаган бўларди. Мағлубиятдан муваффақиятга кўтарила олганим боис мендек оддий савдо агентини улуғлашганди. Мен учун тузилган дастурга кўра нима иш қилганим, омадсизлар сафидан «суғуриб олган» ғоялар ва уларни ким амалда татбиқ этса, муваффақиятга эришиши мумкинлиги тўғрисида йиғилишларда шунчаки сўзлаб беришим керак эди.

Мени энг кўп қувонтиргани меҳрибон онам ана шу ёруғ кунларгача яшагани эди. Унинг касалманд боласи, шифокорлар айтганидек, «бу ёруғ дунёда яшай олмайдиган

ўғли» ҳаётда нимагадир эга бўлди. Ваҳоланки, онаизор бир умр уни асраб қолиш учун жони ҳалак эди.

Мен унга почта орқали «Fidelity Fiefl Man» компаниясининг журналини юбордим. Бу ҳафталик нашр муқовасига суратим туширилганди.

Журналнинг яна бир нусхасини эса Миллер Хаггинсга қуйидаги мактуб билан жўнатдим: «Ҳурматли Хаг, мана сен хонадошингни қай аҳволга солдинг! Бунинг учун мен сендан бир умр миннатдорман. Ғайрат-шижоат билан... БЕТЧЕР «ҚАЛАМПИР».

Хаггинс Филадельфиядаги асосий идорамизга қўнғироқ қилган бўлса керак, чунки Янги Орлеандаги «Сент-Чарлз» меҳмонхонасига келганимиздан сўнг бир неча кун ўтгач, мени у ерда телеграмма, яъни шу кунгача олган хабарларимнинг энг тўлқинлантирувчи номаси кутиб турарди:

ТАБРИКЛАЙМАН! СЕНИНГ МИСЛСИЗ ЮТУҒИНГ «ЯНКИ»НИНГ БУТУН ЖАМОАСИНИ РУҲЛАНТИРИБ ЮБОРДИ. МЕН БУГУН ЕЧИНИШ ХОНАСИДА УЛАРГА СЕН ТЎҒРИНГДА ГАПИРИБ БЕРДИМ. БАРЧАСИ ИККИ КАРРА ҒАЙРАТ-ШИЖОАТ БИЛАН ҲАРАКАТ ҚИЛИШГА АҲД ҚИЛИШДИ...

СЕН ЛОАҚАЛ БЕРТ КОННГА МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРДИНГМИ?

МИЛЛЕР ХАГГИНС

Нафасим бўғзимга текилиб қолди. Хаггинс телеграммасидаги «СЕН ЛОАҚАЛ БЕРТ КОННГА МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРДИНГМИ?» – деган сўзлар мени таъсирлантириб юборди. Шунча йиллар давомида Берт Коннга миннатдорчилик билдириш хаёлимга келмаганини қаранг! Аммо бу ҳақиқат... *у ҳаётимнинг бутунлай ўзгариб кетишига ёрдам берганди.*

Мен Филадельфияга қайтиб келган заҳоти Жонстаунга боришга қарор қилдим.

Аммо иш туфайли бир неча ҳафта ушланиб қолдим. Уйга қайтганимда эса йиғилиб қолган ишлар билан шуғулланиб, Берт Коннинг ҳузурига боришим тобора орқага сурилаверди-сурилаверди. Бир неча ойдан сўнг Нью-

Йоркдаги жуда катта аудитория олдида сўзга чиқишимдан аввал қўлтиқтаёқда полиомиелит²³ билан оғриган бир ногирон олдимга келди. Унинг исми Лео Бюттнер бўлиб, Жонстаунда яшарди. У мен учратган одамлар орасидаги энг ғайратли кишилардан бири эди. Бюттнер билан ўзаро суҳбатда «Пойнт-стадион»да «Жонстаун» учун ўйнаганимни эслаб ўтдим.

Лео бу шаҳарда муваффақият қозонган суғурта ходими бўлиб, идораси айнан стадион рўпарасида жойлашганди. У Берт Конн Филадельфияда жуда йирик юк машиналари компанияси соҳибига айланганини айтганида ҳайрон қолдим.

Уйга қайтиб келгач, мен уни телефон маълумотномасидан ахтаришга тушдим. Берт Конн, шубҳасиз, ўша ерда – йирик саноат ҳудуди бўлмиш Франкфорд-авенюда эди. Қўнғироқ қилиб ўтирмадим. Унга кутилмаган совға қилмоқчи эдим. Машинага ўтириб, тўғри ўша томонга қараб йўл олдим. Йирик юк машиналари билан лиқ тўлган улкан гаражга кирганимда, баланд бўйли, йирик гавдали эркак келиб, бирор хизмат борми, деб сўради. Мен, бир пайтлар Берт мени ҳайдагани каби яна асабийлашдим. «Бу Берт бўлса керак, – деб ўйладим. – Унинг ёшига ана шу жусса, қомат тўғри келади».

– Сиз Берт Коннмисиз? – сўрадим мен.

– Йўқ, – деб жавоб берди эркак. – Жаноб Конн ҳозир йўқлар.

– Бугун келадими?

– Йўқ. У киши оғир касал.

– Қулоқ солинг, – дедим ходимга, – мен унинг эски дўстиман. Биз бир неча йил олдин «Жонстаун»да бейсбол ўйнаганмиз. Мен унга баъзи гапларни айтмоқчи эдим, бундан анча енгил тортади. Мен Бертни кўра оламанми, сиз нима деб ўйлайсиз?

– Билмайман... У «Чеснат-Хилл» шифохонасида. Хотинидан бошқа ҳеч кимни олдига қўйишмаяпти.

²³ Полиомиелит – асаб тизимини фалаж қиладиган ўта юқумли касаллик (таржимон изоҳи).

Мен янги Орлеанда Миллер Хаггинсдан олган телеграммани кўрсатдим – ўша йили «Янки»лар чемпионатда биринчи бор ғалабани қўлга киритишганди.

– Балки у менга қанчалик ёрдам берганини билса, анча енгил тортар, – дедим мен.

Ҳамсуҳбатим:

– Конн хонимга бугун кечкурун қўнғироқ қиламан. Бу ҳақда унга етказаман, – деб ваъда берди

Аммо биз барибир учраша олмадим. Орадан икки кун ўтгач, Берт дунёдан ўтди. Мен учрашувни ҳаддан зиёд ортга сургандим.

Ўн тўртинчи бўлим

ПИФ-ПАФ

Буюк британиялик бу ёш шифокорнинг исм-шарифи Рожер Баннистер бўлиб, кунларнинг бирида спорт оламини ҳайратга солди. У бир мил масофани уч дақиқаю эллик тўққиз-у ўндан тўрт сонияда югуриб, босиб ўтди. Шу чоққача ҳали ҳеч бир инсон бир мил масофани тўрт дақиқадан кам вақтда босиб ўтмаганди. Асрлар давомида буни мумкин эмас, деб ҳисоблашарди.

Қарабсизки, улкан натижа! Рожер Баннистернинг чек-чегара билмас ғайрат-шижоати жуда юкумли бўлиб чиқди. У рухий тўсиқ – «бундай бўлиши мумкин эмас»лиги ҳақидаги ишончни олиб ташлади. Орадан бор-йўғи олти ҳафта ўтгач, австралиялик Жон Ланди Баннистернинг рекордини ортда қолдирди. У бир мил масофани уч дақиқаю эллик саккиз сонияда босиб ўтди!

Тўрт йил давомида ана шу «мумкин эмас»ни тўққиз нафар югурувчи 90 марта янгилади. Герб Эллот янги жаҳон рекордини ўрнатди: у бир милни уч дақиқаю эллик тўрт-у ўндан беш сония ичида югуриб ўтди!

– Машқ қилавериш ўлгудай жонга тегади, – деди Эллот, – аммо югурувчи айнан машғулотларда бошқалардан афзал эканлигини кўрсатади. Буни ғайрат-шижоати етарли ҳар қандай киши бажара олади.

Мен Эллиот нимани назарда тутганини англаб етдим. Боиси, ўзим билан ҳам айнан шу ҳол рўй берганди... Берт Конн мени Жонстаундаги жамоа сафидан ҳайдаб юборган куни ҳаётимдаги энг аламли, кулфатларга тўла давр эди. Ҳаммаси бўлиб уч ҳафтадан сўнг Нью-Хейвенга келганимда ҳам копток ирғитиш, уни тутиб олиш ва уриш борасида аҳволим яхшиланмади. Бейсбол тўғрисида ҳам бирорта янги нарса билиб олмадим. Жонстаун билан Нью-Хейвенни солиштирганда ҳеч қандай янгилик юз бермади менда. Фақат *ғайрат-шижоат билан ҳаракат қилишдан* иборат истак пайдо бўлди, холос.

Орадан йиллар ўтиб, савдо агенти сифатида бутунлай муваффақиятсизликка учрадим. Ишдан бўшатилгач, ўн кундан сўнг суғурта компаниясига қайтиб, менежердан менга яна бир имконият беришларини сўраганимда ҳам ўзгариш бўлмади. Фақат *ғайрат-шижоат билан ҳаракат қилишдан* бошқа ҳеч нима ўзгармади!

Бир неча йил муқаддам Жанубий Каролина штатидаги Коламбияда бўлгандим. У ерда қотил устидан суд бўлиб ўтиши, уни жанубдаги машҳур судья олиб бориши маҳаллий газета орқали хабар қилинганди. Суд ўша куни эрталаб бошланди.

Бу жараён бутун мамлакат бўйлаб газеталарнинг биринчи саҳифасида ёритилди. Мен қотил устидан бўлаётган суд ишида ҳеч қачон қатнашмагандим. Шу боис, бориб эшитишга қарор қилдим.

Кўчани кесиб ўтиб, суднинг чиройли биноси томон йўналдим. Бино олдида ҳар доимгидек округ судьяларининг изидан юрадиган кўзбойлоқчилар чодирни жойлашганди. Улардан бири бошқаларига нисбатан ғалатироқ эди. Бу кўзбойлоқчининг товушида одамларни ўзига жалб этадиган қандайдир изтироб бўлиб, менинг ҳам диққатимни тортди. Унинг эгнида отчопарларнинг катак костюми, шимни кўтариб, тутиб туриш учун икки елка оша тортиб қўйиладиган тасма ва малла бош кийим бор эди. Кўзбойлоқчи улкан сигра чекиб турарди. Бу одам кўз олдимда беш дақиқа ичида ўз молларини ўттиз марта сотди. Бошқа савдогарларда

камдан-кам учрайдиган иштиёқ билан сота туриб, шундай дерди:

– Хонимлар ва жаноблар! Ватандошлар! Менинг исмим Пиф-Паф! Мен улуғ ва қудратли Хитой ҳукмдори хон Кахунинг шифокори бўламан! Марҳум лорд Макариэлнинг бошқаруви пайтида насронийликни қабул қилиб, у ердан кетдим. Бу ерга келдим. Буни фақат Америкага хос бўлган улуғ неъмат деб ҳисоблаш мумкин!

Мен ўзим билан нодир, тенги йўқ дориворларни олиб келганман. Биринчиси «Телба каламуш прериум» дейилади. У ванг-де-ванг-вангадан олинган бўлиб, агар тишларингиздан айрилган бўлсангиз, милклардаги бир томчиси дарҳол янгиларини ўстиради. Мабодо хонимларнинг ияклариди мўй чиқиб қолгудай бўлса, бу доривор уларни сартарош устарасидан ҳам тезроқ қириб ташлайди! Мен ўзим билан бирга ажойиб эллиптико-экклезиастик ёки асаб-юрак, барча хасталикларга даво бўлганларини ҳам олиб келганман!.. Шу билан бирга кўриш қобилятини тикловчи сифатида ҳам ном чиқарганман. Бахтга қарши, Хитойнинг марҳум ҳукмдори, катаракта туфайли икки кўзи кўр бўлиб қолганди. Мен эпчиллик билан жаноби олийларининг кўзларини олдим-у, ўрнига ажойиб чароғбонлик (иллюминация) суртиб, шернинг иккала кўзини ўрнатдим. Унинг фақат кўриши яхшиланиб қолмади, шу билан бирга бошқаларни ҳаддан зиёд кўрқитадиган қиёфа ҳам касб этди.

Иқрор бўлишим керакки, хонимлар ва жаноблар, мақтанишни ўлгудай ёмон кўраман. Шунга қарамай, мен нафақат улуғ табиб ва замонавий файласуф, балки инсониятнинг буюк даҳоси эканлигимни айтмоғим керак!

Ўзимни ўзим мақтаб ўтирмайман. Шу боис, ана шу ажойиб эллиптико-экклезиастик ёки асаб-юрак, ҳар қандай касалга даво деб қаралган дори ёрдамида даволаниб, тузалиб кетганларнинг менга юборган минг-минглаб миннатдорчилик хатларини ўқиб бермоқчиман. Мана, улардан айримлари:

«*Атланта, Жоржия*. Кўчадаги муштлашувда тош билан сал бўлмаса ўлдираёзгандилар. У бир шишача туфайли

бутунлай тузалиб кетди!

Чикаго, Иллинойс. Совун қайнатиш заводида қозонга тушиб кетган. Бир шишача билан тузалган.

Талса, Оклахома. Зиғир майдалайдиган прессда худди чапати нондай яссиланиб, пачоқ бўлиб кетганди. Битта шишача қор қилиб, шифо топди!»

Бу эса Нью-Йоркдаги банк ходимининг барча дардлардан халос бўлиб даволангани тўғрисидаги мактуби. Унинг хатини тўғридан-тўғри ўқиб бераман:

«Мен Нью-Йорк штатидаги Фарнсвортда порох ишлаб чиқарадиган фабрикага жуда яқин келганимда, тўсатдан юз берган портлаш натижасида миллионлаб атомларга бўлиниб кетдим! Бу бахтсиз ҳодиса туфайли мени ишга яроқсиз деб топишди... Шу аснода сизнинг ажойибу фаройиб эллиптико-эклезиаст панацеянгиз (алкимёгарлар томонидан гўё ҳар қандай касалга даво деб қаралган дори) ҳақида эшитиб қолдим. Менга ундан татиб кўришни таклиф этишди. Биринчи шишача туфайли бўлиниб кетган қисмларим бир жойга йиғилди. Иккинчиси майдаланиб кетган устухонларимни жонлантирди. Учинчи шишачадан сўнг тўла-тўқис соғайиб кетдим!.. Тўртинчиси менга Уолл-стритда пуллар санаш, векселларни ҳисоб-китоб қилиш ва барчага бу ажойиб эллиптико-эклезиастик ёки асаб-юрак, панацея дориворларининг **БАРЧА-БАРЧА** хасталикларга даво бўлишини айтишни бахш этди».

Бир шишачаси бор-йўғи бир доллар туради – олтитаси эса беш доллар! Ким навбатдаги даволанувчи? Кимнинг навбати?

Ишонасизми-йўқми, аммо мен бир дақиқа ичида ўттиздан зиёд кишининг пештахтага ёпирилиб, пулларини бу найрангбознинг малла бош кийими тепасигачага уйиб ташлаганларига гувоҳ бўлдим!

Ана шу ўттиз киши орасида менинг ҳам бўлган-бўлмаганимни бир умр аниқлай олмайсиз...

Ҳозир нималар ҳақида ўйлаётганингизни биламан. Ўзингизга-ўзингиз: «Фрэнк нима учун бу воқеани гапириб берди? – дейсиз.

Жавоб бераман: мен пештахта олдида ҳамма тарқалиб бўлгунча сандироқлаб юрдим. Кейин ўша йигитдан сўрадим:

– Сизга бир неча саволлар берсам бўладими?

– А-ҳа, қани, беравер.

– Сиз доимо шу тариқа ишлайсизми?

– «Шу тариқа» нима деганинг?

– Доимо ана шундай ғайрат-иштиёқ билан ишлайсизми?

Феълингиз шунақами?

– Ҳм... – мийиғида кулиб қўйди у. – Мен бу матоҳни эндигина сота бошлаган пайтимда, ҳатто харажатини ҳам қоплай олмаганман. Аммо бир куни, борди-ю, ишимга масхарабозликни қўшиб юборсам, одамлар харид қила бошлайдилар, деб ўйладим. Ҳозиргача шуни сезяпманки, орадан бир неча йил ўтган бўлса-да, сотиш ҳажми тобора юқорилаб бормоқда. Баъзан пастлаб кетади, бу ҳикоямга ғайрат-иштиёқимни қанчалик қўллашимга боғлиқ.

Ўйлаб кўринг: *ясама, ёлгон аралаш* энтузиазм, яъни алдамчиликдан иборат саъй-ҳаракат шу оддий найрангбознинг сохта дориворни сотишига шунчалик ёрдам бермоқда. Шундай экан, ҳақиқий, сидқидилдан бўлган ғайрат-шижоат одамлар оғирини енгил қилмоқчи бўлганингизда қай даражада мўъжизалар кўрсатар экан?

Биласизми, «энтузиазм» сўзи қадимги грек тилидан олинган бўлиб, «илоҳ орангизда» деган маънони англатади. Миллер Хаггинс ўшанда донишмандона сўзларни айтганди:

– Агар ана шу сеҳрли таркибий қисмни ўн уч тамойилнинг ҳар бирига қўлласанг борми, у ҳолда Американинг энг буюк суғурта ходими бўласан!

Ғайрат-шижоатни қандай қилиб эгаллаш мумкин? Бунинг фақат битта жуда осон қоидаси бор: ғайратли одам бўлиш учун ғайрат-иштиёқ билан ҳАРАКАТ қилмоқ керак!

Ана шу қоидани ҳозирнинг ўзидаёқ амалда қўллашни истайсизми?

Ҳозир қаерда бўлсангиз, ўрнингиздан туринг ва Кристи Матьюсоннинг «сеҳрли сўзлари»ни тилга олинг. Бу сўзларни имкон қадар бутун ғайрат-иштиёқ билан такрорланг.

Ўзингизни ҒАЙРАТ ВА ШАВҚ-ЗАВҚ БИЛАН ИШГА КИРИШИШГА МАЖБУР ҚИЛИНГ. АНА ШУНДА ҒАЙРАТЛИ БЎЛИБ ҚОЛАСИЗ!

Мазкур мўъжизавий таркибий қисмни ҳар бир тамойилнингизга қўлланг – ана шунда сизни ҳайратга соладиган натижалар кутади. Бу ҳаётингизни бутунлай ўзгартириб юборади.

Қисқа хулосалар

Ғайрат-шижоатни икки карра ошираман деб тантанали равишда қасамёд қилинг. Буни нимаики иш қилсангиз, барисида қўлланг.

Агар қасамга риоя қилсангиз ва ҳар бир тамойилни ғайрат-шижоат билан қўлласангиз, даромадингизни икки баробар оширишингиз эҳтимолдан холи эмас. Бу эса сизга бахт-саодат келтиради.

Нимадан бошлаш керак? Бунда фақат битта қоида мавжуд: ғайратли одам бўлиш учун ғайрат-иштиёқ билан ҳаракат қилинг!

«Агар сиз болаларингизни фақат бир нарсага ўргатиш имкониятига эга бўлсангиз, бу ғайрат-шижоат бўлиб қолсин!»

Брюс Бартон,

машҳур реклама агенти,

«Ҳеч ким билмаган одам» китоби муаллифи

Ўн бешинчи бўлим

ЯНГИ ОРЛЕАНЛИК БЕСЎНАҚАЙ, ФИЛАЙ ВА МАЙМОҚ ТЎП ОШИРУВЧИ ҲАҚИДА

Компаниямизнинг Янги Орлеанда бўлиб ўтган минтақавий йиғилишида биринчи ишим Миллер Хаггинсдан мен яқинда қабул қилиб олган «Нью-Йоркнинг «Янки» жамоаси ғайрат-шижоатни икки баробар оширди» деган телеграммасини кўрсатишдан бошланди. Бу хабар тингловчиларни

шунчалик руҳлантириб юбордики, биз бутун мамлакат бўйлаб йиғилишни бир хил тарзда – Хаггинснинг телеграммаси билан бошлайдиган бўлдик!

Шундан сўнг мен қадимий шаҳар – Янги Орлеан заминига қандай қилиб биринчи қадам қўйганимни сўзлаб бердим. Бу «Сент-Луис Кардиналс» жамоаси билан баҳорги машқ сафарида бўлганди. Биз «Пеликанлар» билан ўйнаш учун тўхтаб ўтгандик...

Ўша куни Янги Орлеанда тўпни чапақай – бесўнақай, ғилай ва маймоқ давангирдай одам узатар, бўйи нақ икки метр эди! Ўйинчиларнинг айтишича, унинг муайян кутилмаган чапдаст узатишлари бўлиб, барча питчерлардан фарқ қилар экан.

Дастлабки иннинг биринчи аутида биринчи базада ўйинчимиз бор эди. Менежеримиз Рожер Бреснаган тўпни уриб қайтариш ва югуришга ишора қилди. Биринчи базада турган ўйинчи тўп ташланган заҳоти айланиб чопишга, коптукни қайтарувчи эса югуриш бошланиши билан уришга тайёрланди. Агар бу ҳаракат амалга оширилса, ўйин жуда чиройли чиқарди. Аммо ғилай ва маймоқ чапақай тўп узатишга ҳозирлик кўрар экан, бир кўзи тўп урадиганга, бошқаси эса югуришга шай турган ўйинчига қарарди. Кимга қараётганини аниқ билиш асло мумкин эмасди.

У бирдан ғалати тарзда елкасини силтади. Ўнг тиззасини букиб, сал бўлмаса бақбақасига олиб келди ва гўё тўпни биринчи базага ташлайдиган каби бурилди. Ирғиб, олдинга ташланишга тайёр турган ўйинчи ўзининг асосий ҳолатини эгаллади. Тўп узатувчи эса тик туриб, биринчи базада кечаётган барча ҳолатларни кузатарди. Аммо питчер кескин бурилди ва ҳайратланарли тезликда тўпни тўғридан-тўғри зарба бериладиган марказга йўллади.

– Битта страйк! – деб хитоб қилди ҳакам.

– Ҳушёр бўлиб тур! – қичқирди Бреснаган ва яна тўп уриш ҳамда чопишга ишора қилди.

Биринчи базадаги ўйинчи кепкасини бошига яхшилаб бостирди ва кейинги тўп узатишда жойидан бирдан сапчиш-

га тайёр бўлиб турди. Яна ғилай, маймоқ чапақай-питчернинг бир кўзи тўп урадиган ўйинчига, иккинчиси эса ирғиб олдинга ташланишга тайёр турганига қаради. У елкасини силтаб, тиззасини кўтарди. Тўп урадиган ўйинчининг елкасига қадар бурилди. Афтидан, у коптокни биринчи базага ташлашга шайланарди. Ўйинчи зарб билан олға ташланишга тайёр турар экан, яна олдинги ҳолатга қайтди. Тўп урувчи эса тик турганча биринчи базадаги кўриниб турган ҳолатни кузатарди. Аммо копток айланиб, урувчини ҳайратга солганча, уриш ҳудуди маркази орқали тўғри ёнидан учиб ўтди. У, ҳатто чиллакни кўтаришга ҳам улгура олмади.

– Иккинчи страйк! – қичқирди ҳакам.

– Сизларга нима бўлди ўзи?! Каллаварам телбамисизлар? – деб бақирди Бреснаган.

Афсуски, у турган учинчи базанинг тренер чизиғида бундай англишмовчилик қандай рўй берганини кўриш асло мумкин эмасди. Бреснаган яна уриш ва ирғиб олдинга ташланишга ишора қилди – бу эса тўп урувчига нисбатан икки страйк белгиланганда бериладиган камдан-кам қарор эди.

Биринчи базадаги ўйинчи бир силтаниб олға кетишга тайёрланди, шунингдек, тўп урувчи ҳам пойафзали тишини қумга ботирди. Уларни учинчи марта лақиллатиш мумкин эмаслиги барчага аён бўлганди.

Яна ўша бесўнақай, ғилай, чапақай тўп узатувчи тиззасини кўтарди ва энгашди – биринчи базадаги ўйинчи иккинчисига интилди, тўп урувчи эса зарба бериш учун қўлини силкитди. Бу сафар питчер ҳақиқатан ҳам тўпни биринчи базага ташлади, аммо тўп урувчи қўл силташини тўхтата олмасди!

Тўпни қабул қиладиган ўйинчи алам устида бор кучи билан ўзининг қўлқопига мушт туширди.

– Учинчи страйк ва аут! – деб қичқирди ҳакам ва қўлини юқори кўтарди.

Иккинчи базага югуриб келган ўйинчининг *тўп билан* уни кутиб турган иккинчи бейсменни кўрганда афту башараси қанчалик ўзгариб кетганини тасаввур қилаверинг.

– Аут! – деб бақирди ҳакам базада туриб, бейсболдаги қойилмақом дублни якунлар экан.

Янги Орлеандаги беллашув ҳаётимнинг кейинги босқичида ёрдам берган сўнги ўйинлардан бири эди. Аммо савдо билан шуғулланганимдан сўнг ҳайратомуз кашфиётга қўл урдим. Мен суҳбатлашган кўпгина кишилар ўша ғилай, маймоқ, Янги орлеанлик чапақай-питчерни эслатишарди. Қайдларимни кўздан кечирар эканман, шунга амин бўлдимки, одамлар уч ҳолатдан иккитасида – қасддан ёки билмасдан – менга нотўғри тўп узатишар экан. Улар уч ҳолатдан иккитасида ёй отишим учун сохта нишонлар беришган!

Савдо «магистри» Билли Уокерга қайдларимни кўрсатар эканман, ундан қуйидаги сўзларни эшитдим:

– Сиз нимани назарда тутаётганингизни биламан. Мен ўзим ҳам буни бошимдан ўтказганман.

– Бу муаммони қандай ҳал этгансиз, жаноб Уокер? – сўрадим мен.

Уокер ҳеч қачон эсимдан чиқармайдиган гапларни айтиб берди.

– Фрэнк, инсон миясида нима борлигини унинг сўзларига қараб билиб бўлмайди. Одам эътироз билдирса, батамом харид қилмаслигини англатмайди. Бу сиз уни етарли даражада ишонтирмаганингиз, харид қилишни хоҳлаши учун тегишли асослар тақдим этмаганингизни билдиради!

Ана шунда Янги Орлеандаги ғилай, маймоқ чапақайнинг *алдамчи тўп узатиши* ва Билли Уокернинг асосий қоидаси: «Маҳсулотингизни харид қилишлари учун етарли асосларни тақдим этинг» дегани мен билан «биринчи базага михлаб ташланган киши» ва «барча базага тегишли» пайтда тузилган битим ўртасидаги тафовутни англашимга ёрдам берди.

Шу билан бирга, мен барча кишилар, ҳатто фарзандларингиз билан кундалик ҳаётда иш олиб борганда ҳам буни ёдда сақлашни жуда муҳим деб ҳисоблайман.

Ўн олтинчи бўлим

КРИСТИ МАТЬЮСОННИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ

Мен ўтган йилларимга назар ташлаб, бейсбол ҳақида илк бор билиб олган жуда кўплаб тамойилларни кейинчалик кундалик ҳаётим ва бизнесда қўллай олганимдан руҳланиб кетаман. Мисол келтираман. «Сент-Луис Кардиналс»га ўтганимдан сўнг кўп вақт ўтмай, захирамиздаги иккинчи кетчер (питчер узатган тўпларни қабул қилувчи) Жек Блисс оёғини синдириб қўйди. Натижада «Кардиналлар»да иккита кетчер қолди. Шу боис, мен бир неча ҳафта «қаровсиз» тўп узатувчи ўрнига алмашиб турдим.

Алмашиб туришим ўзимга умуман ёқмас, чунки кетчер эмасдим. Шунинг учун у ерда мен ўрганишим керак бўлган ҳеч нима йўқ, деб ҳисоблардим. Аммо шундай сабоқлар олдимки, йиллар ўтиб, мен учун ниҳоятда бебаҳо бўлди.

Ўша пайтда «Кардиналлар»даги энг яхши питчер Слим Салли эди. Унинг ҳайқириғи ҳозиргача қулоғим остида янграйди:

– Фрэнк, қўлқопни кўтар!

Мен Слим учун нишон вазифасини ўтовчи кетчернинг катта қўлқопини кўтармагунимча, у ҳеч қачон копток узатмасди. Ҳар бир тўп узатишда нишоннинг ўрнини алмаштирарди. Қўлқоп ўртасидаги «ўйиқ» эса «нишон маркази» деб юритиларди.

Салли жамоада ўзига нишон ўрнатишга мени мажбур этган ягона питчер бўлиб, зарбани жуда яхши назорат қиларди. У тўп урадиганларнинг ожиз томонларини ўрганган, ўйин тақдири номаълум бўлиб қолганда, ҳар бир копток қабул қилувчига қандай узатишни аниқ билар ва камдан-кам хатога йўл қўярди!

Мен Саллидан буни кимдан ўргангани ҳақида сўраганман. У шундай деб жавоб берди:

– Буюк тўп узатувчи Кристи Матьюсондан.

Нью-Йоркдаги «Поло граундз»да ўтказиладиган ўйин олдидан Матьюсондан Саллига нималар дегани ҳақида

сўрадим. Моҳир питчернинг жавобини ҳеч қачон унутмайман:

– Тўпни нишонсиз отиш – милтиқдан ҳавога ўқ узишдай гап. *Нишоннинг ўртасини мўлжалга олмасдан туриб, бирорта ўқ отувчи мерган бўла олмайди!*

Кўп вақт ўтмай Билли Уокер мени «кутиш ва кўпроқ далил тақдим этиш учун» ўргатганида, ҳаётимда энг муҳим воқеалардан бири юз берди. Мен жуда йирик битимни амалга оширишга муваффақ бўлгандим. Мазкур иш компаниянинг бутун бошли тарихида энг йирик келишув эканини эълон қилишганида ҳаяжонга тушдим.

Ушбу битимнинг мендай ғўр, ўрта мактабни ҳам тугатмаган киши томонидан амалга оширилгани барчада умумий қизиқиш уйғотди. Бир неча ҳафтадан сўнг бу ҳақда гапириб беришим учун мени Бостонга таклиф қилдилар.

Сўзга чиққанимдан сўнг АҚШнинг савдо бўйича энг таниқли агентларидан бири Клейсон Хансикер олдимга келди. У мени табриклади ва шундай деди:

– Бундай битимни *нима* учун тузганингизни ўзингиз ҳақиқатда тушунапсизми? Мен ҳозиргача шундан шубҳадаман.

Ундан нимани назарда тутаётганини сўрадим.

Хансикер менга одамлар билан муносабатда бўлишнинг энг асосий сири ҳақида сўзлаб берди. Унинг ҳикоясидаги моҳият шундаки, *дунёдаги бутун тирик жон ниманидир хоҳлайди*. Бизнинг вазифамиз – одамлар нима исташини аниқлаб, унга эга бўлишлари учун энг қулай усулни топишларида кўмаклашишдан иборат.

– Ҳар қандай тижоратда асосий мақсад ана шу! Сиз мижоз билан суҳбатнинг илк дақиқаларидаёқ, энг аввало, тусмоллаб «нишоннинг ўртасига ургансиз», яъни унинг нималар исташини топгансиз. Сўнг шу ҳақда айтганларини эшитгансиз, унга керакли нарсани бир сония ҳам назардан қочирмай саволлар бергансиз. Кейин эса бунга қандай эришиш мумкинлигини кўрсатгансиз.

Ўша оқшом жаноб Хансикерга «қаровсиз» майдонда турганимда Слим Салли менга қичқиргани, Кристи Мать-

юсон ҳамиша нишонни мулжалга олиш кераклигини айтганини гапириб бердим.

– Ажойиб мисол... Мана энди тушундингиз! – деб яқунлади у сўзини. – Бу тамойил жуда оддий. Савдо билан машгул аксарият кишилар худди тўп узатувчилар нишонни аниқламасдан ва ҳаттоки топишга уринмай копток ташлагандек иш тутишади. Агар нишонни излаш кераклигини умрбод ёдингизда сақласангиз ва бу қоидани худди Кристи Матьюсон каби амалиётга татбиқ этсангиз, тижорат ҳамда турли тоифадаги одамлар билан муомала қилиш сиз учун энгил ишга айланади.

Агар Клейтон Хансикер менга ана шу асосий тамойилни ўргатмаганида, тўловларни велосипедда юриб йиғиш ишига қайтишимга тўғри келарди. У камина учун янги назария кашф этгандек туюлди. Аммо орадан кўп ўтмай, бу ғояни мен жаноб Хансикерни учратишимдан 180 йил муқаддам мана шу Филадельфияда бошқа инсон айтгани аён бўлди. У – Бен Франклин эди.

Франклин янги печни ихтиро қилди. Унга рекламани ўзи ўйлаб топди. Бунда асосий харидорлар аёллар эканлигини ҳисобга олди. Мана унинг матни: «Иситиш тизими ёмонлиги туфайли аёлларнинг боши шамоллаб қолади, бурни шилимшиқ билан қопланиб, гриппга дучор бўлади. Бу эса уларнинг милкига таъсир қилади. Натижада шимолий колонияларимиздаги кўпгина чиройли тишлар абгор аҳволга келади. Айни пайтда каминдаги кучли, ёрқин олов кўзларнинг шикастланишига сабаб бўлади. У терини қуритади ҳамда қариш жараёнини тезлаштиради».

Бу ғоя иш бердимиз? Албатта! Унинг печи барча колонияларда бозори ўта чаққон «бестселлер» бўлиб қолди. Пенсильвания губернатори шу даражада миннатдор эдики, унга якка ўзига тааллуқли сотиш учун патент беришга қарор қилди. Аммо Франклин қуйидаги тамойилдан келиб чиқиб, буни рад этди: «Биз бошқа кишилар ихтиросининг афзалликларидан фойдаланар эканмиз, уларга ҳам ўз кашфиётимиз билан хизмат қилиш имкониятидан хурсанд бўлишимиз керак. Буни бепул ҳамда беғараз амалга оширмоғимиз лозим...»

Сунъий иқлим ҳосил қилиш, ҳаво ҳарорати ва намлигини бир хилда сақлаш усули Франклиннинг машҳур печи орқали ҳозиргача замонавий кондиционерларда қўлланилмоқда. Гарчанд Франклин 105 та кашфиётга қўл урган бўлса-да, бирор марта ҳам патент олмаган!

Бундай ёндашув ғалати кўриниши мумкин, аммо Франклин бой-бадавлат бўлган навқирон йилларида, шундай деганди: «Мен фақат ўзинг учун ишлаганингда фақат ўзинг учун жавоб беришинг кераклигини жуда эрта англадим. Бошқалар учун ишлаганимда, улар ҳам мен учун ишлашди».

Клейтон Хансикер тамойилини бизнессда муаффақият билан қўллаганимдан сўнг, кўп ўтмай, буни шахсан текшириб кўриш имконияти пайдо бўлди. Виннефилдда бирлашган ибодатхона аъзолари янги черков ва Инжил мактаби очиш учун катта маърака ўтказдилар. Биз ўзимизнинг кичкина сувалган ибодатхонамизда ўсгандик. Ишчилар ҳар ҳафтада икки оқшом бу ерда йиғилишар, ишлари тўғрисида ахборот беришарди.

Бир куни кечқурун ишчилардан бири менга бадавлат одамнинг ҳузурига ҳомийлик ёрдами сўрашга боргани туфайли ноқулай аҳволда қолганини гапириб берди.

– Мен бутун умрим давомида савдо бўйича агент бўлиб ишладим, – деди у. – Кўплаб чўрткесар харидорларни учратганман, аммо ҳеч ким мени шунчалик қўпол ва сурбетлик билан ҳайдаб юбормаганди.

Қурилиш фондимиз раисининг таъкидлашича, у даставвал жаноб N.ни рўйхатга киритиш борасида иккиланган. Бу одам тахминан бир йил муқаддам черков қавмчилигидан чиққанди. Унинг яккаю ягона ўғлини сирли тарзда шафқатсизларча ўлдиришган. Йигитча бор-йўғи 32 ёшга тўлганди!

Отаси қолган умрини қотилни излаб топишга сарфлаши ҳақида қасамёд қилди. Вақт ўтар, аммо жиноят очилмас, у эса якка яшарди. Ўзини бутун дунёдан ажратган ҳолда, атрофдагилардан нафратланиб яшашда давом этарди.

Ҳамма, уни қурилиш ишига жалб этиш беҳуда, деган

фикрга келди. Бу одамдан фақат қавм аъзоси сифатида эмас, балки инсон сифатида ҳам қўл силтадилар.

Раис унинг аъзолик қоғозини йиртиб, ахлат челагига ташламоқчи эди, мен араллашиб қолдим:

– Шу қоғозни олсам бўладими? Менда битта ғоя бор.

– Албатта, бўлади, – кулди раис, у бутунлай ишончсизлик кайфиятида эди.

Эртаси куни оқшом, тахминан соат саккиз яримда мен катта, қизил бўёққа бўялган уйнинг кириш эшиги қўнғироғини босдим. Уй бутунлай зулматга чўккан, фақат биринчи қаватдан ягона ёруғлик таралиб турарди. Бир неча дақиқа кутиб турганимдан сўнг кетишга шайландим, аммо эшик оҳиста очилди. Менинг қаршимда жаноб N.нинг шахсан ўзи пайдо бўлди! Даҳлиз чироғидан таралаётган ёғду унинг юзини хира ёритиб турарди. Мен жаноб N.га синчиклаб қарадим, бундай ғамгин чеҳрани ҳеч қачон кўрмагандим.

– Сизга нима керак? – деб сўради у.

– Мен қўшнингиз бўламан, жаноб N. Ичкарига кириб, сиз билан бир неча дақиқа гаплашишга ижозат берасизми?

– Нима тўғрисида? – сўради у шубҳали тарзда. Товушида очиқдан-очиқ хуш кўрмаслик аломати сезилиб турарди.

– Ўғлингиз ҳақида, – дедим ва жим қолиб, унинг кўзига тик қарадим.

Бир дақиқа ҳам ўтмай, мезбон сўз қотди:

– Кириб.

Жаноб N. мени чироқ ёниб турган кичкина хонага бошлади. У мендан бир сония ҳам кўзини узмасди.

– Ўтириб, – таклиф қилди у.

– Жаноб N., – дедим осойишта оҳангда, – мен сизнинг оғир жудоликка учраганингиз ҳақида эшитдим. Ҳис-туйғуларингизни тушунаман, чунки менинг ҳам худди шундай ўғлим бор. Сизга самимий равишда ҳамдард бўлиб, ўғлингизнинг хотираси учун янги ибодатхонага чиройли, сурат солинадиган ойна учун хайр-эҳсон қилишни истарсиз балки, деб ўйладим.

– Бундай ойна қанча туради? – сўради у қизиқиш билан.

– Билмадим, – дедим мен. – Бу сизнинг қанча миқдордаги пулни эҳсон қилишингизга боғлиқ.

Мени унинг бахтсизлигини тилга олганим заҳоти таклифимга шунчалик тез муносабат билдиргани ҳайратга солди. Бир неча дақиқадан сўнг мен жаноб N. ҳузуридан беш минг долларлик чек билан чиқиб кетдим. У чекни берар экан, ҳис-туйғулари тўлиб-тошиб кетганидан гапира олмасди. Менинг ҳолатим ҳам шунга ўхшаш эди.

Эртаси куни кечқурун барча ишчилар мўъжазгина ибодатхонада тўпланишганида, мен раисимизга жаноб N.нинг карточкасини топширдим-у, шундай дедим:

– Энди уни қайтариб папкага солиб қўйсангиз бўлади.

Раисимиз карточкага қаради ва менинг хуснихатим билан: «Хайр-эҳсон миқдори – 5000 доллардан иборат» деган ёзувни кўрди. Ҳазиллашяпти, деб ўйлаб жилмайди-ю, сўради:

– Сиз ростдан ҳам у билан учрашдингизми?

– Мана жаноб N.нинг чеки, – жавоб бердим мен.

Раис ҳайратга тушиб, таррақдай қотиб қолди. У ҳар бир киши кўриб, бунга ишонч ҳосил қилиши учун чекни давра бўлиб узатди. Барчалари ҳайратда қолган ва бу қандай рўй берганини билишни хоҳлашарди.

– Очигини айтганда, – дедим мен, – жаноб N.нинг ҳузурига боришим фақат йирик миқдордаги эҳсонни ундириб келишдан иборат эмасди. Унинг ҳаётга нисбатан қизиқишини ошириш ҳам эди ниятим. Мен жаноб N.га жонли тарзда қалбига тегиб кетадиган бирор гап айтмоқчи эдим. Шу боис суюкли ўғлининг хотираси ҳақида ўрнатиладиган меъморий ёдгорлик тўғрисида сўз очдим.

Аслида мен Клейтон Хансикер фалсафасини татбиқ этдим: *«Одамга керак бўлган нарса ҳақида гапир, шу билан бирга унга қай тарзда эришишни ҳам кўрсатиб бер!»*

Жаноб N. ҳаётида нималар рўй берди? Ўғлининг хотираси учун чиройли меъморий ёдгорликка эҳсон қилган пули унинг қалбини заҳар-зақумга тўлдирган ваҳшиёна нафратдан халос этди. Сурат солиб қўйиладиган рангли ойна бу одамни ёлғизлик зулматидан дўстлар бағрига, сеvimли ишига қайтарди.

Қисқа хулосалар

Эсингизда бўлсин, Кристи Матьюсон шундай деган: «Тўпни нишонсиз отиш – милтиқдан ҳавога ўқ узишдай гап. Нишоннинг ўртасини мўлжалга олмасдан туриб, бирор-та ўқ отувчи мерган бўла олмайди!»

Кундалик ҳаётингизда қуйидагиларга амал қилинг: бошқа кишига нима кераклигини аниқланг, сўнгра унга эга бўлиши учун энг қулай усулни топишига кўмаклашинг...

«...Менинг чин юракдан қилган хайрли хизматларимни даргоҳингга қабул эт. Сенинг меҳрибонлигингга ягона жавобим доимий ғамхўрлигинг учун миннатдорчилик билдиришдир».

Б.Франклиннинг кундалик ибодатдаги якунловчи жумлалар.

Ўн еттинчи бўлим

У ДУНЁ ТАФАККУРИНИ ҚАНДАЙ ЎЗГАРТИРГАН ЭДИ?

Ўшанда мен атоқли профессор томонидан ёзилган эътирозни бартараф этиш санъатига доир китобни ўрганардим. Китобда эътирозга нисбатан бир турдаги жавоблар берилганди..Бу жавоблар шунчалик маҳорат билан тузилгандики, мени уни ўргана бошладим. Кимдир эътироз билдирган заҳоти дарҳол китобдан олинган жавоблар билан зарба қайтарардим. Китоб муаллифи ҳеч қачон ҳеч кимга ҳеч вақони сотиб кўрмаган. Унинг усули ёрдамида ўзимга ҳам нимадир сотишимнинг иложи бўлмади. Мен шунчаки тортишувга гирифтор бўлиб қолдим.

Бахтимга, китобни ўрганишни тўхтатдим-у, бундан йигирма уч аср муқаддам Грецияда яшаган инсон тўғрисида ўқий бошладим. Уни Суқрот дейишарди. Бу одам инсониятнинг бутун тарихи мобайнида кам киши муяссар бўлган ишни амалга оширди – дунёнинг тафаккур тарзини ўзгар-

тирди. У ўзгача устоз эди. Сукрот усулига хос жиҳат шогирдларга ҳақ ёки ноҳақликларини тўғридан-тўғри айтиш эмас, балки буни *саволлар бериш* орқали аниқлашдан иборат эди. Ўқувчилар кўпинча сўзлари тўғрилигини исботлай олишмас, чунки Сукротнинг саволларига жавоблари бир-бирини инкор этарди. Шу тарзда Сукрот ўйлаб айтилган саволлар туркуми ёрдамида инсонларга ҳақиқатни ўзи *топишига* кўмак берганди.

Агар Франклин ўз ҳаётига Сукрот усулининг таъсир қилганини ёзмаганида, менбу ҳақда ҳеч қачон билмаган бўлардим. Иззат-нафси баланд бўлган ёш тадбиркор сифатида Бен одамлар билан муносабатга киришувда жуда қийналган. Унинг иш қобилияти ғоятда зўр бўлиб, ҳар куни тонг отмасдан турар, иш вақтидан ташқари ҳам меҳнат қиларди. Аммо душман орттирарди! Бир куни насроний мазҳабидаги битта дўстидан одамлар Бенга дуч келмаслик учун кўчанинг нариги томонидан ўтаётгани ҳақида эшитганида қаттиқ ларзага тушди!

Сукрот усулини ўрганган Бен ақл-фаросатни ишга солиб, бошқаларни кескин рад этиш, тортишиш ва эътироз билдириш одатидан воз кечди.

– Мен ўзимни *тавозе билан сўровчи* киши ҳолатига солдим, – дейди у. – Кўп ўтмай, мазкур усулнинг кўплаб афзалликларга эга эканини пайқадим.

Бен (Франклин) жуда катта мамнуният билан саволлар услубини ишлаб чиқди. Мазкур саволлар муросага келтирадиган тарзда бўлишига ҳаракат қилди, токи уларга ўзи ҳам, суҳбатдоши ҳам бир хил жавоб берсин. Бен айтишича, даставвал у ўзининг туғма уришқоқлик хислати билан курашган. Чунки саволлар бериш йўсини ўзининг *ҳақлигига* ишончи ва эътирозга тоқат қила олмаслигини намоён этарди.

Бен англадики, кимнингдир нуқтаи назарига қўшилмаса ҳам, унинг қарашларини тушуниши ва ҳурмат қилишини кўрсатиш даркор. «Мен ноҳақлигим маълум бўлганида, кам ранжирдим, – деб ёзган эди у. – Ҳақ бўлган пайтларимда бошқаларнинг ўз хатоларидан воз кечиб, менинг фикримга қўшилишларига эришишим анча осон кечарди...»

Кейинчалик 1731 йил 10 июндаги «Ноширларни ҳимоя қилиш йўлида» номли мақоласида Бен ўз муносабатини аниқ-тиниқ ифодалади: одамларнинг фикри турлича ва айнан ношир уларни нашр этиши лозим. «Ноширлар – деб ёзганди у, – шундай руҳда тарбияланишганки, одамларнинг фикри бир-бирига мос келмаганда ҳам, ҳар иккала томон тенг ҳуқуқ асосида омма томонидан эшитилишига эришишлари лозим. *Қачонки ҳақиқат билан хато ҳалол ўйин олиб борса, доимо биринчиси енгади*».

Бен ҳақиқатни аниқлаш бўйича мутахассисга айланди. Кўп йиллар ўтгач, қарам мамлакат уни Англияга жўнатди. Катта солиқларни бекор қилиш юзасидан битим туза оладими, шу масалани кўришлари керак эди. У қуйи палата олдида ҳозир бўлди. Ўн кун давомида чаппа-роста саволларга жавоб берди. Бен ўзини тута билиш борасидаги хулқ-атвори ва парламент аъзоларига берган жавоблари билан Буюк Британия давлат арбоби ва парламент аъзоси Эдмунт Бэркни лол қолдирди. У Франклинни бир тўда мактаб ўқувчилари томонидан саволларга кўмиб ташланган магистрга тенглаштирган эди!

Шу фурсатдан эътиборан мен ушбу ғоят ажойиб санъатни ўзимда такомиллаштиришга қарор қилдим. Франклин охирига етказган мазкур ёндашув *суқротона* усул деб юритилади. Мен оила аъзоларим билан гаров боғладим. Яъни, кимдир мени савол шаклида бўлмаган мулоҳазаларимдан «ушлаб олса», унга ҳар сафар ўн цент тўлайман. Ҳафта охирида гаровдан бош тортдим. Жамғарма солинган идиш танга-чақалардан ёрилай дерди. Мен ундаги тангаларни силкитиб тушириб, трамвайда юришда фойдаланадиган бўлдим. Аммо бу ўйин оила аъзоларимга жуда ёқди ва ўзимга икки карра фойда берди: уйда ҳамма «гапиришдан аввал икки карра ўйлаб оларди».

Якшанба кунларидан бирида эрталаб ўғлим Лайл иккимиз ибодатхонадан уйга қайтаётгандик. Мен якшанбалик мактабда ўғил болалар синфига дарс берар, унга Лайл ҳам қатнардди. Ҳали муқаддас китобни яхши билмасдим, шу боис болаларга ўргата олмай, диққатини тортолмайман,

деб хавфсирардим. Аммо ўша якшанба куни омадим чо-
пиб, ҳаммаси ажойиб ўтгандай кўринди. Лайл мени мақтай-
ди, деб кутдим. У эса бир оғиз сўз айтса-чи! Ниҳоят мен
сўрадим:

– Лайл, бугунги дарсим тўғрисида ҳеч нима демайсан-
ми?

Лайл довдираб, гап тополмай қолди.

– Дада, мени кечиринг, – деди кейин. – Сизга қулоқ сол-
мадим, бошқа нарсани ўйлаб ўтиргандим.

Ҳайрон бўлиб қолдим, чунки у бутун дарс давомида
менга қараб ўтирганди. Шундан сўнг уларга саволлар
услугига мувофиқ сабоқ бера бошладим. Болаларнинг
қизиқиши ортди. Уларга дарс жуда ёққан эди. *Улар дарс
жараёнида иштирок этишарди!* Энг муҳими: болалардан
сўраш орқали уларнинг кўпроқ эслаб қолганларини англа-
дим.

Қайсидир куни эрталаб руҳоний мендан, беш дақиқалик
дарс умумлашмасини минбарда туриб шарҳлаб беролмай-
сизми, деб сўраб қолди. Бу дарсни уларга саволлар бериш
билан ўтказдим. Кексалар ҳам, ёшлар ҳам ғайрат ва шижо-
ат билан жавоб бериб, мени ниҳоятда ҳайратга солишди.
Бундан ортиқ «беш дақиқалик»ни, мазмунга бой дамларни
эслай олмайман. Руҳоний жуда мамнун бўлди ва мендан
ана шундай «беш дақиқалик»ларни яна бир неча якшан-
бада ўтказишни илтимос қилди. Мен саволларни ўртага
ташлардим холос, *тингловчиларнинг ўзлари гапиришар-
ди.*

Натижа қандай бўлди... мени мактаб директорлигига
сайлашди.

Айтгандай, қисқа, бир сўздан иборат савол иккинчи
жаҳон урушида ғалаба қозонишга ёрдам берган. Хаёлот-
дай кўринади, тўғрими? Бу қуйидагидек рўй берган.

Уруш пайтида АҚШ мудрофаа вазирлиги иссиқ ҳудуд-
ларда урушаётган йигитларимиз учун энг керакли пайтда
ишлатиладиган озиқ-овқат захираси (паёк) ишлаб чиқа-
радиган компанияни топишга ҳаракат қилди. Бундай паёк
етарли даражада зич ўралган бўлиб, чўнтакка сиғиши, шу-

нингдек, тегишли озуқага бойлиги билан бирга жазирама безгагидан ҳимоя қилиши лозим эди.

Таъминот хизмати бутун мамлакат бўйлаб компаниялар билан маслаҳатлашди. Аммо жавоб бир хил эди: бажариб бўлмайди!

Бу ғоядан қўл силтамоқчи бўлишганида, бирдан кимдир Пенсильвания штатидаги Хершида истиқомат қилувчи Мильтон Херши исмли «ёш йигит» билан учрашишни тавсия қилиб қолди. Херши ўшанда «бор-йўғи» саксон беш ёшда эди!

– Нега? – деб сўради жаноб Херши. – Нега буни бажариб бўлмаскан?

– Чунки иссиқ иқлим имкон бермайди, – жавоб беришди унга.

– Нега? – оёқ тираб олди Херши. Ва «нега?» деб токи барча муаммо ва сабабларни синчиклаб аниқламагунча такрорлаб сўрайверди.

Шундан сўнг у деди:

– Далилларни ўрганиш учун бироз вақт талаб этилади. Аммо муаммо аён бўлди. Энди орамиздан кимдир жавоб топиши керак.

Херши заводда тажриба ўтказишни бошлаб юбордилар ва... муваффақиятга эришилди! Уч сменада кечаю-кундуз тер тўкиб, ниҳоят кўп ўтмай, Тинч океанига 75000 шоколад бўлагини жўнатишди. Ҳар бир бўлақда 600 калорий ва В₁ витамини бўлиб, бу жазирамадаги касалликларнинг олдини олиш учун кифоя қиларди. Мазкур шоколад бўлақлари мўъжизалар яратди. Тезда янги ҳаддан зиёд кўп миқдордаги – шоколадли – махфий қуролни бутун дунёдаги йигитларга юбора бошладилар.

Бу ҳайратомуз воқеаи? Ҳа. Аммо менга ундан олдин рўй берган воқеа кучли таъсир қилганди.

Хершини омадсизлик устига омадсизлик исканжага олган, ўшанда у ҳали қирқ ёшга ҳам тўлмаганди. У қирқ ёшида ҳам ҳамон кўчама-кўча конфет солинган аравагани олиб чопгани-чопганди. Бир куни ғилдираги панд бериб, конфетлар сочилиб кетди. Ўткинчилар уларни териб олишди ва йўлларида давом этишди. Хершини умидсизлик қуршаб

олди. «Нега? – деб сўради у ўз-ўзидан. – Нега бошқаларга муваффақият келади-ю, менга йўламайди?»

У астойдил, сабр-тоқат билан фикр юритиб, битта ягона сабабни топди: *«Мен барча далилларни пухта аниқламай туриб, олдинга кетган эканман».*

Ўша кундан токи ўзининг ўлимига қадар – қирқ саккиз йил ўтгандан кейин – Милтон Херши умри мобайнида «нега?» ва «нега бўлмас экан?» деган саволларга таянди. Ўзининг айтишича, айнан шу унга кўп миллионли бойлик ишлаб топишига ёрдам берган.

«Нега?» ёки «нега бўлмас экан?» деб сўрар экан, у лақма нуфузига эга бўларди. Ваҳоланки, Суқрот фалсафасининг бутун моҳияти ҳам айнан ана шу оддий, қисқа «нега?» деган саволга қурилган!

Ўн саккизинчи бўлим **ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ АЛИГЕБРАИК УСУЛИ**

Мен Бен Франклиндан яна бир бебаҳо ғояни билиб олганман. У бутун ҳаётим давомида менга ёрдам берган, айниқса оғир муаммолар ечимида қўл келган.

Мана Франклиннинг ёзганлари:

Юзага келадиган муаммолар бўйича қарор қабул қилишдаги қийинчилик шундаки, фикран бирданига «ҳа» ёки «йўқ» деб тасаввур қилиш мумкин эмас. Аввал биринчи ниманидир, кейин бошқа нарсани кўз олдимизга келтирамиз, аммо бунда биринчиси эсдан чиқади. Яъни ўйлаш жараёнида ечим навбати билан турли мақсад ва афзалликларни устун кўрадики, бу бизни иккиланишга олиб келади...

Мен буни бартараф этиш учун қоғоз варағини икки устунга бўламан: «Ҳа» ва «Йўқ». Уч-тўрт кунлик фикр-мулоҳаза юритишдан сўнг бу устунларга турли вақтларда калламга келган «ҳа» ёки «йўқ» борасидаги тахминий ечимларни ёзиб қўяман.

Барчаси шу тарзда олдимдаги қоғозда намоён бўлгач, мен уларнинг аҳамиятини аниқлашга ҳаракат қиламан. Қаерда бир хил мазмундаги икки далил бўлса (ҳар бир устунда биттадан), иккаласини ҳам ўчираман. Агар битта «ҳа» иккита «йўқ»қа тенг бўлса, учаласини ҳам ўчириб ташлайман. Қандайдир иккита сабаб «йўқ»қа, қандайдир учта «ҳа»га мос келадиган бўлса, барчаси, яъни бештасини ҳам бутунлай ўчириб ташлайман. Шу тариқа ниҳоят мувозанатга эга бўламан. Агар бир-икки кунлик мулоҳазадан сўнг бирорта устунда ҳам янги ёки муҳим нарса аён бўлмаса, қарор қабул қиламан. Гарчи далил-исботларни математик аниқлик билан ўлчаш мумкин бўлмаса-да, барибир, ҳар бир асос шу тарзда (ҳар бирини алоҳида ва бир-бирига таққослаш билан) кўриб чиқилса, назаримда, тўғри қарор қабул қилишим осон кўчади. Ана шунда ўйламай бирор ишга қўл урмайман. Катта афзалликларга эга бундай турдаги бараварлаштиришни ақлли алгебра деб аташ мумкин...

Қадрли дўстим, сизнинг энг яхши қарорга келишингизни самимият билан истаб қоламан. Сизларни чин қалбдан севиб қолувчи **Б.Франклин**

Менинг савдо агентлигидаги амалиётимда мижозларимнинг тез-тез такрорланиб турадиган жавобларидан бири шундай бўларди:

– Мен олиш ёки олмаслигим ҳақида ҳали бир қарорга келганим йўқ.

– Менинг ишим айнан бирор қарор қабул қилишингизга ёрдам беришдан иборат, – дейман мен. Сўнг қоғознинг ўртасидан тик чизиқ чизаман. Кейин «нима учун?» саволи ёрдамида бир устунда, «нима учун йўқ?» деб эса бошқасида алгебраик усул билан таҳлил ўтказаман! У одамларнинг ўз фикрларини бир тизимга келтиришларига ёрдам беради.

Улар аслида нимани исташини, одатда, жавоблари кўрсатиб туради. Бу ўзларига ёқади, ахир ҳаммасини ўзлари ҳал қилишади!

Қисқа хулосалар

Сукротга тақлид қилинг. Одамлар нима исташини аниқлашнинг энг самарали усули – бирор фикрга қатъий ишонтириш эмас, балки саволлар беришдир. *Ҳамла қилманг, саволлар беринг.*

Сиз бошқаларнинг нуқтаи назарини ҳурмат қилишингизни намоён этинг.

«Қачонки ҳақиқат билан хато ҳалол ўйин олиб борса, доимо биринчиси енгади».

Б.Франклин

Ҳар қандай жабҳада синчковлик билан муносабатга киришинг, талаб қилиш ҳамда далилларни ўйлаб кўриш одатини ривожлантиришга урининг.

Агар сизда жуда аҳамиятли қарорни қабул қилиш зарурати туғилса, алжабр усулини синаб кўринг:

Нега?

Нима учун йўқ?

Ўн тўққизинчи бўлим

МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИШ УЧУН

«ФАВВОРАНИ ЎЧИРИБ ҚЎЙ»

«General Electric» компаниясининг электр даҳоси марҳум Чарлз Стайнмец шундай деганди: «Агар саволлар бериб турсанг, ҳеч қачон аҳмоқ бўлиб қолмайсан».

Аммо мен айнан саволлар бера бошлаганимдан сўнг «аҳмоқ бўлиб қолдим». Нима учун? Чунки *тинглашни* бутунлай бас қилгандим!

Даставвал мен гапиришдан кўрқардим, аммо нотиклик санъати курсидан сўнг, «тўрт дақиқали чиқиш»дан кейин бу ишни ниҳоятда *яхши кўришимни* пайқаб қолдим. Аспини олганда, мен шу қадар сўз устасига айландимки, *эшитиш* кераклигини бутунлай унутадиган даражага етдим!

Бир куни яқин дўстларимдан бири мени четга тортиб, ана шу мутлақо кечириб бўлмас хатоларимни одоб билан айтди. Бир машҳур маҳмадона одам мендан ҳам баттар экан, у ҳақда гапирар экан, шундай деди:

– Мен ундан беш мавзе нари четлаб юраман, шунда ҳам барибир вақтни тежайман!

Бир неча кундан сўнг кўпдан бери кўрмаган бошқа танишимни учратиб қолдим. У жуда хушмуомала эди, аммо мендан ўзини четга тортарди. Бу танишимга яқин борсам, у қочишга тайёрдай кўринди кўзимга. Кейинроқ охириги суҳбатда гап-сўз билан бутунлай кўмиб ташлаганимни эслаб қолдим.

Бен Франклин қулоқ солишнинг аҳамияти жуда катта эканлигини таъкидлаб, шундай деб ёзганди: «Мен билимга чанқоқлигим боис суҳбатларда тилга нисбатан қулоқ воситасида уни эгаллаш тезлашишини ҳисобга олгандим. Шунинг учун кўп гапиришдек ёқимсиз одатдан халос бўлиш мақсадида (бунга ўрганиб қолдим ва мени фақат бекорчи улфатларим тоқат қилиб эшитишарди) *сукут сақлаб тинглашни иккинчи ўринга қўйдим*».

Йиллар ўтгач, Франклин «буюк дипломат» номи билан машҳур бўлди.

«Суҳбатнинг жозибаси сизнинг гапга чечанлик билан кўзга ташланишингизга эмас, балки бошқаларни гапиртиришингизга боғлиқ, – деб ёзган эди у. – Кимки даврангизни ўзининг ўткир ақл-заковати ва ҳозиржавоблигидан хурсанд бўлиб тарк этган бўлса, кўп ўтмай яна келиб қўшилади. Аксарият кишилар бошқаларни қойил қолдириш ўрнига уларни хурсанд қилишни афзал кўрадилар. Турган гапки, ҳеч ким панд-насиҳат ва масхаралашга тоқат қила олмайди. Шундай қилиб, энг севимли ҳузур-ҳаловат – бошқаларга ёқимлилиқ бағишлашдир».

«Юзма-юз» номли телевизион интервьюси билан машҳур бўлган Эд Марроудан қандай қилиб одамлардан қизиқарли ҳикояларни «суғуриб олиш»ишини сўрашганида, шундай деб жавоб берган:

– Мен шунчаки суҳбатни тегишли ўзанга буриб юбораман. Керакли, энг муҳим нуқтада савол бераман. Сўнг ку-

лоқ соламан. «Ўлик эфир»дан қочиш истагини у ёки бу ҳолатда суҳбат мавзусининг ўзи айтиб беради. Баъзан киши энг қизиқарли воқеаларни бироз тўхтаб олиб, *агар сиз уни бузмасангиз*, ҳикоя қила бошлайди.

Менинг кутқариш чамбарагимга айланган уч банддан иборат мўъжаз қоида билан танишинг:

1. Суҳбатдошингизни нима қизиқтиришини билиб олинг.

2. У бажонидил хурсанд бўлиб жавоб берадиган саволлар ташланг. Суҳбатни устомонлик билан керакли ўзанга буринг.

3. Кейин *эшитинг!* Бошқа ҳеч нарса инсонга бу қадар хуш келмайди.

Бир неча йил муқаддам мен суҳбатда тинглаш маҳорати тўғрисида мақола ёзгандим. У «Муваффақиятли тижоратда унутилган санъат» деб номланган эди. Уни бир қанча газеталар чоп этганди. Ўрта Ғарбда улардан бири мақолани бироз бошқача номлабди: «Муваффақиятга эришиш учун «фавворани ўчириб қўй». Бу сарлавҳа менга жуда ёқди, шу боис мазкур бўлимни номлашда ундан фойдаландим.

Бир пайтлар ёзда Дейл Карнеги билан Мэнда балиқ овида бўлдик. Ёмғирли кунлардан бирида суҳбатдан бошқа юмуш бўлмагани боис, Карнегидан раҳбарлар тайёрлаш ва нотиклик санъатини ўргатишига нима сабаб бўлганини сўрадим. Мен бу ҳақда билсам-да, аммо ҳеч қачон бошдан-оёқ ҳикоя қилинганини эшитмагандим. Боз устига Дейлнинг ўзи учун ҳам такрорлаши жуда мароқли бўлади, деб ўйладим. Бу ҳақиқатан кишини жалб этадиган воқеа эди...

Дейл сўзини тугатгач, унга саволлар бера бошладим: «Сизнинг яқин ўн йилликда қандай режаларингиз бор?» ва ҳоказо қабилида. Ниҳоят гидимиз бизни тушки овқатга чақирди. Дейл ҳайрон бўлиб соатига қаради ва шундай деди:

– Тасаввур қиялпсизми, Фрэнк, сиз мени *уч соатдан* бери тинглаб ўтирибсиз.

Икки йил ўтгач Дейл менга Мемфисдан кўнғироқ қилди ва ҳузурига бориб, маъруза гуруҳига қўшилишимни сўради. У шундай деди:

– Фрэнк, аминманки, ҳаммаси рисоладагидек бўлади ва

сизга ёқади... Қолаверса, сиз билан суҳбатлашиш менга ҳузур бағишлайди.

Шундай қилиб, маърузаларнинг икки йиллик давраси бошланди, бу ҳақда кейинчалик бафуржа гапириб бераман. Агар ушбу маърузалар давраси ташкил этилмаганда, кўлингиздаги ва, умуман, қолган барча китобларимни ҳеч қачон ёзмаган бўлардим. Яхшилаб ўзлаштириб олишга уринганим – ўша уч банддан иборат мўъжаз қоида бўлмаганида, Дейл билан йўлларимиз ҳеч қачон кесишмасди.

Доктор Норман Винсент Пил яқинда шундай деб ёзган: «Кўпчилик, илтижоларим етиб бормаяпти, унутиляпти деб шикоят қилади. Аммо *гапириш маҳоратидан* кўра, рисоладагидай *тинглаш малакаси* асло ибодатдан қолишмаслигини унутишади».

Исо Масих қавмга йўлбошчилик қилган уч йиллик вақтининг катта қисмини бошқаларнинг қайғу-ҳасратини *тинглашга* сарфлаганди. Унинг ўзи хотиржамлик, тасалли ҳамда панд-насиҳатга муҳтожлик сезса, кўпинча одамлардан узоқ вақт четлашар ва Аллоҳни *эшитишга* шайланарди!

Қисқа хулосалар

Суҳбатдошингизнинг айтганлари сизни чин юракдан қизиқтирганини намоён этинг. Унга бутун диққат-эътиборингизни астойдил бағишланг ва миннатдорчилик изҳор қилинг. Чунки суҳбатдошингиз шунга чанқоқ, зеро ундан жуда кам барҳаманд бўлади. *Уни мамнуният ила тингланг!*

Агар яхши суҳбатдош сифатида донг таратишни истасангиз, ёдда тутинг: «Суҳбатнинг жозибаси сизнинг гапга чечанлик билан кўзга ташланишингизга эмас, балки бошқаларни гапиртиришингизга боғлиқ» (Б.Франклин).

Уч банддан иборат мўъжизавий қоида

1. Суҳбатдошингизни нима қизиқтиришини билиб олинг.
2. У бажонидил хурсанд бўлиб жавоб берадиган саволлар ташланг. Суҳбатни устомонлик билан керакли ўзанга буринг.
3. Кейин *эшитинг!*

Ҳар ҳафталик муножот

Ё Раббим, мени ҳаётимдаги беҳаловатлик, тўполонлардан баланд тут, токи Сен билан бўладиган муносабатдан куч олай. Менга руҳий ҳаловат бер, қалбимга ором бағишла, токи панд-насиҳатингни эмин-эркин қалбимга жойлай. Мени худди яхши гапиртирганинг каби тинглашга ҳам ўргат, токи товушингни сўзсиз эшита олай... Омин.

Альфред Грант Уолтон,
Нью-Йоркдаги Бруклин шаҳри Флэтбуш-Томпкинс ибодатхонаси қавми руҳонийси.

Йигирманчи бўлим ҚАТЪИЯТ

Тарих шоҳидлик беришича, янги йил арафасида зиммага мажбуриятлар қабул қилиш қадимий анъанадир. Бироқ, умумхалқ сўровларига кўра, дастлабки бир неча кун ёки ҳафтадан сўнг бизнинг орамиздан ўз мажбуриятларини бажарадиган киши топилмайди.

Нега? Чунки нотўғри иш тутишган. Агар биз дунёнинг улуғ олимларидан бири кашф этган оддий усулга риоя этсак, мажбуриятлар «муроса либоси»дан қувонч манбаига айланади.

Ўз устидан ғалаба қозониш – улкан машаққатлардан биридир. Ёш Франклин билан ҳам айнан шундай бўлганди. Йиллар ўтиб у олимга айланди ва 105 та ихтирога қўл урди. Аммо 1956 йилдаги оламшумул воқеа – Франклин таваллудига 250 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган тантанадаги кишини ҳайратда қолдирадиган фикрларга кўра, барча ихтиролари жамланганида ҳам унинг *ўн уч ҳафталик услуби* уларга нисбатан анча фойдали экан!

Франклин саксон ёшида ҳам мустаҳкам соғлиққа эга бўлган. У *ўзи эришган барча муваффақиятларини* шу услубга риоя этганлигида деб ҳисоблади. «Гарчи менинг режам диндорликдан бутунлай холис бўлмаса-да, унда қандай-

дир аниқ мазҳабга хос бўлган тўрнинг сояси ҳам йўқ эди, – деб ёзади Франклин. – Мен атайин бундан ўзимни олиб қочдим. Аксинча, усулимнинг келажақда фойда келтириши ва барча диндаги одамларга хизмат қилишига тўлиқ ишониб, ундан ҳар қандай мазҳаб намояндасида янглиш фикрлар туғдириши мумкин бўлган барча омилларни чиқариб ташладим... Вақти келиб уни ҳаммага ошкор қилишни мўлжаллар эканман, яхши фазилат эгалари тўғрисида асар ёзишга жазм этдим. Унда мазкур усулни ўзлаштиришдаги афзалликлар ҳамда уни билмасликнинг зарарларини кўрсатиб беришга қарор қилдим. Китобимни «Яхшилик санъати» деб номлаган бўлардим, чунки унда яхши хислатлар эгаси бўлишнинг оддий даъватлари, яхши фазилатларни эгаллашнинг усуллари баён этилганди...

Ахлоқсиз ишлар ман қилингани боис ёмон эмас, тақиқлангани сабабларидан бири бўлмиш инсон табиатига эътибор қаратсак уларнинг қанчалик ҳалокатли эканлигини англаймиз. Шундай экан, ҳар бир кишининг яхши фазилатлар эгасига айланиши унинг ўзига боғлиқ. Бу, ҳатто шу дунёда бахтли бўлиш истагидан келиб чиқади...»

Франклин қуйидаги гапни ҳам қайд этганди: «...камолотга интилган ҳар қандай киши бу интилишини ошкор қилса, ўзини кулгига қолдиради...»

Беннинг назарида, агар Худованди карим камолга етишишимизни истаса, У бизни айнан шу тарзда яратар ёхуд камолот чўққисига чиқиш имкониятини берган бўларди... «Шундай қилиб, мурувватли киши дўстлари тинчланиши учун ҳам, ўзида бир нечта камчиликни қолдирмоғи керак».

«Ҳақиқатда *тартиб* масаласида менинг тузалмас киши эканлигим намоён бўлди, – деб ёзганди Бен Франклин. – Бу тамойилни бажариш учун тиришиш кўп азоб берди. Камчиликларим мени ҳаддан зиёд ғазаблантириб, барча саъй-ҳаракатларимдан воз кечиш ҳамда камолга етмаган феълим билан кифояланишга тайёр эдим. Бу темирчи қўшним билан рўй берган ҳодисага ўхшарди. Бир киши ундан сотиб оладиган болтанинг сирти худди устарадек

ярқироқ бўлишини истади. Темирчи болтани ярқирагунча сайқаллаб беришга рози бўлди, фақат харидор ғалтакни айлантириши керак эди. Темирчи болта сиртини чархга тобора тақар, бу эса харидорнинг ғалтак айлантиришини жуда оғирлаштирарди. Харидор дам-бадам ғалтақдан четлашиб, ишнинг қай тарзда силжишини кўриб ҳам турарди. Ниҳоят сайқаллаштиришдан бош тортди ва болтаси қандай бўлса, шу тариқа кўлига олди.

– Давом этамиз, – деди темирчи, – у ҳадемай ярқираб қолади. Кўряпсанми, ярқироқ доғлар пайдо бўлди.

– Йўқ, бас, етади, – жавоб берди харидор, – менга доғ-дуғли болта кўпроқ ёқади».

Шундай қилиб, ёш Франклин ўзининг ўн уч ҳафталик режаси асосида иш тутар экан, ҳар ҳафтада бирорта яхши хислатга алоҳида эътибор берарди. Бу оддий режа Бен учун ҳақиқий мўъжизага айланди. У шундай деб ёзганди: «Сабзавоткор боғини ўтаб, бегона ўтлардан бутунлай халос бўлишга унчалик уринмайди, зеро бу куч-қуввати ва имкониятларини хароб қилади. Бунинг ўрнига даставвал бир жўякни ўтоқ қилади, уни ўтаб бўлгандан сўнг бошқасига ўтади. Худди шунга ўхшаш мен ҳам муваффақиятларим рўйхатини аста-секин қўлга киритганимга қараб мамнуният билан тўлдириб бордим...»

Йигирма биринчи бўлим

«УЛАРДАН ЖОМАДОНИМ ЛИҚ ТЎЛГАН!»

Яқинда мен поездда Жонстаун яқинидан ўтдим. Вагон деразасидан ташқарига назар ташлаганимда, мени ғалати ҳаяжон қамраб олди. Биз оҳиста, соатига тахминан ўн миль юраётгандик. Шунда ярим аср муқаддам ўзим ўйнаган «Пойнт-стадион»га кўзим тушди. У ўша ерда, Стоуни-Крик Кичик Конемага қуйилиб, серсув Конема дарёсига айланадиган жойда эди.

Хотиралар бирин-кетин ёпирилиб кела бошлади. Улар шунчалик ёрқин эдики, худди ўтган ҳафтада рўй бергандай

эди. Менга жамоа ўйинчиларининг юзлари кўрингандек, овозлари, айтган аниқ-тиниқ гапларигача эшитилгандай бўлди. Мана «пакана» Баделъ, соддадил букри ва бейсболчилар орасида энг ақлни шоширадиган, мен ўйинда кўрган туғма тўп урувчи. Унинг ёнида эса Той Кобб, ўйинчилар айтишича, базаларнинг энг ажойиб «истилочиси». «Пакана» сил касалидан вафот этмаганида майдон ташқарисида ўйновчи буюк ўйинчи бўлиши мумкин эди...

Ажойиб тўп ташловчи кетчеримиз Куперманни эсладим. «Куп» Жонстаун тошқинини бошидан ўтказган... «Чаппи» Чапелл улкан, чиройли сарғиш сочли тўп узатувчи, у ҳаёт қувончларини ниҳоят яхши кўрар, иккинчи Кристи Матьюсон бўлиши ҳам мумкин эди. Менга «Чаппи»нинг ўзи узатган тўпдан сўнг ғалаба қўлга киргач, душ остида бор овозда «Уни ушла! Уни ушла!» – деб қичқирганлари эшитилди. Барибир унинг нимани назарда тутганини билполмадим.

Шундан сўнг менежеримиз Берт Коннинг: «Фрэнк, сени ишдан бўшатдим, чунки *ялқовсан!*» деган овозини эшитдим. Унинг товуши баланд ва аниқ жаранглади. Менга, ордан ярим аср ўтгач, Берт шу ерда, тўғридан-тўғри мана шу вагонда бирга кетаётгандай туюларди.

Мен учун яна бир унутилмас киши хотирамда гавдаланди. Унинг номи Денни Вулф эди. Мен Денни билан илгари мутлақо учрашмаганман. Уни «Филли» жамоасида тўп узатганида кўрганим эсимда. Ўшанда Денни бошдан-оёқ кўркем бўлиб, бейсболда энг ажойиб тўп урувчилардан бири ҳисобланарди. Мен узоқ вақт «Филли» жамоаси нега уни бўшатиб юборганини тушуна олмадим. Жавобни Жонстаунда билиб олдим: Денни ароқхўр эди.

Бир куни уни тўп узатишга қўйишди. Ўйинчилар орасида бу Деннининг сўнгги имконияти, деган овоза тарқалиб қолди. Биз бор кучимиз билан ҳаракат қилар, чунки Денни яхши кўрардик, шунинг учун унга ёрдам бермоқчи эдик. Аммо Деннининг тўп улоқтиришлари ёмон эди. Шунга қарамай, менежер уни ўйинда қолдирди, мағлубиятни тўласинча Деннининг бўйнига юклаш учун. Саккизинчи иннингда, ҳисоб 1:2 бўлганида, Денни тўп узатишга киришди. Шундай

хоумран²⁴ узатдики, натижада тўп чап томондаги тўсиқнинг ортига ўтиб ғойиб бўлди.

Томошабинлар боадаблик юзасидан нари-бери чапак чалгандай бўлишди. Бизнинг ўриндиққа яқинлашган Денни ўзининг орқа чўнтагидан бир варақ қоғоз чиқарди-да, уни менежернинг олдига ташлаб деди:

– Ма, ўзингга олиб қўй. Улардан жомадоним лиқ тўлган!

Варақ Деннини бўшатиш тўғрисидаги буйруқ бўлиб, кейинчалик билишимча, унга хоумранни узатиши олдидан беришган экан.

Орадан икки кун ўтгач, кимдир мендан сўраб қолди:

– Фрэнк, сен Филадельфиядансан-а?

Мен бош ирғадим.

– Тонида ҳамшаҳринг ҳаддан зиёд шўхлик қилиб юборди. Бориб унга ёрдам берсанг яхши бўларди...

«Тони» деганлари спиртли ичимликлар сотиладиган анча исқирт муассаса бўлиб, эгасининг номи билан номланар экан. Мен у ердан ўлгудай маст Денни Вулфни топдим, чўнтагида бир цент ҳам чақаси йўқ эди. Ҳисоб-китоб қилиб ишдан кетган бор пулини ичиб тугатганди. Муассаса раҳбари Деннини чиқариб юборишга ҳаракат қилиб кўрди, ammo Денни ғирт маст бўлса-да, унинг кучи етмасди.

Мен Деннини елкасидан тутиб турғаздим. Сўнг бурчакдаги стол устида турган жомадонини олиб, шундай дедим:

– Денни, бўла қол, кетдик.

У ўгирилиб қарар экан, мени ҳайрон қолдириб таниди.

– Уйга кетамиз, Денни, – хотиржам алфозда такрорладим мен.

«Пенси» вокзали бор-йўғи бир даҳа нарида эди. Денни ўзи юра оларди. Биз вокзалга яқинлашганимизда, у тўсатдан тўхтади ва:

– Менинг бир чақам ҳам йўқ, – деди.

Унга уйга етиб олишига яраша пул бердим ва тайинладим:

²⁴ Хоумран – узатилган копток ўйин майдонидан чиқиб кетган вазият. Хоумран тўпни узатувчи ва базадан югуриб чиққан барча ўйинчиларга бирдек очко келтиради.

– Бир гап, Денни, поездда бирор нарса еб олгин. Аҳволинг анча яхши бўлади.

Денни йиглаб юборди. Бу маст кишининг ноласи бўлса-да, аммо унинг самимий миннатдорчилик билдирганини кўрдим.

Орадан уч кун ўтгач, кимдир айтиб қолди:

– Сен Денни Вулф уйга жўнаб кетди, демаганмидинг?

– Кетганди, – жавоб бердим мен. – Унинг поездга ўтириб, Филадельфияга йўл олганини шахсан кўргандим.

– Шунақами? У яна Тонида, аввалгидай маст бўлиб юрибди. Тони айтдики, агар кимдир тезроқ олиб кетмаса, унинг бошини қайириб, бўйнини синдириб ташлармиш.

Мен бу сафар поездга ўзим патта олдим. Уни поездгача олиб бориб, қўлига бир доллар бердим. Паттани вагон назоратчисига узатдим, у Деннига ўзи қарашига ваъда берди. Мен ҳамшаҳримни энди бу аҳволда бошқа кўрмайман, деб умид қилдим.

Орадан бир йил ўтди. Якшанба тонгида Хейлзтонда поезддан тушдим. Ўшанда Атлантика лигасидаги «Хейлзтон» учун ййнардим. Касодга учраган Колониал лига 4 июлда ёпилди, мен эса бирор иш топишдан умидвор эдим. Ўша саҳар шаҳарча музлаб қолгандай эди. Кўча-кўйда бирор тирик жон кўринмас, штатдан ташқари бейсболчиларнинг қовоғи солиқ гуруҳи сафар жомадонларини кўтарганча судралиб боришарди.

Тўсатдан йўлнинг нариги томонидаги бурчақда кимдир кўрингандай бўлди. Унинг гира-шира юзига синчиклаб қарай бошладим. Бирдан бу одам мени таъқиб этаётганини сезиб қолдим, ҳар ҳолда менга шундай туюлди.

Биз бош кўчага етганимизда, ниҳоят унга яхшилаб қараш имкониятига эга бўлдим. Ортимдан эргашган нотаниш киши қизил ғиштин деворга суяниб, қимирламай турарди. Унинг юзи дайдиларникидай, қоп-қора қурумдан қорайиб кетганди. Эски «Вэлли» меҳмонхонасига келганимизда, мен яна орқамга қайрилиб қарадим. Дайди менга қўлини силкитди, уни танидим. Бу одам Денни Вулф эди!

Мен Денни билан худди солиқ назоратчиси билан уч-рашгандек кўришишни истагандим. Аммо буни танлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди, шунинг учун унга кутиб туришни ишора қилдим.

Жомадонни хонада қолдириб, пастга тушдим-у, Деннига яқин бордим. У бутунлай ҳушёр эди. Денни олти ҳафтадан бери ичмаганини айтиб мени ишонтирди ва «бу оғу билан бутунлай алоқасини узган»лигини айтди.

Деннига ишондим. У кўзимга шу қадар бадбахт, бечорадай кўриндики, мени чин дилдан раҳмдиллик қуршаб олди.

– Бу шаҳарда нима қилиб юрибсан? – сўрадим мен.

– Газетада сенинг «Хейлзтон»да ўйнашингни ўқиб қолдим. Сўнг бу ёққа қараб йўл олдим.

– Денни, сен бундан уч йил муқаддам бейсболдаги энг истиқболли ўйинчи эдинг. Ҳозир нечага кирдинг?

– Йигирма олтига.

– Сен ҳали ёшсан, – дедим гўё ундан ёшим анча катта кишидай (ўшанда бор-йўғи ўн тўққизда эдим). – Бизга битта тўп ташловчи керак. Агар сен ҳақиқатан ичкиликбозликни ташламоқчи бўлсанг, ундан қутулишингга ёрдам бераман. Балки бу сен учун энг охирги имкониятингдир.

– Бугун тўп оширолмасам керак, – очигини айтди Денни, – аммо менга бир ҳафта вақт берсанг, бу лигада энг яхши ўйинчи эканлигимни сенга кўрсатаман!

Мен уни орқа эшиқдан меҳмонхонага, яширин зинапоя орқали хонамга олиб кирдим. Хонадошим Жек Лапп сумкасини очиб, лаш-лушларини кавлаштираётганди. Қандайдир дайдини олиб кирганимни кўриб, ҳайратдан оғзи очиб қолди. Мен шивирлаб, унга вазиятни тезгина тушунтирдим.

– ...Ва орадан ўн кун ўтгач, Денни сенга ўзининг энг яхши тўп отувчи эканлигини кўрсатади. Бир ойдан сўнг, Денни икковингиз олий лигани забт этасизлар, энг шов-шувли жуфтлик бўлиб, донг таратасизлар! – деб гапимни тугатдим мен.

Бу айтганларимнинг фақат ярми амалга ошди.

Олий лига тўғрисидаги фикрлар Жекка маъқул келди. Энг аввало, биз Деннини ваннада яхшилаб ювинтирдик.

Шундан сўнг у икки ҳафтадан бери диккайиб кетган соқолини олди. Кийим-кечакларимизни у билан баҳам кўрдик. Бунинг натижасида Денни кўз олдимизда қора кўзли кўркам йигитга айланди. Учаламиз ошхонага тушдик. Денни худди қишки уйқудан уйғонган айиқ каби оч эди.

Орадан икки кун ўтгач, Денни бошқа одамга айланди. Биз уни ўйингоҳга олиб келдик ва менежер Жим Брейдига таништирдик. Денни Жимга ичкиликни бутунлай ташлаганини айтди. У ишонди ва Деннига «Хейлзтон» либосини берди.

Денни Вулф одамлар лиқ тўла асосий томошагоҳ томонидан юриб, оёқ-қўл чигилини ёзаётган куни «бейсбол бўйича кўргазмали қурол»га ўхшарди. У ажойиб қўл силташ ва копток ташлашларни намойиш этарди. Назаримда, Денни бироз ошириб юборди, бироқ машғулотини тугатгач, ишқибозлар кўтаринки руҳда уни олқишладилар. Брейди Деннини ўша куниеқ жамоага қабул қилди.

Биз сабрсизлик билан унинг ўйинга тушишини кутардик. Ҳар куни машғулотдан сўнг Брейди ундан сўрарди:

– Ҳўш, Денни, тайёрмисан?

– Йўқ ҳали, – жавоб берарди у, – менга яна икки кун вақт бергин.

Икки ҳафталик машғулотдан сўнг Уилксбарр шаҳрида ўтказиладиган ўйин олдидан Брейди шундай деди:

– Денни, сен бугун ўйнашинг керак. Агар ҳозир тайёр эмас экансан, ҳеч қачон тайёр бўла олмайсан.

Иттифоқ лигасидаги фаолияти тўхтаган «Балтимор» менежери, тўлиқ ставкада ишловчи Конни Макнинг биринчи скаути ва «Нью-Хейвен»нинг биринчи база собиқ юлдузи Сэм Кеннеди «умидли тўп узатувчи»ни ахтараётганди. Мен Сэмга Вулф-Лапп жуфтлигини кўриб чиқишни маслаҳат бердим. Ўша оқшом ўйиндан сўнг Сэм Кеннеди ўзининг «биринчи топгани» Жек Лапп билан Конни Макнинг «Атлетикс» жамоаси учун шартнома имзолади. Жек Филадельфияга кўчиб ўтди ва тезда Америка лигаси юлдузига айланди.

Денни Вулф билан нима воқеа рўй берди? Ўша куни у аянчли аҳволга тушганини билдирди, холос. «Уилксбарр»-

нинг барча ўйинчилари тагчарми тишли оёқ кийимлари билан ерга қапишиб, зарб билан тўп отишарди. Мен умрим бино бўлиб бундай кучли зарбаларни кўрмагандим. Биз, ҳатто тўп билан инфилдер (ички майдондаги ўйинчи)лардан бирортасини ўлдириб қўйиши мумкин, деб жуда кўрқдик.

Ўша оқшом тўртовимиз меҳмонхона ошхонасида индамай овқатландик. Денни ҳам бу тўртовлоннинг орасида эди. Ҳатто туғма комик Хобокен²⁵ аҳолисининг тақлид қилиб бўлмайдиган лаҳжасида гапирувчи Фредди Уэрлу ҳам лом-мим демасди – бу Фред учун ноёб ҳодиса эди. Мен унинг луқма чайнаётганида юзи азобдан ўзгариб кетганини кўриб, сўрадим:

– Нима гап, Фредди?

– Тилим оғрияпти, – деб ингради у.

– Яра чиққанми?

– Ҳа, қуёшда куйиб қолган, – жавоб берди Фредди.

– Қуёшда куйган?! – ҳайрон бўлиб хитоб қилдим мен.

– Бўлмасам-чи, бутун мусобақа давомида тилимни осилтириб, бу зарбаларни ташқи майдондан қайтаришга уриндим-да.

Денни чидаб тура олмади:

– Агар сен ўнг томонда ўйнаганингда, тўпларнинг ҳаммаси тўғридан-тўғри чўнтагингга учиб кириб кетарди!

Келгуси қиш кунларидан бирида қаттиқ бўрон чоғи кечки пайтда ўртоқларимиз билан бейсбол мусобақасидан қайтаётгандик. Йўлимиз Филадельфиядаги Риж-авеню кўчасининг мушти йўғон Билли майхонаси ёнидан ўтарди. Билли уч юз фунт вазнга эга бўлиб, ўз даргоҳидан бошқа майхоналарга нисбатан энг кўп ароқхўрларни ҳайдаб чиқаргани билан танилганди.

Бирдан қичқириқларни, сўнг «бах!» этиб, майхонанинг айланувчи эшигига нимадир урилганини эшитдик. Ундан бир маст одам учиб чиқиб, башараси билан қор уюмига

²⁵ Нью-Жерси штатида қарашли мазкур шаҳарда Германиядан келган муҳожирлар кўпчиликини ташкил этарди.

келиб тушди. Кимлигини англадингизми? У Денни Вулф эди. Денни ўрнидан турганида, ҳеч жойи шикаст топмагани маълум бўлди, аммо жуда қийинчилик билан қадам ташлади. Бечоранинг ўттиз ярдни қандай қийинчилик билан босиб ўтганини кўриб турдик, кейин ўртоқларимиздан кимдир қичқирди:

– Тайёрмисан, Денни?

Денни ортига қайрилиб қаради. Сўнг жавоб тариқасида тебраниб бақирди:

– Абжағингни чиқараман! Ким бўлсанг ҳам!

Унинг хитобига ҳеч ким парво қилмади. Денни тупурди-да, яна кета бошлади.

– Сенинг тўп ташлашинг энди аввалгидай эмас, Денни! – яна биров қаттиқроқ қичқирди.

Денни ортига қайтди. Мен орқа томонда турганча шапкални ечиб, юзимни беркитдим. Денни мени таниб қолишини асло истамасдим.

– Сиз иккинги ҳам мени енга олмайсизлар, ярамаслар! – деди у.

Ҳамма жимиб қолди, аммо Денни ўзини боса олмасди:

– Тўп ташлашимни аввалгидай эмас, деяпсизларми?.. Мен қор соққасини орангиздаги ҳар қандай кишидан узоқроққа улоқтираман. Гаров ўйнаймизми?

Ҳануз барча жим турарди.

– Мишиқилар! Қўлларингдан келмайди! – деди Денни нафрат билан, сўнг оқсаганча нари кетди.

У ҳавфдан холи масофага етгач, шерикларимиздан бири қорни юмалоқлаб кучи борича отди. Қор сал бўлмаса Деннининг қулоғига тегаёзди.

– Сизни президент кўрмоқчи, Денни! – деб бақирди найнов Билл Моррисси.

– Президентингга айт, бўшатиш тўғрисидаги қоғозлари билан жин урсин уни! Улардан жомадоним лиқ тўлган! – тўнғиллади Денни ва гандираклаб нари кетди.

Йигирма иккинчи бўлим

«УНИ БИРИНЧИ РАУНДДАЁҚ СИНДИРИБ ТАШЛА!»

1930 йил 27 сентябрда Америка барча газеталарда босилиб чиқиб ҳаммани ўзига қаратган: «СЕНТ-ЛУИС КАРДИНАЛС» МИЛЛИЙ ЛИГА ЧЕМПИОНАТИДА ФИНАЛГА ЧИҚДИ!» деган сарлавҳадан титраб кетгандек бўлди.

Бутун дунё дафъатан энг чўққига чиқиб кетган омадсизларни ҳамиша суйиб келган. «Кардиналлар» ҳам айнан шундай қилганди. Улар август ойида ўн иккита ўйинда ютқазди, аммо кейин сентябрда йигирма беш ўйиндан йигирма биттасида ғалаба қозонишди. «Кардиналлар»нинг бошни гангитар даражадаги юксалишини ҳар бир бурчақда муҳокама қилишарди. Мана ниҳоят финал!..

Бунга қадар 16 йил аввал, бейсбол пиллапоясидан пастга қараб шўнғиганимда, бир воқеа рўй бердики, у менга икки томонлама таъсир қилди. Ўша пайтда мен каби омади юришмаган Габби Стрит Чатанугада каминага нисбатан марҳамат кўрсатди. Жажжи кўппак мени кўприқдан нарига бошлаган бўлса, меҳмонхонага қайтганимда Габби учратиб қолиб, кўзларимдан ёш оққанини сезганди. У мени ҳали ҳаммаси тугамаганига нафақат ишонтирди, балки ўз ҳисобидан телеграммага пул тўлаб, дўстларидан иш топиб беришни сўраганди. Менинг «Гальвестон» жамоасига қабул қилинганимнинг асосий сабаби – Габби Стритга нисбатан бўлган ишонч эди, холос.

Мана, орадан ўн олти йил ўтиб, бош мақолада «Кардиналлар»нинг ҳайратомуз ғалабалари ҳақида ўқир эканман, Габби Стритнинг жамоа менежери эканлигини билиб қолдим!

Орадан икки кун ўтгач, янги чемпионлар Филадельфияга «Филла» билан ўйнагани келишди. Мени мазкур ўйинга бориб, севимли дўстим Габбини табриклаб келишдан нима қайтара олишини тасаввур эта оласизми?

Ўзим билан ўғлим Лайлни бирга олдим. У ҳам отаси каби ниҳоятда ҳаяжонланганди. Биз «Кардиналлар» ўрин-

диғи тепасидаги жойдан патта олишга муваффақ бўлдик. Габби Стрит ўзининг асло ажралмас саквояжи билан «Филли»нинг эски ечиниш хонасидан чиқиб, майдонни кесиб ўтганида, ишқибозлар уни қарсак чалиб олқишлашди. Агар улар Габби ўйиндан сўнг менга сир сақлаш шарти билан нималар деганини билганларида ўринларидан туриб, уни худди улуғ қаҳрамондай олқишлардилар...

Габби «Кардиналлар» ўриндигига яқинлашганида, мен қаддимни ростлаб ҳайқирдим:

– Габби!

У менга қаради ва жилмайди. Панжарадан сакраб ўтганимда қўлимни сиқиб қўйди.

– Габби, – дедим, – мен Фрэнк Беттжерман. Чатанугада кўрганингни эслайсанми?

Шунда бир вақтлар ҳамма унутиб юборган, аммо бирдан машхур кишига айланган бу одам қўлимни оғригунича сиқиб кўришди.

– Фрэнк! – хитоб қилди у. – Қандай яшаяпсан?

– Жуда яхши! – деб жавоб бердим мен. – Ўғлим Лайл ҳам қўлингни сиқиб кўришмоқчи.

Габби унинг жажжи қўлини сиқди ва жилмайди.

– Габби, – дедим мен, – ишончим комилки, бунинг тарихи мислсиз воқеаларга бой. Ўйиндан сўнг сен билан бир неча дақиқа гаплашсам бўладими?

– Ечиниш хонасига келгин, сенга ҳаммасини айтиб бераман, – ваъда қилди у.

Икки соатдан сўнг биз Лайл билан Габби Стритнинг мўъжазгина ечиниш хонасида ўтирдик. У бизга сўзлаб берган руҳлантирувчи воқеа қуйидагилар эди:

– Хабаринг бор, Фрэнк, мен ичишни бошлагандим. «Чатануга» мендан халос бўлди. Кичик лигаларда оқим билан кўчиб юрдим, яширинча олдингидан ҳам кўпроқ ича бошладим. Пастга қараб ҳаддан зиёд эниб кетдим. Сўнгра Шимолий Каролинанинг қайсидир шаҳрида мени Бранч Рики учратиб қолди. У ўша пайтда «Кардиналлар»нинг бош менежери эди. Бранч шундай деди: «Габби, агар ўзингни қўлга олсанг, спиртли ичимлик истеъмол қилиш-

ни бир йилгача эсингдан чиқарсанг, сен учун Сент-Луисда иш топилади».

Бир йилдан сўнг Бранчга шаҳарлараро алоқадан қўнғироқ қилдим. «Бранч, – дедим унга, – мен йил давомида бир томчи ҳам ичганим йўқ. Иш борасида айтган гапинг ўз кучида турибдими?» «Қачон кела оласан?» – сўради Бранч.

Эртаси куни мен унинг хонасида эдим. «Габби, – деди у, – бир ғоя бор». «Хўш, айт-чи!» – бидирладим жавоб ўрнида. «Бир ишимга ёрдам беришингни истайман, илгари буни ҳеч ким қилмаганиди. Мен бейсбол фарм-клубини ташкил қилмоқчиман. Бу сен учун қизиқарлими?»

Икки соатдан сўнг, Фрэнк, мен вагонда ўтириб, кичик шаҳарнинг Д тоифадаги лигага мансуб клубига ишга борардим. Шинамгина шаҳар, аммо маҳаллий жамоа энг охирги ўринда эди. Икки кун ўйинни томоша қилдим. Шундан сўнг хўжайинларининг ҳузурига бордим. Улар мени таниб қолиб, ҳозир нима иш билан машғуллимни сўрашди. Ўйинчи сифатида бутунлай чиқиб кетдим, шунга ўхшаш бирорта клубни сотиб олмақчиман ва унинг менежери бўлишни истайман, дедим.

Клуб эгалари кичик тижоратчилардан иборат эди. Ҳар икки ҳафтада омадсизларга пул беравериш роса жонларига теккан экан. Шу тарзда франшизни (клубни) арзонга сотиб олдим. Улар эса халос бўлганидан хурсанд.

Эртаси куни Сент-Луисга қайтиб, франшизни «Кардинал»га топширдим. Бранч менга бир нечта ёш, тўп узатувчи умидли ўйинчиларни берди. Биз ўйнаб, юта бошладик. Ишқибозлар уйқудан уйғониб, ўзларининг «янги» клубларига оқиб келадиган бўлишди. Кўп ўтмай бизга пул тушаверди.

Мана, Фрэнк, шундай қилиб бейсболда фарм-тизим юзага келди. Жамоани эндигина ҳавас қилгудай даражага кўтарганимда Бранч мени янги топшириқ билан жўнатиб юборарди. Кўп ўтмай биз бутун мамлакат бўйлаб фарм-клублар ташкил этдик.

– Сен қандай қилиб «Кардинал»га менежер бўлиб олдинг? – деб сўрадим мен.

– Мавсум бошида бироз дам олиш учун Жоплинга қайтдим. Ошхонада хотиним билан ўтириб, газета ўқиётгандим. Онам кечки овқат тайёрларди. Қўнғироқ. Онам гўшакни олди. «Сенга Сент-Луисдан қўнғироқ қилишяпти», – деди ва гўшакни менга берди. Стулнинг олд оёқларини кўтариб орқасига суянганча дедим: «Ҳа, Габбиман... Нима-Нима? Бўлиши мумкин эмас! Ҳазиллашяпсан... Сен жиддий гапиряпсанми?.. Албатта! Эрта тонгдаёқ ўша ерда бўламан!»

Гўшакни қўяр эканман, мувозанатни йўқотиб, стул билан бирга орқамга ағдарилиб тушаман. Қўлимда нимаики бўлса сочилиб кетади. Онам мени, ўлди, деб ўйлаб, фарёд чекиб, қўлидаги қовурилган товуқ гўшти билан полни битта қилади. Устимга энгашиб, «Габби! Габби!» – деб қичқиради.

Мен бир кўзимни очаман. «Габби, сенга нима бўлди? – деб янада каттироқ бақиради онам.

«Сент-Луис кардиналс»га менежер бўлдим», – дея оламан фақат.

Лайл билан кўзимиз ёшлангунча кулдик. Габби бизга қаради, шундан сўнг ўзи ҳам қотиб-қотиб кулди ҳамда бир неча дақиқа бир оғиз ҳам сўз демай туриб қолди.

– Фрэнк, – деди у шавққа тўлиб, гўё буларнинг барчасини биринчи бор гапириб бераётгандай, – мени *ўринбосарликка* вақтинча, керакли одамни топгунча тайинлашган экан. Қандай бўлмасин, фақат менежер бўлганимдан сўнг ўйинда юта бошладик. Даставвал, барча бу тасодифан юз берди ва ҳадемай «бўғилиб ўлишади» деб ўйлади. Аммо бўғилиб қолмадик. Ва, мана – биз чемпионатда енгиб чиқдик! Бу ҳозиргача менга худди тушдай туюлади. Кўзимни очаман-у, яна ўзимни штатдан ташқаридаги омадсиз ароқхўр эканлигимни кўраман, дейман.

Габби Стрит қачонлардир «Вашингтон Сенаторс» жамоасида Уолтер Жонсоннинг шериги бўлгани, Вашингтон ҳайкалидан туриб улоқтирилган тўпни ушлаб олган ягона киши экани, олий лига бейсболчилари орасида энг қизиққон ва ғайратли ўйинчилардан бири бўлганини гапириб бериш учун ҳаддан зиёд камтарин шахс эди. Габби «Сент-Луис»-

ни ўз кўлига олгач, Фрэнк Фриш, «қалампир» Мартин, «жў-жаҳўроз» Хейф, Жим Боттомли каби истиқболли ўйинчиларни ҳаётга чанқоқлик ва ғайрат-шижоат билан руҳлантириб турди. Уларни ҳеч нима тўхтата олмасди. Жамоа Миллий лига чемпионатида келгуси йили ҳам ғалаба қозонди, сўнг жаҳон биринчилиги учун Конни Макнинг буюк жамоаси – Лефти Гров, Мики Кокран, Жимми Фокс, Ало Симмонсларга қарши ўйнади. Тикилган ганак учдан бирга тенг бўлиб, Филадельфия клуби «Атлетикс»га қарши қўйилган эди. Аммо «Атлетлар» ўша пайтда жуда кучли саналган «Гэсхаус гэнг» жамоасининг босган изига ҳам арзимасди. «Кардинал»лар олти ўйиндан тўрттасида ғалаба қозониб, Америка лигаси чемпионларини ҳолдан тойдиришди ва жаҳон чемпионига айланишди!..

Мен Габбига яна битта савол бермоқчи эдим, аммо бунга журъат қила олмадим. Габби сезди ва шундай деди:

– Қани, бўл. Хоҳлаганингни сўрайвер.

– Габби, – дедим мен, – сен ичишни қандай ташладинг?

– Биласанми, Фрэнк, мен фақат битта йўли борлиги – ташлаш кераклигини англадим! Бирдан ташлаш шарт. Бошқа йўли йўқ эди, мен буни тушунардим. Бу жангни ўн ёки ўн беш раундда ҳал қилиб бўлмасди. Биринчи раунддаёқ ё енгасан, ёки сени енгадилар. Агар биринчи қадаҳни рад этмасанг, енгиласан... нокаутга дучор бўласан.

– Биринчи жангда енгиш етарли бўлармикан? – сўрадим мен.

– Э, йўқ, – кулди Габби. – Қари жин дарров таслим бўлмайди. У қайтади. Янада муғомбирона иш кўради. Сен яна тутиласан. Бонг чалинади. Яна жанг! Душманни қандай қилиб енгиб бўлади? Фақат битта йўл билан: уни биринчи раундаёқ синдириб ташлаш керак!

Афсуски, бу суҳбатни шўрлик Денни Вулф эшитгани йўқ. Афсус, уни менинг бечора отам эшитмади. Шу куни Габби Стрит бизга айтган гапларни ҳар бир қиз, ҳар бир ўсмир эшитишини хоҳлардим!

Мен ҳаётда энг муҳим ҳақиқатни англадим: ҳаммасидан кўра, дарҳол «йўқ» деб айтиш осон. Габби Стрит буни мен-

дан кўра яхшироқ ифодалаган: «УНИ БИРИНЧИ РАУНДДАЁҚ СИНДИРИБ ТАШЛА!»

Қисқа хулосалар

«Нимани зарур деб ҳисобласангиз, уни бажариш учун муайян бир тўхтамга келинг ва қарор қилдингизми, уни қатъиян адо этинг. Қатъият одатга айлангач, қолган барча тамойилларга амал қилиш борасидаги ҳаракатингиз барқарорлашади».

Б.Франклин

Бу ёруғ дунёда ё биз ўзимизни тартибга соламиз, ёки бизни тартибга бўйсундирадилар. Мен биринчисини афзал биламан. Франклин шундай деган эди: «Кимки эзгуликка итоат этмаса, у – қул; итоаткор яхши фазилатли кишилар – озоддирлар».

Нафс балосини қандай қилиб енгиш мумкин? Габби Стритнинг сўзларини эсланг: «Уни биринчи раунддаёқ синдириб ташла!»

Йигирма учинчи бўлим «ДАСТАВВАЛ ЎЗИНГГА ТЎЛА»

Клейт Хансикернинг олтмиш йиллик юбилеи ўтаётганди. Биз эндигина байрам зиёфатини тугатгандик. Клейт ўз номига аталган катта сигара чекаркан, шу ерда қойилмақом гап айтди. Илгари унинг ҳеч қачон бу қадар ҳаяжонланиб гапирганини сезмагандим. Клейтнинг овози бўғилиб кетгандай бўлди:

– Ўн минг долларим ёпиқ банк қолдиғи (сальдо) бўлиб турибди.

– Ёпиқ банк қолдиғи нима дегани? – сўрадим мен.

– Чек дафтаримдаги сальдо 2200 доллардан иборат, аслида эса пул қолдиғим – 12 200 доллар. Чек дафтаримда ҳеч қачон ўн минг пайдо бўлмайди.

Мен ҳайратга тушгандим! Хансикер ўттиз йилдан бери компаниямизнинг савдо бўйича ўнта пешқадам агентларидан бири бўлиб, мамлакат миқёсида эътироф этилганди. Шу билан бирга ҳамма унинг доимо танг аҳволда юришини биларди.

Бугунги туғилган куни Хансикер ҳаётидаги энг бахтли сана эканлиги кўришиб турарди. Мен ҳам ўзимни худди у каби хушбахт ҳис этардим, чунки Клейт отамдек бўлиб қолган эди. Унинг қўлини сиқиб, чин юракдан шундай дедим:

– Табриклайман! Зўр!.. Сиз бу ўн мингни нима қилмоқчисиз энди?

– У қаерда турган бўлса, ўша ерда қолдираман! – деди Клейт. – Менинг чек ҳисобим (*checking account* – жорий счёт) яна ўн минг доллардан пастга тушишини асло истамайман.

– Уларни жорий счётда сақлашнинг нима ҳожати бор? Ўн минг долларга яраша фоизларни йўқотишдан не фойда?

– Менга ҳеч қандай фоизларнинг кераги йўқ, – ҳайрон қолдирувчи жавоби янгради унинг. – Қулоқ солинг, – сўзини давом эттирди Клейт бирдан ҳаяжонланиб, – инсон ўзига ҳаддан зиёд ишонмаслиги керак. Мен ёпиқ банк баланси берадиган ана шу ишонч туфайли улардан оладиган фоиздан бир неча баробар кўпроқ фоизни қўлга киритишим мумкин.

– Бу пулларни уйингизнинг гарови учун ўтказиш сизга шундай ишонч бахш этмайдими? – деб сўрадим мен.

– Мен аллақачон уйнинг гаров пулини тўлаганман. Ҳаммасини тўладим... Ҳеч кимдан бир доллар ҳам қарздор эмасман! Бир доллар ҳам!..

У тўлқинланиб кетганидан жимиб қолди.

Бу ҳайратга соладиган янгилик эди. Мен Клейтнинг савдо ҳажми кейинги йилларда бироз ўсганини билардим. Гарчанд у фаолиятининг ўттиз йили мобайнида ўзининг қасами, яъни ишлаб топганидан ортиқча сарфламаслик ҳақидаги қасамини бузган бўлса-да, шунга эришганди.

– Кўпинча жума куни оқшом уйга қайтаётганимда дам олиш кунларида оилам учун керакли маҳсулотларни сотиб

олишга пулим етмасди, – дея тан олди ўша куни тушлик чоғи Клейт. – Ажойиб кунларнинг бирида, бундан тахминан тўрт йил муқаддам менда қандайдир ўзгариш рўй берди. Мен суд ижросидан икки қадам ўзиб кетишга ҳаракат қилардим, аммо бу узоқ давом этиши мумкин эмас эди. Зеро, мен эллик олти ёшда эдим, ҳаётимнинг учдан икки қисмини яшагандим. Умрим давомида ўзимдан бошқа барчага тўлаб келган эканман. Ва мен шундай қарор қилдим: «*Шу кундан бошлаб аввал ўзимга-ўзим тўлайман!* Ишлаб топган пулимнинг учдан бир қисмини алоҳида ҳисобимга жамғариб бораман. Қанча қолса, шунга кўра яшаймиз!» Даставвал бу амалга ошмайдиган иш бўлиб кўринди. Мен банкдан қарздор бўлдим. Баққолдан қарзим бор эди. Барчадан қарздор бўлдим...

Менинг рўпарамда *янги* Клейт Хансикер ўтирарди. У ўз ғоясидан фойдаланиб, кимдан қарздор бўлса, бирор цент қолдирмай, барини тўлади. Бу нима? Ўз-ўзига ишончми? Ғайрат-шижоатми? Қандай истасангиз, шундай деяверинг, аммо Клейт *ғолиб бўлди*. Кейинчалик унинг мижозларидан бири, йирик ишлаб чиқарувчи шундай деганди:

– Бу одам билан рақобатлашиш мутлақо бефойда. У мен билган савдо бўйича энг донгдор агентдир.

Ишониш қийин, аммо эндиликда олтмишга кирган Хансикер бой инсонга айланди, ўз диний қавмининг пешқадами, йирик жамоат арбоби бўлиб етишди.

Аммо шўни айтишим керакки, кимдир «Дастлаб ўзингга тўла» деган ўғитни менга жаноб Хансикер томонидан берилган бошқа бебаҳо сабоқ: «Мижозни доимо *биринчи*, компаниянгни *иккинчи ўринга*, ўзингни эса *охирига* қўйгин» билан чалкаштиришини истамайман. «Дастлаб ўзингга тўла» маслаҳати тежамкорлик, шахсий даромад ва харажатларни оқилона режалаштиришни назарда тутаети. Бечора Ричард²⁶ буни қуйидагича ифодалаганди: «Агар инсон қандай тежашни билмаса, у умр бўйи тиним билмай ишлаши ҳамда муҳтожликда ўлиб кетиши мумкин...»

²⁶ Бечора Ричард – Б.Франклиннинг адабий тахаллуси.

Мен ўзимнинг харажатларимни асло эпга келтира олмасдим. Янги қарзларим шундай тезликда кўтарилардики, бор ишлаб топганим уларни тўлашга сарф бўларди. Қанча кўп ишласам, ўзимга шунчалик кам қоларди.

«Даставвал ўзингга тўла!» ибораси менинг шиорим, муваффақиятга элтувчи калитим бўлиб қолди.

Хансикернинг ҳикояси ёлғиз мени руҳлантиргани йўқ. Менинг билишимча, у кўплар учун ҳам муваффақият калити бўлди!

Йигирма тўртинчи бўлим ТЎППА-ТЎҒРИ ЖИННИХОНАГА

Бир вақтлар мен ўғлим Лайлдан кишини карахт қиладиган мактуб олганман. У Ҳолливуд актёри бўлганди. Лайл бу хатни Флорида штатидаги Саросотадан, табиий шароитда суратга олиш жойидан ёзганди. У ерда Сесиль Б.Де Милл «Ердаги улкан томошалар» номли фильмини суратга ола бошлаганди. Де Милль Лайлни ёвуз жодугар ролига танлаганди. Мана ўғлимнинг хати:

«Қадрли дада!

Ўтган куни кичкина кафедаги менинг столим ёнига бир одам келиб ўтирди. У иркит, жулдур кийимда бўлиб, кўп вақтдан бери соқоли олинмаганди. Дайдилги шундоқ кўриниб турарди. У гапира бошлади, мен эса фақат «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб қайтардим, холос. Ниҳоят бу нота ниш киши ўзининг Филадельфиядан эканлиги, у ерда бўлган-бўлмаганим билан қизиқди. Мен бўлганимни айтдим. Дайди шаҳардаги у-бу биноларни биласанми, деб, жумладан, марказий ҳудудда жойлашган бир неча офисни тилга олиб ўтди. Мен тасдиқ жавобини бергач, «Уларни мен қурганман!» – деб юборди. «Наҳотки?» – деган сўз оғзимдан чиқиб кетди. У жавобан бир неча сўз айтиб, менинг уйланганим, болам бор-йўқлиги ҳақида сўради. «Ҳа», – деб жавоб бердим. Шунда дайди: «Мен сенга бир маслаҳат

бераман, ўғлим, – деди. – Кўп йиллар муқаддам, бир суғуртачи дўстим менга 170 000 долларлик суғуртани сотганди. Мен ича бошладим. Ўша суғуртачининг маслаҳатига амал қилмай, биржада ўинадим ва барча суғурта полисларим, ҳаётимнинг суғурталарини аста-секин сотдим. Ишим остин-устун бўлиб кетди ва ҳеч вақосиз қолдим. Кўряпсанми, кимга айланганман? Ҳаётингни суғуртала ва оилангни ҳимоя қил. Буни ўз ҳолига ташлаб қўйма. Акс ҳолда бир кун келиб, уйғониб кетасан-у, ҳеч ниманг йўқлигини билиб қоласан».

Мен ўрнимдан туриб кетмоқчи бўлганимда, у исмиمنى сўради. «Беттжер» фамилиясини айтганимда, у ҳаяжонланиб қолди. «Сен «Кечаги омадсиз – бугун муваффақият қозонган савдогар» номли китобни ёзган Фрэнк Беттжернинг қариндоши эмасмисан?» Мен: «Ҳа, у киши отам бўлади», – деб жавоб бердим. Шунда у: «*Мен сенга гапириб берган суғуртачи айнан шу одам!*» – деб қарахт қилиб қўйди. Дайдининг исмини сўрадим. У: «Тейлор, Боб Тейлор! – дея жавоб берди. Шунда мен яна битта савол бердим: «Сиз «Харрис ва Тейлор, меъморлар ва муҳандислар» фирмасининг ҳамкори эмасмисиз?» «Ҳа, ўша, менман!» – деган жавоб бўлди.

Дада, мен ким билан гаплашганимни тушунган бўлсангиз керак. Унинг айтганлари охиригача етмасдан ниҳоят ҳаяжонлангандим. Бу одам тасодифий иш ҳақи билан кифояланиб, овқатланиш учун зўрға пул топади».

Исмлар ўзгартирилганидан ташқари юқоридаги воқеа ҳақиқатан рўй берган. Мени эски дўстнинг тақдири лол қолдирди. Бир пайтлар у салкам миллион доллар ишлаганди. Ҳар ҳолда нима учун бундай аҳволга тушиб қолгани менга тушунарли. Неғалигини изоҳлаб бераман.

Сентябрь ойининг салқин кунларидан бири эди. Йирик коммунал компанияси раҳбарининг идорасини тарк этар эканман, у мени эшик олдигача кузатиб қўйди. Шу аснода елкамга қўлини қўйиб, шундай деди:

– Фрэнк, сиз донғи чиққан йигитсиз. Нега бойиб кетиш учун биржада ўйнамайсиз?

Бу менга хуш ёқди, албатта. *Донғи чиққан йигит* эканлигим ҳеч қачон калламга келмаганди. Кўчада кетарканман, шундай деб ўйлардим: «Бу одам айтганидек номи кетган йигит бўлсам, нега бунчалик аҳмоқ ва лақмаман?»

Ўша тунда камбағал бўлиб ухладим. Ҳеч нимани ютқазганим йўқ, аммо камбағал бўлиб қолдим, чунки қаноатланмагандим... Шунинг учун қаноат ҳосил қилмагандимки, мен таниган бошқа одамлар осон ва тезлик билан жуда катта пул топишаётганди.

Эртаси куни биринчи ишим даллол дўстимга учрашишдан иборат бўлди. Унга ўзимнинг «ёпиқ банк сальдосига доир режам» тўғрисида гапириб берганимда, устимдан қотиб қулди. У пулларимни компанияларда қандай қилиб тезлик билан кўпайтиришни кўрсатиб берди. Мен «мислсиз сакраш»ларга эришаётган мазкур компанияларни илгари ҳатто эшитмагандим.

Даллол дўстим биржада донаси ўн бир доллардан сотиладиган акциялардан биттасини кўрсатди.

– Уларга нимадан пул топиш маълум бўлса, – деди у, – бу акциялар нархи Рождествода юзгача ошиб кетади!

Тунда мен бой-бадавлат бўлиб ухладим! «Катта бизнес»нинг тўрт юзта акциясини сотиб олгандим!

Айни ўша пайтларда мен шаҳар ташқарисидан қиммат нархдаги янги уй сотиб олишни орзу қилардим, аммо бундай уйнинг нархи имкониятимдан анча баланд эди. Энди эса бунга бошқача қарардим: «Агар мен бойиб кетадиган бўлсам, нима учун бадавлатлар орасида яшамас эканман?»

Эртаси куни саҳар-мардондан кўчмас мулк агентига қўнғироқ қилиб, буюртма бердим. Орадан йигирма дақиқа ўтгач, у аллақачон хонамда ўтирарди... Шундай қилиб, мен бу уйни сотиб олдим. Гаровгами? У тахмин қилганимдан икки баравар баланд нархда эди. Ўз-ўзимга: «Мен бу пулларни зудликда ишлаб топаман ва тўлайман», – дедим.

Шунда даллол дўстим менга қўнғироқ қила бошлади. У ҳайратомуз ишлар хусусида, яъни «United Ashcans» ва «Consolidated Gaspipe»да яқинда бўладиган муқаррар ўз-

гаришлар ҳақида гапириб берди. Мен шундай жавоб қайтардим:

– Жо, мен яқинда Мейн-Лайдан жуда катта уй сотиб олдим. Бошқа пулим йўқ.

– Сенга ортиқча пулнинг кераги ҳам йўқ, Фрэнк. Шусиз ҳам гаров учун тўлайдиганинг кўп!

Шу тариқа Жо менга «Ashcans» ва «Gaspipe» акцияларини сотиб олиб берди.

Душанба куни компаниямиз агентлари йиғилишида сўзга чиқдим. Бу чиқишим ҳис-туйғуга тўла бўлди: мен мажлис иштирокчиларини моддий ўсиш суръатим билан қойил қолдиришга ҳаракат қилдим. Йиғилишдан сўнг даллол дўстимдан келган шошилишч мактубни топширишди, у дарҳол боғланишимни сўраганиди. Қўнғироқ қилдим.

– Фрэнк, бозорда кутилмаган ўзгаришлар рўй берди, – деди у. – Сен менинг олдимга тушгача чек билан кела оласанми?

Мен юқорига, ғазначимизнинг олдига чиқдим. Ундан катта миқдорда аванс сўрадим. Ғазначи хайратга тушди, чунки у ҳозиргина менинг нутқимни эшитганиди. Шунда унинг телефони жиринглаб қолди:

– Ҳа, жаноб Беттжер шу ерда, – довдираб жавоб берди ғазначи, сўнг менга гўшакни узатди.

Бу яна даллол дўстим экан. У аввалгидан ҳам кўпроқ хаяжонланганиди.

– Фрэнк, бозор яна бошини пастга осилтириб, пинакка кетди. Сен, яхшиси, чекни икки баробар оширавер!

Ҳа-а... 1929 йил ваҳимаси бошланди. Рождествога қадар юзгача юқорига кўтарилиши кутилган ўша акцияларни эслайсизми? Улар Рождествода етмиш беш центгача сотилди!

Февралда аҳвол бироз ўнгланди. Бу менга фонд бозоридан кетишимга имкон бериши мумкин эди. Бунинг ўрнига яна ўзимни *яхши одам* деб ҳис этдим. Икки ойдан сўнг яна пасайиш бошланди ва у деярли ўн йил давом этди!

Мен битмас-туганмас пул захирам бор, деб ўйлагандим. Аммо кўп ўтмай битмас-туганмас пул захираси мутлақо

бўлмаслигини фаҳмлаб етдим. Мени худди билқиллама кумлоқлар ўз гирдобига олгандай кўринди. «Даставвал ўзингга тўла» «Дастлаб даллолингга тўла»га айланиб кетди.

Барчасидан маҳрум бўлиш ваҳимаси мени кўрқоқ кишига айлантирди. Агар суғуртам бўлмаганида борми, худди Боб Тейлор ва бошқа танишларим каби ном-нишонсиз жаҳаннамга кетардим. Менинг чек-чегарасиз ғайрат-шижоатим бизнесимга нисбатан сўна бошлади. Савдо ҳажмидан шунчалик уялардимки, далилларнинг кўзига асло қарай олмасдим. Шу боис энди қайдларни ёзиб боришни бас қилдим! Бундан баттари бўлмайди.

Ҳеч кимнинг мен каби руҳи тушиб кетмаганди. Дўстларим, ҳамкасбларим, ҳатто оиламни кўришга кўзим йўқ эди. Бир куни ўтириб, ўлик ҳолдами, тирик ҳолдами қадрим бўлармикан, деб ҳисоблашга киришдим. Фикрларим чувалашиб, бир пайтлар Чатануга кўпригида турганим хотирамда жонланди. Мен ўша кўппак итни эсладим.

Шундан сўнг «Фермонт» паркигача юриб бордим. Ҳаётим шу ердан бошланганди. Риж-авенюдан ўтиб, «Макданиэлс» ва «Донахью» майхоналари ёнидан ўтдим, сўнг Нассо кўчасидаги туғилган гўшам – тўрт хонали кўримсиз, гиштин уйга яқинлашдим. Хаёлим ёшлигим ўтган даврларга кетди. Ўшанда биз жуда ночор яшар, топганимиз ейиш-ичишга зўрға етарди... Уч центга ёғи олинган сут... суви қочган, тарашадек нон... маккажўхори ёрмаси... Онамнинг овозини эшитгандай бўламан, у бизга «исрофгарчилик – гуноҳ» деб ўргатганди. Мен бунга чидай олмасам керак: Фрэнк Беттжер биржада ўйнаб, барча пулларини совуриб юборганмиш! Мен улуғ гуноҳга қўл урдим! Нима учун? Нега? Пулни кўпайтириш учун... *Кўп пулга эга бўлиш учун...* осон ва тезлик билан.

Менинг ёшлигим ўтган жойда ҳозир фақат отхона сақланиб қолибди. Шу ерда, ўзимнинг қадрдон кўчамда *ибодат* қила бошладим.

Сўнгра бурчакка ўгирилдим ва ўзимни Яратганнинг ихтиёрига топширдим. У қандай ҳал қилса, шундай бўла қолсин.

Йигирма бешинчи бўлим

МЕН БИЛАН ҚАНДАЙДИР ҒАЛАТИ ҲОЛ РҲЙ БЕРДИ

Орадан маълум вақт ўтиб, кундаликнинг бир варағини йиртиб олганимдан бери менга уни доим ўқиб юргандай туюлади. Бу саҳифани, жуда бўлмаса, йилига бир бор, токи гўрга киргунча ўқийман. Унда шундай деб ёзилган:

«Ҳаётимдаги энг катта воқеа: иккита банкдан «тўлиқ тўланди!» деб тамға урилган пули қайтарилган векселларни олдим».

Сиз қўрғошин қуймаси нима эканлиги ҳақида тушунчага эга бўлсангиз керак. Уни қандай олиб юришни биласизми? Ҳеч қандай! Қўрғошин қуймасини фақат машинага ортиш мумкин. Агар ташимоқчи бўлсангиз, қўлни толиқтиради ва ишни жуда кўпайтиради. Мен бу ҳақда билардим. Чилангар-сантехникнинг ёрдамчиси бўлиб ишлаб, шу ишга уринганимда қанчалик гўл эканман. Сантехник мени устахонадан бир асбоб олиб келишга жўнатди. Ўшанда ҳали она сути оғзидан кетмаган ўн олти яшар ўспирин эдим. Корхонада бир «ҳазилкаш» ишчи бўлиб, менинг қўрғошин қуймасини олиб кетишим қанчалик ажабтовур чиқишини кўришга жазм қилибди.

– Фрэнк, ҳозир чилангар қўнғироқ қилиб, қўрғошин қуймасини олиб келсин, деди.

Қуйма бурчақда турар, ҳажми бор-йўғи икки пойафзал қутичасича келарди. Аммо мен уни кўтармоқчи бўлганимда, худди полга михлаб қўйилгандай туюлди. Бир амаллаб елкамга олдим-у, бир неча даҳадан олиб ўтдим. Назаримда, айнан шу иш туфайли бейсболда қўлимни жароҳатлаганман.

Шундай қилиб, биржадаги тажрибам сал бўлмаса мени ўлдираёзган қўрғошин қуймасини кўтарганимга ўхшаб кетади. Компания раҳбари: «Фрэнк, сиз номи чиққан йигитсиз...» деганида, мен сал бўлмаса тежаган пулларимнинг барини арзимас нарсага айлантираёзгандим. Ҳаддан зиёд лақма эдим. Шунинг учун хушомадга учганман.

Пул тикишга тўғри келганда, америкалик улуғ мутойиба-чи Марк Твен айнан мен каби йўл тутган. У ҳар қандай ури-ниб кўринишларни ёқтирар, натижада ошхона плитасидан бошқа барча бор-йўғидан марҳум бўлганди. Сўнг шундай деб ёзганди: «Инсон қимор ўйинларини икки ҳолатда ўй-намаслиги керак: бунга имконияти бўлмаганида ва шундай имконияти бўлиб, ўйнай олганида».

Оғир вазнлилар ўртасидаги бокс бўйича собиқ жаҳон чемпиони Жо Луис мазкур мавзуда ажойиб гапни айтган: «Бундан чиқиб кетиш мумкин эмас, чунки қанча кўп олсанг, шунчалик юқори ўлпон кўйилади. Бу бамисоли «югуради-ган» йўлакда чопгандай гап. Қанча тез чопсанг, йўлак ҳам шу қадар тезлашади. Сизнинг қандай тезлиқда ҳаракатла-наётганингиз муҳим эмас, аслини олганда битта жойда ту-раверасиз».

Мен ўн бир йил ана шу «югурувчи» йўлак бўйлаб чоп-дим! Кўпчилик учун бу йўлак тўппа-тўғри жиннихонага эл-тадиган йўл бўлиб қолди. Бир куни дўстимга янада кўпроқ суғурта полиси сотмоқчи бўлганимда, у шундай деди:

– Сенга нима бўлди ўзи, Фрэнк? Нима рўй берди?

Мен ундан очикроқ гапиришини сўрадим. Дўстим шун-дай деб жавоб берди:

– Сен менга бу ерда тентираб юрадиган ҳар хил агент-ларни эслата бошладинг. Хонамга келадиган ўн нафар агентдан тўққизтасининг пешанасида долларнинг улкан белгиси порлаб туради. Бу ерга кирганлари заҳоти мен дарҳол ўша рамзни кўраман.

Ҳанг-манг бўлиб қолдим! Назаримда, мен молиявий аҳволимни чуқур яширган эдим. Аммо маълум бўлдики, у менинг ташқи кўринишимда акс этган экан. Дўстим ҳақ эди! Биржада ўйнар эканман, қисқа фурсатда бир қанча қарз-ларга қўл урганман. Шу билан бирга, муҳим профессионал тамойилни бузганимни илғамай қолганман: мен мижозла-рим ҳожати учун эмас, балки *ўзимнинг эҳтиёжларим* учун сотган эканман!

Банклар билан ҳисоб-китоб қилиб, ниҳоят қарзлардан халос бўлдим. Илгарига нисбатан кўпроқ ишлаб топа бош-

ладим. Шундан сўнг мен билан қандайдир ғалати ҳолат рўй бердики, у қаршимда бутунлай янги, моҳият эътибори ила бахтли ҳаётни намоён этганди.

Барчаси мутлақо кутилмаганда юз берди. Ўша куни ғайриоддий тасодиф билан айнан Дейл Карнеги ўтирган Нью-Йорк поездига чиқдим. Дейл Мемфисга йўл олган, мен эса оғир, машаққатли ишдан сўнг Нью-Йоркдан Филадельфияга қайтаётгандим. Йўл бўйлаб қилинган кечки суҳбатдан сўнг кўп ўтмай, Дейл билан бутун мамлакат миқёсида савдо ҳамда шахслар ўртасидаги муносабатларга доир бир ҳафталик курсларини ўтказа бошладик.

Даставвал мен Дейл Карнеги институти декани Перси Г.Вайтинг айтганидек, «илгари билмаган мавзулар» хусусида гапирдим. Аммо тезда кўникдим ва бу жараён ҳаётимдаги энг қойилмақом, бейсболдан ҳам мароқли саргузаштга айланди! Янги учрашувлардан руҳиятим кўтарилди.

Бир куни Оклахома штатидаги Талса шаҳрида таниқли икки суғуртачи мени тушлик қилиш учун шаҳар атлетика клубига таклиф қилишди. Улар суғурта агенти сифатидаги фаолиятимни билишларини айтиб, ўзларини раҳми келгандай тутишди.

– Фрэнк, ақлдан озганмисиз? – деди улардан бири. – Нега Филадельфияга, ўзингизнинг суғурта бизнесингизга қайтмайсиз? Бу ишда йил мобайнида ишлаганингизни у ерда бир ойда топасиз-ку!

– Йигитлар, биламан, бу беҳуда ишдай кўринади, – жавоб бердим уларга, – аммо мен билан қизиқ ҳолат рўй берди. *Энди мени ишлаб топадиган пулларим ортиқ қизиқтирмай қолди.*

Бу гапимдан сўнг иккала ҳамкасбим ҳам бир неча лаҳза менга термилиб қолишди. Кейин улардан бири сўради:

– Хўш, сизни нима қизиқтиради?

– Мени одамларнинг аксар қисмига қандай қилиб кўпроқ яхшилик қилиш қизиқтиради. Ҳозирги машғулотим менга қувонч олиб келади. Пуллар ҳеч қачон буни қила олмаган бўларди!

Ўша куннинг ўзидаёқ Дейлга улар билан бўлган суҳбат ҳақида гапириб бердим.

– Бу иш сизга ёқишини билардим, Фрэнк, – кулимсиради Дейл. – Сиз шу иш учун туғилгансиз. Хўш, нега китоб ёзма-япсиз? Сиз янги руҳдаги китоб ёзинг. У эндигина иш фао-лиятини бошлаган йигит-қизларга ёрдам беради. Ҳатто сиз «жаннатда учинчи базада ўйнаётганингиз»дан кейин ҳам узоқ вақт уларни руҳлантириб тураверади!

Дастлаб бу менга хаёлпарастликка ўхшаб кўринди. Аммо кўп ўтмай... китоб ёзишга киришдим!

Мен Дейл билан бўлиб ўтган охириги суҳбатимиздаги унинг сўзларини деярли ҳар куни хотирлайман:

– Сиз тўғри йўлдасиз, Фрэнк. Сиз тарғиб қилмайсиз, балки ҳаётингиз тарихини ҳикоя қилиб берасиз. Бу бахти кулган америкаликнинг шунчаки ҳаёти эмас, балки ҳаётда муваффақият қозонишингизни таъминлаган омадли ғоя-нинг ҳайратомуз воқеалар тарихидир.

Мен унинг узоқ давом этган хасталиқдан вафот этгани-ни эшитганимда кўз ёшларим тинмади...

Қисқа хулосалар

Агар эркинликни истасангиз, тежамкорлик билан бирга жамғариш хусусида ҳам ўйланг. Қимматга тушадиган ҳа-зил-ҳузуллариңиздан бутунлай халос бўлинг. Ана шунда замоннинг оғирлиги ва солиқларнинг юқорилигидан шикоят қилишга ҳожат қолмайди. Бечора Ричард айтганидек: *«Ик-кинчи гуноҳ, бу – ёлғон, биринчиси эса қарзга ботишдир. Ёлғон қарз устига миниб юради ва қарзлар билан илдам-лайди»*.

Шундай экан, тежамкор бўлинг ва ўзингизни эркин ту-тинг. Дўстларим, бу дастур – мулоҳазакорлик ва дониш-мандликдир. Донишмандликдан манфаат топинг.

Даставвал ўзингизга тўланг!

Йигирма олтинчи бўлим

ЁЛҒОН ДЕТЕКТОРИДА ТЕКШИРИШ

Мен Филадельфияда Бен Франклин клубининг президенти бўлганимда, ҳар йили хонимлар шарафига анъанавий зиёфат уюштирилди. Бир сафар унда Дрексель технология институтидан келган ёлғон детектори бўйича мутахассис, профессор А.Ван Тайн сўзга чиқди.

У жуда қизиқарли, жозибали сўзлади. Худди тажрибали адвокат сингари барча саволларга устомонлик билан жавоб берди.

Профессор бизнинг жавобларимиз рўй-рост эканлигини қай тарзда аниқлашини бир неча бор намоиш этганди. Агар мен шахсан шундай тажрибалардан бирида қатнашмаганимда, барини тўла-тўқис сохта деган бўлардим.

Бу қуйидагича рўй берганди. Таваккалига икки хоним ва икки эркак танланиб, улар ошхонадан фойе томонга тантанали равишда юриб ўтишди. Эркаклардан бири мен эдим. Шеригим ўз танишига шаҳарлараро пулли телефон будкасидан кўнғироқ қилди. Телефончи қиз бизга унинг таниши уйда йўқлигини етказди. Биз бу ҳақда билар, таниш кишининг зиёфатда иштирок этаётганлиги маълум эди.

Телефончи қиз йигирма беш центни қайтарди, аммо кўнғироқ қилаётган киши жўрттага пулни танга ташлайдиган жойда қолдирди. Сўнгра икки хоним навбати билан будкага киришди ва пулни олгандай бўлишди. Мен ҳам худди шундай қилдим. Орамиздан бир киши ҳақиқатан ҳам тангани олди.

Шундан сўнг барчамиз биргаликда зиёфат бўлаётган залга қайтиб кирдик. Чорак танга (йигирма беш цент) кимда эканлигини уни олган кишидан бошқа ҳеч ким билмасди.

Профессор Ван Тайн ҳар биримизни маҳорат билан алоҳида-алоҳида саволга тутди. Тўртталамиз ҳам тангани «ўғирлаган»имизни рад этиб, «ким олгани» ҳақида ҳеч нима билмаслигимизни айтдик. Томошабинларнинг ҳар бири кучли проектор ёруғида ўзи ёзадиган иккита машинани кўрар, мазкур ускуна гумон қилинаётган кишининг жавоб

бериш жараёнидаги қон босими ва нафас олишига қараб тебранишини намоён этарди.

Юқори-пастга тебранаётган тартибсиз ҳаракатлар қоғозга ёзилар, барабан уни аста-секин ўраб борарди. Текшириш ўтказадиган мутахассис қатъий тартибда ҳисоб юритарди. Йиғилганларнинг диққати таранг тортилганини кўриб, у қотилни аниқламоқчи шекилли, деб ўйлаш мумкин эди.

Нихоят ҳисоб якунига етди ва ягона *бехато хулосага* келинди – профессор Ван Тайн менга қараб:

– Мана, ўғри! – деди.

Унинг ҳақлиги ўз исботини топиб, бу ердагилар ҳайратда қолишди!

Намойишдан сўнг очиқ савол-жавобларнинг ғоят қизиқарли сеанси ўтказилди. Ван Тайн шундай деди:

– Ёлғонни аниқлайдиган детектор муваффақиятли ишлаши учун катта маҳорат керак. Бу эса фақат узоқ давом этадиган амалиёт ва тажриба орқали юзага келади. Аммо деярли ҳар бир киши у ёки бу даражада ёлғонни аниқлайдиган детектор хусусиятларига эга.

Мен Ван Тайн нимани назарда тутганини тушундим. Савдода фаолиятимни бошлаган вақтларимда ҳафтасига икки кунлаб Клейт Хансикернинг «исковучи» бўлиб ишлардим. Шу билан бирга уни *иш жараёнида* кўриш, одамларга аниқ-тиниқ нималар дейиши ҳамда мамлакат миқёсида тижорат бўйича энг муваффақиятли шахс бўлиши учун қандай ишларни амалга оширишини билишни истардим. Кўп ўтмай, унинг ютуқлари сирини англаб етдим... Мен жаноб Хансикер хонага кириши билан қандайдир яширин қувватни ҳис этардим. Буни у билан учрашган бошқа кишилар ҳам илғар, Хансикер нимаики демасин, барини қабул қилишга ўзларини мослашарди. Шундай қилиб, Хансикер бир марталик ташрифи билан ёқимли вазият яратарди. Унинг феъл-атворидаги «ярқ» этиб кўринган жиҳат самимийлик эди. Хансикер, рост гапирар, ҳатто ҳеч кимга керак бўлма-са-да, фақат ҳақиқатни сўзларди!

Ҳақиқатга нисбатан ишонч ва зарурият яхши ишлашим

учун керак эди. Бу бир неча кундан сўнг мен юқорида айтиб ўтган Бен Франклин клубида хонимлар шарафига ўтказилган зиёфатда рўй берганди. Йирик мижозим, ўз ишида муваффақиятга эришган қурувчи пудратчи мени шаҳар ратушасига бошлаб келди. У «шаҳар хўжайини» деб атаган одам билан учрашув белгилаганди.

Мен «хўжайин» мэр эмас, балки мамлакатда бош бўлган сиёсий кучларнинг вакили эканлигини билиб, ҳайратга тушганман!

«Шаҳар хўжайини»нинг ҳамроҳлари кўп эди. Улар мени Филадельфия мэрига лойиқ кўриб, бу ишга киришмоқчи эканликларини айтишганида, таажжубланганимни кўрсангиз эди! Мени-я! Олтинчи синф маълумотига эга бўлган, сиёсий тажрибаси йўқ, бошқарувга ҳеч қандай тайёргарликсиз киши – АҚШнинг катталиги жиҳатидан учинчи ўринда турувчи шаҳри мэри бўлармиш!

– Нега мэр курсисига айнан мени лойиқ кўряпсизлар? – сўрадим улардан.

– Чунки сиз бизга тўғри келдингиз, – деди Катта бошлиқ хотиржам ва қатъий тарзда. – Сиз камбағал бўлгансиз, ночор оиладан чиққансиз ва оғир йўлни босиб ўтгансиз... Дастлаб бизнесда касодга учраб, энди эса мислсиз муваффақиятга эришгансиз! Ҳа, сэр, таржимаи ҳолингиз ҳар жиҳатдан мукамал. Сизни кўпчилик овоз билан сайлашимиз мумкин!

– Сиз бу жойга муносиб одамни қўймаяпсиз, – дедим мен.

– Нимани назарда тутяпсиз? – ҳайрон бўлиб сўради Катта бошлиқ.

– Агар мени Филадельфия мэри этиб сайлашса, халқ номидан иш кўришим керак бўлади. Ҳеч қайси сиёсий жамоанинг нима қилиш кераклигини менга ўргатишига йўл қўймайман!

Ҳар иккаласининг кўриниши ва хатти-ҳаракатлари ўзгарди. Очиқ гапларимга ишонишганига амин бўлдим. Мен рост гапирдимми ёки алдадимми, билиш учун ёлғон детекторининг ҳожати йўқ эди.

Бу менга шундай илтимос билан биринчи ва охирги марта мурожаат қилишлари эди.

1920 йилда машҳур федерал судья Кенесоу Маунтен Ландисни пенсияга чиқишга мажбур этиб, профессионал бейсболнинг олий комиссари бўлишга ундадилар. Унга Америка бейсболи «қироли» сифатида йилига 40 000 доллар маош белгиланди. Агар Ландисга миллион доллар тўлашганида ҳам бу яхшигина сармоя тикиш ҳисобланарди.

У юсак обрў-эътиборга сазовор кўрқмас одам эди. Федерал судья бўлганида, Американинг таъсир кўлами ниҳоятда катта нефть компаниясини транспорт ташиш билан боғлиқ молиявий товламачиликка йўл қўйгани учун 29 240 000 доллар миқдорида жаримага тортганди. Судья Ландиснинг илк бор бутун мамлакат эътиборини ўзига жалб этган иши шу эди.

Ландис «қирол» деб тайинланганидан сўнг, кўп ўтмай, бейсболдаги энг йирик жанжал билан тўқнаш келди. 1919 йилда «Чикаго вайт сокс» ва «Цинциннатти ред легз» ўртасида жаҳон чемпиони унвони учун ўтказилган финал сериясининг келишилганлиги борасида ҳақиқат юзага чиқди. Маълум бўлишича, йирик қимор синдикати Чикаго юлдузларини кубокни «бой бериш» учун сотиб олган экан.

Финал олдидан «Чикаго»га 10х1 тикишганди. Зеро, бу жамоанинг нисбатан кучсиз «Цинциннатти» устидан ғалаба қозониши кундай равшан эди. Чикаго ўйинчилари ўша йили барча даврларнинг энг улуғ жамоаси саналарди.

Миллионлаб бейсбол ишқибозларини ҳайратга солган «Легз» чикаголикларга қақшатқич зарба берди ва саккиз ўйиндан бештасида ғалаба қозонди!

Судья Ландиснинг маҳорати ўлароқ, машҳур «Чикаго суд жараёни» бошланди. «Чикаго вайт сокс»даги саккизта буюк юлдуз айбдор деб топилди ва бир умрга профессионал бейсболдан маҳрум қилинди! Журналистлар уларни «қора пайпоқлар» деб номлашди²⁷.

²⁷ Клубнинг расмий номи бўлган «White Sox» – оқ пайпоқларга тескари тарзда.

Профессионал бейсбол умумхалқ нафратига дучор бўлди. Катта жанжал авж олди. Олий лига бадном бўлиб, тарқатиб юбориш хавфи туғилди. Аммо ҳар қандай ёмонликнинг ҳам бир яхши жиҳати бўлади. Судья Ландис, буюк миллий ўйинимиз бизнес бўлиб, рэкетчилар учун йўл таъқиқланганини исботлади. Шу тариқа бейсбол америкача турмуш тарзининг *олий тамойиллари* намунаси бўлиб қолди.

Қисқа хулосалар

«Ҳалокатли ёлғондан фойдаланманг. Фикр-ўйларингиз мусаффо бўлсин, сўзларингиз эса бор ҳақиқатни акс эттирсин».

Б.Франклин

Ҳатто ёлғон гапириш учун жазоланмаслик мумкин бўлган вазиятда ҳам ҳақиқатни баён этишда мардонаворлик кўрсатинг.

Йигирма еттинчи бўлим

ДУШМАННИ ҚАНДАЙ ЯКСОН ҚИЛИШ МУМКИН?

Бир куни эрталаб кўчада танишимни учратиб қолдим. Бир неча дақиқалик ёқимли суҳбатдан сўнг у товушини пассивитириб, сўраб қолди: -

– Фрэнк, Жо Доукс қандай одам? Унинг компаниянгизга алоқаси бор, шекилли?

– Ҳа, бор, – жавоб бердим мен.

– У менга ҳеч қачон ёқмаган. Доукс шу қадар муҳим шахсми ёки ўзини шундай қилиб кўрсатадими?

Дарҳақиқат, мен бир вақтлар Жо Доукс тўғрисида бўлмағур гапларни айтардим. У билан дўстлигимиз асло қовушмади. Менга нисбатан кўплаб марта ножоиз гапларни айтганини етказишганди. Биз ҳамиша бир-биримизга ўзаро хушмуомала муносабатда бўлардик, аммо менинг

қайсидир жиҳатим унга ёқмасди. Қайси жиҳатим эканлигини билмасдим, аммо доимо кўнглим сезарди: кўпчилик орасида бир-биримизга нисбатан ўзимизни ноқулай ҳис этардик.

Аммо бу сафар мен номақбул гапириш ўрнига Жо тўғрисида унинг ўзим билган барча *яхши жиҳатларини* айтдим: ажойиб оила бошлиғи, ниҳоятда меҳнатсевар, ўз ишини ғоятда яхши билади, компаниямизнинг энг қобилиятли ишчиларидан бири ва ҳоказо. Танишим ҳайрон қолди, бироқ энди Доукс тўғрисида фикрини ўзгартиришидан мамнун бўладиган қиёфага кирди.

Мен нималар рўй берганидан бехабарман, аммо, шак-шубҳасиз, ҳамма гапим Жога етиб борди. Бир неча кундан сўнг у хонамга кириб келди. Мен Жога ўтиришни таклиф қилдим, у эса вақти йўқлигини айтди: қандайдир учрашуви бор экан. Афтидан, Жо дўстона равишда бироз гаплашмоқчи эди, холос. Муносабатларимиздаги таранглик муайян даражада бўшашди! У кетгач, шундай ўй ҳаёлимдан ўтди: «Ғалати бўлди. Жо бир неча йилдан буён хонамга кирмаганди».

Шундан кейин кўп вақт ўтмай, иш кунининг охирида Жо хотини билан бирга меникига кириб келди.

– Бугун онамизнинг дам олиш куни, – деди у кулимсираб. – Шунинг учун уни кечки овқатланиш ҳамда кинога олиб чиқдим.

Жонинг хотинини биринчи кўришим эди. Шунга қарамай, биз дўстона суҳбатлашдик. Ўша кундан бошлаб биз Жо билан қалин дўст бўлиб қолдик.

Мен илгари жирканч, қалбни кемирадиган касаллик – *бошқаларни танқид қилиш*, уларнинг орқасидан номақбул гапириш одатидан қанчалик азият чекканимни хотирласам, уялиб кетаман. Билмадим, қанчалик аҳмоқ, сўқир эканманки, кўнгилни айнитадиган вайсақиликнинг оқибатини кўрмаганман. Мен ким ҳақида гапирилмасин, ҳар қандай гап албатта унга етиб бориши, боз устига, бутунлай тескари тарзда етказилишидан бехабар эканман.

Мазкур ҳолат бир куни оқшомда, нотиқлик санъати

курсларидан бирида ишонарли тарзда намойиш қилинганди. Дейл Карнеги бир талабани йўлакка чиқарди-ю, унга қисқагина бир воқеани гапириб берди. Талаба ўз навбатида бошқа бировни чорлаб, Дейл ҳикоя қилиб бергани такрорлади. Шу тарзда унда иштирок этаётганларнинг ҳар бирига айтиб чиқилди (биз ўттиз беш кишидан иборат эдик). Бу вақтда машғулотлар одатдагидек давом этарди.

Сўнгра охириги талаба ҳикояни эшитиш учун йўлакка чиқди. Жаноб Карнеги мазкур ҳикояни бутун синфга худди биринчи бор айтганидек такрорлади.

Шунда ҳаммамиз мириқиб кулдик!

Охириги талабадан эшитган ҳикоясини бутун гуруҳ олдида айтиб беришни сўрашди. Унинг айтганлари биринчисидан шу даражада фарқ қилардики, бутун синфда яна гулдурос кулги кўтарилди. Ҳикояда ўзгармаган ягона нарса от эди, холос!

Биз учун энг кулгилиси бу одамнинг юзидаги ифода эди. У жаҳл билан ҳикояни қандай сўзлаб беришган бўлса, худди шу тарзда такрорлаганини айтиб, оёқ тираб олди. Унинг ростгўйлигига ҳеч ким шубҳалангани йўқ. Зеро, қолганлар ҳам айнан шуни даъво қилишарди! Ёлғон гапиряпти, деб ҳеч кимни айблаб бўлмасди.

Бенжамин Франклин душманни йўқ қилишнинг энг қулай усулини кашф этганди: *«Мен ҳеч ким борасида ёмон гапирмайман; аксинча, ҳамма ҳақида фақат яхши гапни айтаман».*

Мен мазкур тамойилни бизнесда қўллаб кўрдим ва атрофдагилар ишончини қозонишнинг энг тезкор усули ўз рақибларини мақташ эканлигини англадим.

Умрим давомида Миссури штатидаги Канзас-Ситида кўп бўлганман. Бу шаҳарнинг ажойиб мэри Рой Бартолга сира дуч келмагандим. Фақат яқинда, Пуэрто-Риконинг Сан-Хуан шаҳрида у билан учрашишга муяссар бўлдим. У ерда хотиним иккимиз қисқа таътилни ўтказаетгандик.

Рой Бартол билан учрашиб қолсангиз, уни ҳеч қачон унутмайсиз! Жаноб Бартол мен билган одамларнинг энг

каттаси: оғирлиги 290 фунт, бўйи 6 футдан²⁸ зиёд, бунинг устига қалби ҳам ниҳоят улкан.

Биз «Кариб Хилтон отел» меҳмонхонаси пешайвонида Кариб денгизининг ажабтовур мовий сувларидан баҳра олиб суҳбат қурдик. Бартлнинг қисқагина ҳикоясини тинглар эканмиз, Канзас-Сити аҳолиси бу одамни нима учун севиши ва қадрлашини англаб етдик.

– Мен илгари бир қора рўйхат юритганман, – деб гап бошлади Рой. – Унга мени бир пайтлар алдаган ёки мен тўғримда бирор нохуш гап айтган кишиларнинг барчасини киритгандим. Бу қайдларни юритишдан мақсадим – вақти келиб, уларнинг ҳар биридан қасдимни олиш эди. Бир куни улуғ Уилл Рожерснинг шундай сўзларига дуч келдим: «Мен ўзимга ёқмаган одамни ҳеч қачон учратмаганман». Бу гаплар вужудимни камраб олди. Мен ўзимни ҳамиша диндор деб ҳисоблардим. Аммо мазкур сўзлар қора рўйхатим – *нафрат рамзи* эканлиги, ундан халос бўлишим кераклигини англашга мажбур этди! Мендаги нафрат ҳам рўйхат билан бирга кетиши керак. Бу Худо олдида ҳаётимни яхшилашим учун жуда зарур эди!

Уилл Рожерснинг сўзлари Бартл олдида янги дунё очганди. Бу дунё яхшиликдан иборат бўлиб, шунчалик кўп дўстлар ортиришига ёрдам бердики, қора рўйхат уларни ҳеч қачон олиб келмаган бўларди.

Уилл Рожерсни мутойибачи деб ҳисоблашади. Бир вақтлар у Америкада энг машҳур киши сифатида ном чиқарган. Аммо Рожерснинг донғи чиқишига ҳазилкашлиги эмас, балки *одамларнинг бахтли бўлишига ўзини бахшида этгани сабаб бўлди!* Уилл ўзининг чироки қабиласидан бўлган ҳиндулар авлодидан эканлиги билан фахрланарди. У бир пайтлар шундай деганди:

– Менинг авлодим «Мейфлауэр»²⁹ бортида бўлмаган! Улар уни қирғоқда туриб кутиб олишган!..

²⁸ 1 фунт – 453,6 г га тенг оғирлик ўлчови. 1 фут – 30,48 см га тенг узунлик ўлчови.

²⁹ «Мейфлауэр» – пилигримларни Англиядан Массачусетс штатидаги Плимутга олиб келган кема. Улар 1620 йилда илк колонияга асос солишган, бу АҚШга пойдевор қўйишнинг дебочаси эди.

Рой Бартл билан Сан-Хуанда танишганимдан сўнг хотиним билан Талсага сафар қилдим. Уилл Рожерс туғилган Клермордаги ранчосини бориб кўрдик. Шундан сўнг унинг номи билан аталадиган меҳмонхонада тўхтадик. Кейинги куни эрталаб Уилл Рожерс ёдгорлигини зиёрат қилдик. У ерда икки соатни ўтказдик. Жо Дэвидсон томонидан ишланган Уиллнинг бронза ҳайкали қошида узоқ вақт сукут сақладик. Ҳайкалтарош унинг ажойиб, ёқимли табассумини акс эттирганди. Ёдгорлик пойдеворида ёзилган битикни ўқиганимиздан сўнг бу табассум маъносини англадик:

«МЕН ЎЗИМГА ЁҚМАГАН ОДАМНИ ҲЕЧ ҚАЧОН УЧРАТМАГАН-МАН».

Йигирма саккизинчи бўлим

«СЕН ҚЎРҚОҚСАН!»

Мени «Сент-Луис кардиналс» жамоасига қабул қилишганидан сўнг, маҳаллий «Брейвз» билан ўйнаш учун Бостонга жўнаб кетдик. Мен беллашув олдидан ниҳоятда ҳаяжонланган ва майдонга чиқишимни кута-кута кўзим тўрт бўлганди. *Бунинг сабаби бор эди.*

Илгари Бостонда ҳеч қачон бўлмагандим. Маълум вақтундан ўттиз мил нарида Хаверхиллда яшаб, Янги Англия лигасида маҳаллий жамоа учун ўйнардим. «Хаверхилл» менежери Билли Гамильтон бўлиб, илгари олий лигадаги энг яхши ўйинчилардан бири, аммо раҳбар сифатида ўлгудай инжиқ эди. У ўйинчиларни кўрқитиб, тўхтовсиз сўкарди. Мен бу жамоага кирган кунимдан бошлаб, нимаики қилсам, Билли барчасидан камчилик топди. Учинчи куни жамоага Алабама штатининг Мобила номли масканидан бўлган чиройли, катта ёшдаги питчерни қабул қилишди. У ҳузури-мизга келиш учун бир кеча-кундузни поездда ўтказганига қарамай, менежер дарров тўп узатишга қўйди.

Бу йигит узатадиган ҳар бир тўп эркин ўйинчига белги-лангандек кўринарди. Тўғри англадингиз – эркин ўйинчи мен эдим. Майдон текис эмас, тўплар эса иягимга тегиб,

қапчиб учар, кўкрагимга, бошимга уриларди. Менга ҳаммаси бўлиб тўрт марта очко ёзишди, аммо жами саккиз марта фол (очко) бажаргандим.

Мен ва питчернинг шаънига менежер айтган аччиқ ибораларни ҳеч қачон эшитмагандим. Ўзимни шунчалик йўқотиб қўйдимки, керакли ҳаракатни ҳам бажара олмасдим. Питчер ҳам худди шу аҳволда эди. Биз 14:3 ҳисобида ютқаздик.

Ўша оқшом овқатлана олмадим. Ўйинчилар тановул қилишаётганида, мен меҳмонхона ёнидаги кўчада турардим. Нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлардим. Кўп ўтмай менежер чиқиб келди. Мени пайқамай йўлақдан ўтди-да, чодирнинг оёқ томонига суянди. Назаримда, у ҳам ҳеч нима емаганди.

Аста-секин бошқа ўйинчилар ҳам чиқа бошлашди, аммо бирортаси ҳам менежерга яқин бормади. Ниҳоят катта жуссали, чиройли, ўша куни келган жанублик йигит чиқди. Уни ҳеч нима безовта қилмагани очиқдан-очиқ кўриниб турарди. Яхшилаб овқатланган ва ўзини бутунлай хотиржам тўтар, тишини кавларди.

Бу янги питчер менежерга яқин келиб, хуш-хандон ҳолда деди:

– Хўш, Билли, бугун мен ўйиндан ташқарида эдим, шундайми?

– Ҳа, эртага сен умуман стадиондан ташқарида бўласан, – деди Билли жеркиб.

Худди шундай бўлди!

Ўша оқшом мен Билли Гамильтоннинг олдида бориб, ўзимнинг либосимни узатдим.

– Бу нимаси? – сўради у.

– Бас, етар! – дедим деярли шивирлаб.

– Бекорларни айтибсан! – деди у. – Эртага майдонга тушасан ва уларга аслида кимлигингни кўрсатасан.

– Иложим йўқ. Агар эртага чиқадиган бўлсам, ҳатто тўпни ҳам тута олмайман.

– Сен кўрқоқсан! – жавоб сифатида тамға босди Билли...

Эртаси куни тонгда мен Хаверхиллдан биринчи поездга

ўтириб жўнаб кетдим. Клуб президенти ҳеч қандай шарт қўймасдан бўшатганди.

Шундай қилиб, Билли Гамильтон «Сент-Луис Кардиналс»да менинг фамилиямни кўриб, бейсбол оламида ҳаммадан кўпроқ хайратга тушиб қолган бўлиши мумкин! У шахсан ўзи «қўрқоқлиги» учун думига консерва банкиси туккан «ҳаваскор»ни кўзлари билан кўриб, мен эканлигимга ишонч ҳосил қилиш мақсадида Хаверхиллдан ўттиз уч мил йўл босиб келганди. Биллини яққол кўзим билан кўрмадим. Ўйнар эканман, минбарга қарашга қўрқардим, чунки Биллга кўзим тушса, кўнглим ғаш бўлишини билардим. Аммо унинг ана шу оломон орасида борлигини муайян даражада ҳис этдим.

Мен Билли Гамильтон билан рўй берган аччиқ воқеаларни ҳикоя қилиб беришни истамагандим. Аслида уни бутунлай унутиб юбормоқчи эдим. Аммо Хаверхиллга келишим ҳаётимга муҳим таъсир кўрсатди, шу боис ушбу воқеани гапириб беришни зарур деб ҳисобладим.

Хаверхиллда ўтган ўша уч кун мен учун қанчалик оғир кечмасин, «Кардиналс»даги дастлабки уч кун янада баттар бўлиши мумкин эди! Биринчи куни мени *битта оширган тўпим* учун чиқариб юборишди!.. Орадан икки кун ўтгач, Питтсбургга келдик. У ерда пўлат ва бетондан қурилган «Форбз филдз» стадиони қурилиши эндигина тамомланган экан.

– Биз «Питтсбург»га қарши ўйнамоқчи эмасмиз, *Ганс Вагнерга* қарши ўйнашга тайёрланмоқдамиз, – дейишди ўйинчилар менга.

Улар ошириб-тошириб гапирганлари йўқ. Айнан буюк ўйинчи Ганс Вагнерга худди шундай муносабатда эдилар!

Бреснаган мени шорт-стоп³⁰ сифатида ўйнашга қўйди. Бу «Сент-Луис» учун бўлган биринчи тўла-тўқис ўйиним эди. Еттинчи иннингда ҳисоб бизнинг фойдамизга 3:2 бўлганди. Вагнер биринчи базада, яна битта буюк бейсмен Томми Лич эса учинчи базада эди. Биринчи тўп узатишда

³⁰ Шорт-стоп – иккинчи ва учинчи база орасида турувчи жамоани ҳимояловчи ўйинчи.

Вагнер иккинчи базани олишга қарор қилди. Кетчеримиз Фелпс ўша куни ажойиб тарзда тўп ташлади. Мен коптокни иккинчи базадан ушладим. Вагнер бунга қандай осонлик билан йўл берганини кўриб, сал бўлмаса кулиб юбораёзгандим: у *тўхтаб қолди!* Вагнерга тезда қараб, улоқтирилган тўпни ушлаш учун чўзилдим... Аммо у орқага тисарилди, сўнг мени ҳайрон қолдирганча аста-секин *орқага, биринчи базага* лўкиллаб чопди! Мен учун унинг хатти-ҳаракатида ҳеч қандай маъно йўқ эди. Личга назар ташладим. У учинчи базада қўлини кўкрагига чалиштирганча бўшашиб турарди. Мен эса Вагнер томон шиддат билан югурдим, уни орқада қолдирмоқчи эдим!.. Ана шунда Вагнерни нима учун «учар голландиялик» дейишларини билиб олдим. Биз, барчамиз эндигина тезликни оширганимизда, Лич худди жиннилардек уйга қараб ўзини урди. Мен, ҳатто тезликни камайтирмай, Личнинг уй майдончасига борадиган йўлини тўсиш учун тўпни улоқтирдим. Тўп кетчердан йигирма фут масофада учиб ўтди ва ўйинчиларнинг бетон ўриндиғига ўқдай бориб тегди. У ерда «Кардиналлар» жамоасининг захирадаги ўн нафар ўйинчиси эриниб, ўйинни кузатарди. Улар яшириниш учун ўзларини у ёқ-бу ёққа ташганларида, тўп ҳам барча бурчакка тегиб сапчиб, охири Бреснаганнинг жағига урилди! Менинг тўп ташлашим базани тозалаган ва ўйин хотимасини ҳал этганди. У иштирокимни ҳам охирига етказгандек кўринди.

Иннинг тугагач, ниҳоят мени Бреснаган имо билан ёнига чақирди. У ўриндиқдан жой бўшатиб, ёнига ўтиришга таклиф қилди.

– Сен нимани нотўғри қилганингни биласанми? – хотиржам сўради Бреснаган.

– Ҳа.

– Нима? – У мени синчковлик билан кузатарди.

– Мен жоним борича югуриб, тўпни биринчи бейсмемиз Конетчига ташлашим керак эди. Кони Лични уй ёнида осонлик билан енгарди.

– Тўппа-тўғри! – жилмайди Бреснаган ва елкамга дўстона қоқиб қўйди.

Агар у Билли Гамильтон каби иш тутганида, мени яксон қилиши мумкин эди. Ўша кундан бошлаб ўлик-тирик-лигимга қарамай, мусобақада... Бреснаган учун ютишга ҳаракат қилдим.

Инсонга ишониш – демак, унга биринчи ёрдам беришдир.

Жамоа сардори Миллер Хаггинснинг ўйинчилар жанговар руҳини кўтариш борасида ажойиб усули бор эди. У жамоанинг ҳар бир аъзосига хос энг яхши ўйин ҳолатларини ҳамиша эслаб қоларди. Сўнгра кимнингдир четлаб ўтиб бўлмайдиган пасайиши юз берса, Хаггинс танқид қилиш ўрнига мазкур ўйинчига энг яхши лаҳзаларини эслатарди. Бундай ёндашув иш берарди! Ишончим комилки, айнан шу фазилатлари туфайли Хаггинс кейинчалик «Нью-Йорк янкиз» жамоасининг менежери бўлиб тайинланди ва Нью-Йорқда улкан муваффақият қозонди.

Бейсболда ўйнаган йилларим мобайнида танқид ўйинчиларга ёрдам берганини эслай олмайман. Танқид ўрнига *мақташ ва рағбатлантириш* эса деярли сезилмаган ўйинчини юлдузга айлантирганини кўрдим. Бу уларга уйғунлик ва жанговар рух бағишлаб, чемпионатда ғалаба келтирарди!

Қисқа хулосалар

Душманни тор-мор қилишнинг энг яхши усули – дунёнинг энг буюк дипломатларидан бири Бенжамин Франклин тамойилини қўллашдир. У шундай деган: *«Мен ҳеч ким борасида ёмон гапирмайман; аксинча, ҳамма ҳақида фақат яхши гапни айтаман»*

Ҳар бир киши ўз шахсиятини намоён қилиш учун мақтовга зарурат сезади – *хушомадни эмас, балки рўй-рост, самимий эътирофни истайди.*

Бейсболда ўтган йилларим давомида танқид ўйинчиларга ёрдам берганини эслай олмайман. Аммо чин юракдан айтилган мақтов ва рағбат ўртамиёна ўйинчини юлдузга айлантирганининг гувоҳи бўлганман. Бейсболни тарк этганимдан сўнг бу тамойиллар *бизнесда ҳам, оилада ҳам* худди шу тарзда натижалар беришини англадим!

Йигирма тўққизинчи бўлим

АСОСИЙ ИСТАК

Агар сиздан: «Муваффақиятли ҳаёт кечириш учун энг муҳими нима?» – дея сўрашганида, қандай жавоб берган бўлардингиз? Чикаго университетининг мамлакат аҳолиси ўртасида ўтказган сўрови натижасига кўра, катта ёшдаги аксарият кишилар ҳаётда *соғлиқни* энг асосий омил деб ҳисоблашар экан.

Америка халқининг соғлиғи тўғрисида нима дейиш мумкин?

Ўлим сони статистикаси гувоҳлик беришича, Америка ғоят соғлом. Масалан, кейинги йилларда аҳолининг ўртача умри йигирма йил – қирқ тўққиздан олтмиш тўққизгача ўсганини кўрсатади. Аммо соғлиқни фақат ўлим статистикаси билан ўлчаш мумкинми? Бизнинг тўлиб-тошган шифохоналаримиз, оромгоҳлар ва қариялар уйлари бутунлай бошқа жавобни беради. Келинг, далилларни таҳлил қилайлик.

Ўртача умрнинг ўсиши, асосан, янги туғилган чақалоқлар ҳамда болалар ўлимининг камайиши ҳисобига юз беради. Тиббиёт бўғма, тиф, қизилча, чечак, полиомиелит (асаб тизимини фалаж қиладиган ўта юқумли касаллик) ва ҳоказо юқумли хасталикларга қарши курашда фавқулдда улкан натижаларни қўлга киритди. Шу билан бир вақтда саратон, инфаркт, диабет каби касалликлар ваҳимали тарзда тезлик билан тарқалиб кетмоқда!

Соғлиқ узоқ йиллар давомида менинг асосий муаммоим бўлган. Туғилганимдан буён хасталикка чалингандим. Болалик йилларимнинг катта қисмини хонада бошқа тенгдошларим қувнаб ўйнашига тикилиб ўтказганман. Мен чечакдан ташқари барча болалар касаллиги билан оғригандим. Қўшнилари онамга шундай дейишарди:

– Бу гўдақни парваришлаб ўтирманг. Унга қарайвериб ўзингизни абгор қиласиз. Шусиз ҳам иш билан бандсиз-ку!

Аммо онам доимо бир хил тарзда жавоб берарди:

– Шифокор айтдики, мен Фрэнкни бир амаллаб ўн олтигача етказсам, у ҳаммадан узоқ умр кўрар экан.

– Шунақами, унда ўзингиз узоқ яшай олмайсиз, – дейишарди қўшнилари.

Онамнинг омади чопди – у саксон уч ёшгача яшади. Мен эса ҳозир етмиш икки ёшдаман. Ҳаётимнинг энг муҳим қисми бўлмиш навбатдаги ўн йилни сабрсизлик ила кутаман!

Ўн икки ёшимда, мен билан ниҳоятда ажойиб воқеа рўй берди! Дунёдаги энг кучли инсон машҳур Южин Сандоу Филладельфиядаги Кита театрига келадиган бўлди. У кундузги махсус сеансда ўзининг қандай қилиб ногирон боладан дунёдаги энг кучли кишига айланганини тушунтириб беради, деб эълон қилишди.

Мен буни ўтказиб юбора олмасдим. Йўлакда ўтирганча Сандоунинг келишини сабрсизлик билан кута бошладим.

– Бош кийимларни олинглар! – деб қичқирди баҳайбат полициячи қўлидаги даррани полга урар экан.

Чироқ ёнди! Парда кўтарилди ва Сандоу пайдо бўлди! Унинг кўриниши кучли таассурот қолдирадиган тарзда эди: баданига ёпишиб турган кийими хушбичим танасини намойиш қиларди. Мен Сандоунинг ҳикоясини кучли ҳаяжон билан тингладим. Бир куни отаси уни тебранма оромкурсида Берлин театрига олиб борибди. Томошада чиқиш қилган полвон машқлар ёрдамида касалликдан даволанган экан. Сандоунинг айтишича, ўша оқшом унда муваффақиятга эришиш учун ишонч пайдо бўлган. У мазкур машқларни намойиш этар экан, уларни бажариш соғлиқ ва куч-қудратни таъминлашини алоҳида таъкидлади.

Сандоу йўлакка назар ташлади, шунда тўғридан-тўғри менга қараётгандай туюлди ва шундай деди:

– Мен уддаладимми, демак, сиз ҳам эплейсиз!

Менинг юзимдан кўз ёшларим оқиб кетди. Ўша куни уйга, худди Сандоу каби соғлом бўламан, деган астойдил ишонч билан келдим.

Мактабдан қайтган заҳоти машқ қиладиган бўлдим. Йиллар давомида кунт билан бажардим. Бунда суперкучли бўлишни сира орзу қилганим йўқ. Шунчаки «Свапудель шайкаси»даги болалар каби кучли бўлишни ис-

тардим. Улар мактаб ҳовлисида барчанинг пўстагини қоқишарди.

Орадан бир йил ўтгач, ҳар куни эрталаб соат бешдан еттигача газета тарқатадиган бўлдим. Ўн саккиз ёшимдан бошлаб профессионал бейсболчига айландим. Ишончим комилки, жисмоний соғломлик, ҳар кунлик машқларни бажаришдаги ўз-ўзини қатъий интизомда тутиш кўп жиҳатдан самара берди. Бу эса йиллар давомида Франклиннинг ўн уч ҳафталик режасини тиришқоқлик ва қунт билан бажаримга ижобий таъсир кўрсатди.

Гарчи болалик таассуротларим асосан ёш авлодга мўлжалланган бўлса-да, бўлимнинг қолган қисмлари ҳар қандай ёшдаги китобхонга тааллуқлидир.

Бир пайтлар мен нью-йорклик Флетчер номли машҳур киши тўғрисида ўқигандим. У ошқозон яллиғланишининг ўткир тури билан оғриган бўлиб, ҳатто оддий овқатни ҳам ҳазм қила олмасди. Аслида Флетчер очликдан ўлар ҳолатга етарди.

Аммо у егуликнинг ҳар бир ушоғини суюқ ҳолга келгунича чайнаб, шу йўл билан даволанганди. Флетчер эллик ёшга етгунича тиббиёт ва спорт дунёсини лол қолдириб, олимпиада жамоасининг аъзосига айланди! У ядро улоқтириш ва тош кўтариш бўйича рекорд ўрнатди! Флетчер ўз сирларини шундай талқин қилган: егуликнинг ҳар бир бўлагини ўттиз икки марта чайнаш керак. Бу «Флетчерлаш усулида тановул қилиш» деб оммалашди.

Мен мазкур маслаҳатга салкам олтмиш йилдан бери риоя қиламан. Ҳеч ким овқатни мендай роҳатланиб тановул қила олмайди. Овқатни охиригача ейман ва ҳазм бўлмаслигидан сира азият чекмайман.

Бейсболдаги ўйинчиларни ароқхўрлиги учун ҳайдашганини кўп марта эшитгандим. Бейсболчи бўлгач, буларни ўз кўзим билан кўрдим. Лекин шуни алоҳида таъкидламоқчи эдим: ароқхўрлиги учун ҳайдалган бир кишига мечкайлиги туфайли ҳайдалган ўн киши тўғри келарди!

Ҳар бир луқмани ўттиз икки марта чайнаш – «флетчерлаш» – таомга соғлом ақл билан ёндашишни англатади.

Бунда керагидан ортиқча овқат ея олмайсиз. Мадомики ошқозонда овқат ҳазм бўлишига ёрдам берадиган сўлак ажралиб чиқиши кўпаяди ва сиз ҳеч қачон таомнинг ҳазм бўлмаслиги ҳамда ошқозон яллиғланишидан азият чекмайсиз. Боз устига вазнингиз меъёрида бўлади. Менинг оғирлигим эллик йилдан буён ҳозиргача ҳеч қандай парҳез сақламасам ҳам деярли бир хил сақланган. Франклин: *«Мен очликдан кўра мечкайлик, кўп овқат ейишдан кўпроқ ўлишларига ишонч ҳосил қилганман»*, – деб ёзганди.

Далиллар шуни кўрсатадики, ортиқча вазн кўп овқатланиш туфайли юзага келади, бу эса умрни қисқартиради. Одам вазнини қанчалик оширса, касалликнинг юзага келиш эҳтимоли шунча кўпайиб, ҳаёти учун кўпроқ хавф туғдиради.

Бир вақтлар газета тарқатаётиб, биринчи саҳифадаги каттакон суратга кўзим тушгани эсимда. Унда оғир вазнлилар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Жим Корбеттни нокаутга учратган Боб Фитцсиммонс акс этганди. Корветтнинг оғирлиги 195 фунт, Фитцсиммонс эса бор-йўғи 160 фунт вазнга эга эди. Энди у ўрта, ярим оғир ва оғир вазнлилар ўртасида жаҳон чемпиони бўлиб қолди!

Аксарият мутахассисларнинг айтишича, Фитц, шубҳасиз, бокс тарихида энг кучли зарба берадиган боксчи бўлган. Жангдан сўнг журналистлар Фитцсиммонсдан ҳайратомуз кучининг сири нимада эканлигини сўрашди. Жавоб кишини карахт қиладиган даражада бўлиб, уни барча газеталар ўз муқовасида чоп этди. Фитц шундай деди:

– Бунинг сири – нафас олишда. Куч танадаги асосий мушак – диафрагмадан боради.

Ҳамма бунга қизиқиб қолди ва батафсил изоҳ беришни сўрашди.

– Кучни қорин билан нафас олиш ривожлантиради, – деди Фитц. – Агар қоғозхалтани пуфласангиз, ҳаво унинг охиригача бориб, қуйи қисмини шиширади. Кўпчилик кўкрак қафаси билан нафас олади. Улар ўпканинг юқори томонидан нафас олиб, нафас чиқарадилар, пастки қисмларга эса ҳаво муайян даражада кам етиб боради. Қорин

билан нафас олиш диафрагмани юқори-пастга ҳаракат қилишга мажбур этади, қонда кислород миқдорини фаоллаштиради. Бир пайтнинг ўзида қон айланишини яхшилайдди, уни йўналтириб, бошқариб туради. Қоннинг шу тариқа айланиши қизил қон томир (артерия)ларни кенгайтиради ва қисқартиради.

Буни синаб кўрганимда, даставвал санчиб оғриш пастга, оёқларим учигача «кучайиб» кетганини ҳис этдим. Мен туғилганимда, юрагим заиф бўлган. Йиллар ўтган сайин суғурта компаниялари менга тобора кўпроқ суғурта ҳужжатлари сотар, ўшалар туфайли ҳаётимни бир қолипдаги баҳода суғурта қилишим мумкин эди. Ишончим комилки, қорин билан нафас олиш – нафас олишнинг энг ягона тўғри усулидир. У табиийдир. Мен ҳайвонларнинг ҳатто уйқусида ҳам айнан шу тарзда нафас олишини пайқаганман. Тўғри нафас олиш юрак-қон томири тизими учун қанчалик аҳамиятга эга? Мен яқинда «Пенсильвания кардиологлар уюшмаси журнали»да ақлни шоширадиган бир фикрни ўқиб қолдим: «АҚШ бир йил ичида юрак-қон томир хасталикларига дучор бўлган кишиларни мамлакат иштирок этган барча урушларда ўлганлар сонидан ҳам кўпроқ йўқотади».

Менинг ёшим улғайган сари жисмоний машқларни тобора кам бажараман ва кўпроқ керишаман, қўл-оёғимни ёзаман. Пайларни ёзиш – енгил ва ниҳоятда ёқимли машқ шаклидир. У жуда кам вақтни олади, шу боис Американинг энг банд кишилари ундан фойдаланадилар.

Бир неча йил муқаддам машҳур спорт журналисти Хью Фуллертоннинг Айова штатидаги Де-Мойндан етишиб чиққан спортчи Фрэнк Готч билан ўтказган интервьюсини ўқиб, бунга ниҳоятда қизиқиб қолгандим. Фрэнк «енгилмас» поляк паҳлавони Зибиско билан (у кураш бўйича жаҳон чемпиони эди) мусобақага тушишга тайёрланаётганди. Фуллертон Готч жойлашган меҳмонхонага келди ва уни хонасида тўшақда шортида ётганига кўзи тушди. Хьюнинг ҳикоясини келтираман:

«– Салом! – деб кўришди Готч. – Бир дақиқа ўтириб туринг, ҳозир машқимни тугатаман.

Унинг бор-йўқ иши – танасининг турли қисмини чўзиш ва тортиш эди. Готч дам олар, кейин яна керишиб, пайларини ёзарди. Сўнг бирдан каравотдан сакраб туриб, мени ушлади (оғирлигим 165 фунт эди) ва ҳавога отди. Сўнг қаҳ-қаҳ урганча тутиб олди-да, оромкурсига ўтқазди.

– Бу нимаси? – деб сўрадим росманасига ўзимни йўқотиб.

– Қўл-оёғимнинг чигилини ёзиш бу! – хитоб қилди Готч. – Энди фақат ўша дарозни полякчасига сўкишни ўргансам бўлди, жангга тайёрман.

– Сиз спорт залида машқ қилмайсизми?

– Йўқ, – жавоб берди Готч. – Бошқалар ўзларини югуриш йўлагига ҳолдан тойдираверсин. Мен шу тарзда машқ қилиб, мағлуб бўлган кўплаб яхши курашчиларни кўрганман.

– Ҳазиллашмаяпсизми? – ишониб-ишонмай сўрадим мен. – Агар гапларингиз рост бўлса, ўзингизни шу ҳолатда сақлашга қандай эришгансиз?

– Менга ҳаммасидан кераклиси – фақат керишиш, пайларни ёзишдир!

– Керишиш дейсизми?!

– Ҳа. Итлар ва мушуклар уйқудан уйғонгач, нима қилишини кўрганмисиз? Улар бутун гавдаси билан керишади. Сиз кирганингизда, мен шу тарзда ётгандим, кўрдингиз. Ит ва мушуклар ҳамиша жуда яхши ҳолатда юради. Тўғрими?

Икки кундан сўнг Фрэнк Готч рингда худди қоплон мисоли пайдо бўлди. Деярли кучанмасдан, «енгилмас» деб ҳисобланмиш поляк паҳлавонини икки марта улоқтириб ташлади. Шу тариқа кураш бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди!»

Хью Фуллertonнинг ҳикояси ишонарли. Шу боис, мен қизғин тарзда КЕРИШИШ тарафдорига айландим!

Энг катта керишишимни эрталаб ўрнимдан туриш олдидан тўшақда бажараман. Шунингдек, кун давомида бўш вақтимга қараб, бор-йўғи икки дақиқада яна қўл-оёқларимни ёзаман. «Еттинчи иннинг керишиши»ни томошагоҳда бажарганларга ҳавасим келади! Агар тушлиқдан олдин ётиш учун вақтим бўлмаса, полда бир неча дақиқа ётиб

керишаман – бу умуртқа поғонаси касаллигини мустақил равишда даволашга ўхшаб кетади!

Сиз балки: «Манови Беттжер метин мушакли ва заиф мияли кишилардан қахрамон ясаб қўйди-ку!» – деб ўйлашингиз мумкин. Нима ҳам дердик, Бен Франклиннинг мушаклари кучли, аммо шу билан бирга мияси ҳам ниҳоятда беназир эди. Ёдингиздами? Бен саломатликни қандай қилиб яхши сақлаш борасида кўп ёзганди. Аслида Франклиннинг ўн уч тамойилидан тўрттаси саломатлик билан алоқадор.

«Ридерз дайжест» журнали машҳур кардиолог Пол Уайтнинг сўзларини келтирган: «Ўйлашимча, доимий жисмоний машқлар вақти келиб одамзодга хавф солаётган томирларда қоннинг ивиб қолиши (коронар тромбоз) ва артерияда қон босими ошиб кетиши (гипертония)ни олдини олишнинг энг яхши воситаси бўлиб қолади. Шу билан бирга машқ қилиш асносида вазнга ҳам қараш, ортиқча овқат емаслик, мол ёғидан бутунлай тийилиш керак».

Саломатлик қачонгача одамларнинг асосий хоҳиш-истаги бўлиб қолади? Чикаго университети сўровларигача – 1900 йил муқаддам Исо Масих қавмга йўлбошчилик қилган уч йиллик вақтининг катта қисмини одамларни даволаш билан ўтказганди. Қадимги яҳудий қонунларининг кўпчилиги ҳамда Исо Масихгача минг йил аввал туширилган ўнта диний амр ҳам саломатликка алоқадор бўлган.

Қисқа хулосалар

Озиқ-овқат

Ҳар бир бўлакни 32 марта чайнанг. Ана шунда дунёдаги энг буюк ҳузурланишлардан бири – овқатдан тановул қилиш лаззатини ҳис этасиз. Сизда ҳазм бўлмаслик ҳолати учрамайди. Ўзингизни меъёрий вазн билан таъминлайсиз ҳамда узоқ яшайсиз!

Машқ

Ҳар куни қандайдир машқларни бажаришга ҳаракат қилинг. Аммо қирқ ёшдан сўнг ҳар қандай ортиқча фаол-

ликдан ўзингизни четга олинг. Энг фойдали машқлардан бири – яхшилаб керишиш бўлиб, эрталаб тўшақдан туриш олдидан бажарилади. Икки марталик «еттинчи иннинг» керишиши кун давомида бир неча дақиқа вақтни олади, холос. Машқ қадди-бастни яхшилаб, эгилувчанлик ҳамда хуш кайфият билан таъминлайди.

Тез-тез дам олинг

Имкониятингизга қараб кечки овқатдан олдин ёки тушлиқдан кейин йигирма дақиқа ёнбошланг. Ёқани бўшатиш, пойафзални ечиб, камарни эркин қўйинг. Мазкур амаллар бир оз ёнбошлаш ёки узоқ вақт ўтирмақчи бўлганингизда керак бўлади. Уйда (имкониятга кўра офисда) қулай, юмшоқ оёқ кийими кийинг.

Саломатликни текшириб туриш

Биз машиналарни, албатта, техник кўриқдан ўтказамиз, улар узоқ ҳамда ишончли хизмат қилсин, деймиз. Нима учун жисмимизга ҳам шу қадар ғамхўрлик билан ёндашмаймиз? Бир йилда бир марта тўлиқ тиббий кўриқдан ўтинг. Ҳар ярим йилда тиш шифокори текшируви, ҳар икки йилда кўз дўхтирининг ҳузурига бориб туринг.

Ўттизинчи бўлим МАЖБУРИЙ ЗИЁФАТ

Эсингизда бўлса, мен ушбу китобнинг кириш қисмида *энг фантастик бейсбол мусобақаси* ҳақида ҳикоя қилгандим. Бир неча йилдан сўнг лига томонидан Делавэр округининг Честерида уюштирилган йиллик зиёфатга таклиф этилдим. Бундан ҳайрон бўлдим. Сўнг қатнашмасликка қарор қилдим, чунки бейсболни ташлаган, вақтим ва кучимни бизнесга бағишлагандим. Ҳатто Суартмордаги коллеж тренерлигидан ҳам бўшагандим.

Аммо шу пайт эски дўстим Вернон Тачстоун қўнғироқ қилиб, «мажбурий зиёфат»га бора оласанми?» деб сўради.

Ундан нима учун боришим кераклигини сўрадим. Вернон шундай деди:

– Клифтон-Хайтсда ўзининг ўқ узиши билан финал ўйинимизни чипакка чиқарган одам эсингдами? Зиёфатга у ҳам келиб, учган тўпни қандай қилиб уриб туширганини кўрсатар экан. Қолган ўйинчилар ҳам ташриф буюрмоқчи. Роса овоза бўлади!

Мен буни ўтказиб юбора олмасдим.

Зиёфат атрофидаги шов-шув авжида, одамлар мисли кўрилмаган даражада кўп йиғилганди. Бироқ «милтиқли киши» барибир келмади. Аммо унинг ўрнига ҳеч ким унутиб юбормайдиган, кишини лол қолдирувчи томошани кўрдик.

Сўзга чиқувчи асосий шахслар Пенсильвания штати губернатори, Миллий бейсбол лигасининг собиқ президенти Жон К.Тенер ва штат олий суди раиси Уильям И. Шафер эди. Улар, ҳақиқатан, ҳурматли зотлар ҳисобланишарди.

Шунга қарамай, бу шахслар кутилмаган совға бўла олмадилар. Делавэр округи лигасидаги тўртта жамоанинг ҳар бир менежеридан «бир оғиз сўз» айтишни сўрашди. «Аплэнд» менежери Билл Миллернинг навбати келди. У ўрнидан туриб, журъатсизлик билан бу қадар кўп кишилар ҳузурида сўзга чиқа олмаслигига иқрор бўлди. Ўзининг ўрнига дўсти Бен Ладлоу сўзга чиқишини маълум қилди. Ўша оқшомгача жаноб Ладлоу ҳақида ҳеч ким эшитмаганди.

Бу ёш адвокат *ҳаммани ўзининг соясида қолдирди!* Губернатор ва суд раиси нимаики деган бўлса, бир зумда унутилди. Бен Ладлоунинг сўзлари эса хотирамда *бутунлай* сақланиб қолди. У бор-йўғи беш дақиқа сўзлади, аммо қандай, денг! Мени, айниқса, Ладлоунинг ширин табассуми кўпроқ қойил қолдирди. Бен бахт-иқбол сочган ва қисқа фурсат ичида барчани бахтли бўлишга мажбур этганди. Унинг маҳлиё қилиб қўядиган табассуми сўзини тугатгунича юзидан аримай турди.

Мени Бен табассумининг тингловчиларга қай тарзда

таъсир қилгани ҳам лол қолдирди. Буни умримнинг қолган қисмида қўллайдиган бўлдим. Бир одам билан гаплашаманми ёки мингтаси биланми, албатта, шунга амал қилардим. Мўъжизаларга тенг табассумдан фойдаланганим боис, кўп ўтмай мендан хурсанд бўла бошлаганларини пайқадим.

Ўша оқшом тингловчилар – муштлашишга тайёр турган оломонга сеҳрли таъсир кўрсатган адвокат билан кейин нима рўй берди, деб сўрарсиз? Бенжамин Ладлоу тез орада Пенсильваниянинг энг муваффақиятли, машҳур ва ҳурматли адвокатларидан бири бўлиб қолди.

Биринчи жаҳон уруши йилларида ҳукумат тузган «тўрт дақиқаликлар» ташкилотининг Пенсильваниядаги раҳбари этиб ким тайинланган деб ўйлайсиз? Тўғри! Ёш, хушмуомала, ёқимтой табассумли ана шу адвокат. Бенжамин ўз маърузалари билан бизни халқ орасида озодлик ва ғалаба ғояларини ёйишга руҳлантирар, қалбларимизда ўт ёқарди. Унинг сўзга чиқишини кўрсангиз эди! Бен бир лаҳзада барчани кулишга, кейинги дақиқада эса кўз ёши тўкишга мажбур этар, аммо ўзининг кўзида ёши бўлса ҳамки, табассум қилишда давом этарди!

Мен барчада, бахтга фақат табассум билан эришиш мумкин, деган тасаввур уйғонишини истамайман. Аммо у—жуда ажойиб *тутантирик!* Даставвал мен ўзимдан табассум чиқара олмадим. Отамнинг ўлимидан сўнг меҳрибон онам бизнинг яхши яшашимиз учун барвақт туриб, соат бешдан ярим кечагача тиним билмай тер тўкишини кўрардим. «Қувноқ» тўқсонинчи йиллардаги кўрқинчли эпидемия тўрт нафар синглимдан учтасини олиб кетди. Биз, ҳатто кулишга *қўрқиб* қолгандик. Ҳаддан зиёд бахт-саодат пировардида бахтсизликка сабабчи бўлади, деб ишона бошладик!

Лекин мен англадимки, агар кайфиятингиз бўлмаса ҳам, ўзингизни худди бахтли одамдек кўр-кўрона кулишга мажбур этсангиз, кўтаринкилик қуйилиб келаётганини ҳис этасиз! Бу Американинг энг машҳур руҳшунос ва файласуфларидан бири Гарвард университети профессори Уильям

Жеймс томонидан йиллар давомида ўтказилган тажрибалар орқали тасдиқланган.

Ҳозир айна шу дақиқада сизни нимадир безовта қиляптими? ЖИЛМАЙИНГ! Бир пайтнинг ўзида ҳам ташвишланиб, ҳам кулиш мумкин эмас! Шу боис, кулиш асносида безовталанмай қоласиз.

Синаб кўрасизми? Буни ҳар куни бир ҳафта давомида бажариб кўринг. Ҳар бир тирик жонга энг бахтиёр табассумингизни ҳадя этинг. Ана шунда ўзингизни қанчалик яхши ҳис қилишингиз ҳамда ажойиб кўринишга эга бўлганингизни кўрасиз! Табассум – «безовталиқни бартараф этиб, яшашни бошлаш»га тааллуқли менга маълум машҳур усуллардан энг аълоси. Сиз қаерда бўлманг, қай манзилга борманг, табассум туфайли ҳамма жойда бағоят ардоқли инсонга айланишингизга ишонч ҳосил қиласиз.

Америкада Шукроналик кунининг келиб чиқиши

(Шукроналик кунини овоз чиқариб жамоавий ўқиш учун оила аъзоларига ёқимли мактуб)

Ривоятларга кўра, Янги Англия пойдевори қўйилаётган пайтда кўчманчилар кўплаб қийинчилик ва етишмовчиликларга дуч келишган. Одатда, тараққийпарвар кишилар ёввойи мамлакатда жойлашишга уринганларида шундай бўлади. Улар бўлажак диндорлар сифатида Кўкдан енгиллик ва ором изладилар, рўза ва муножотнинг белгиланган кунларида муҳтожлик ҳамда ғам-аламларини Худо олдида тўкиб солдилар. Бу мавзуда доимий ўйга чўмиш ва диний ваъзлар уларни тунд фикрлайдиган қилиб қўйди. Улар исроилликларнинг кўплаб фарзандлари қувғин туфайли қолиб кетганлиги учун Мисрга қайтишни қанчалик орзу қилишгани ҳақида мулоҳаза юрита бошлашди. Ниҳоят жамоат йиғини чоғида навбатдаги рўза тутиш учун овоз берилганида, оддий фермер ўрнидан турди. У улар йўлиққан ва Аршу аълога тез-тез шикоят қилган ноқулайликлар *аслида унчалик катта эмаслиги*, мустамлакалар мустаҳкамланиб борар экан, улар кун сайин *камаяётга*

нини айтди. Ер одамларни меҳнатлари туфайли мукофотламоқда ва саховат ила ноз-неъмат бермоқда. Денгиз ва дарёлар балиқ билан тўлиб кетаётир. Ҳаво мусаффолашмоқда, иқлим баракали. Бунинг устига улар фуқаро сифатида ҳам, диндор сифатида ҳам тўла эркинликдан фойдаланмоқдалар. Шундай экан, фақат яхши нарсаларни ўйлаш ва гапириш фойдали, бу одамларнинг ўз аҳволидан янада қаноатли бўлишларини таъминлайди. Фермер Яратганга миннатдорчилик билдириш учун рўза ўрнига шукроналик билдиришни таклиф этди. Унинг маслаҳати маъқул тушди ва шу кундан эътиборан ҳозирга қадар америкаликлар ҳар йили Шукроналик Кунини байрам қилиб ўтказадилар. Худога, ато этган барча неъматини учун, миннатдорчилик билдирадилар.

Б. Франклин

Қисқа хулосалар

Энг одатий ибодат: *«Ё, Раббим, менга мадад бер!»*

Энг ноодатий тиловат: *«Барчаси учун сендан миннатдорман, Раббим!»*

«Тасодифий, шу билан бирга муқаррар рўй берган майда-чуйдаларга аччиқланаверманг».

Б. Франклин

Ёруғ дунёдаги ҳар бир тирик жонни ўзингизнинг бахтиёр табассумингиз билан шод этинг. Бу безовталиқни тарқатиб, яхши яшашнинг энг ажойиб усулидир!

«Улуғ гўзаллик, улкан куч-қувват ва беҳисоб бойлик аслида ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Ҳақиқатгўй кўнги буларнинг барчасидан зиёдадир».

Б. Франклин

Ўттиз биринчи бўлим ҲАЙРАТОМУЗ ФИКР

Бундан бир неча йил муқаддам суғурта компанияси президенти Уолтер Лемар Талботнинг бевақт вафоти «Fidelity Mutual Life Insurance» компанияси учун катта йўқотиш бўлди. Жаноб Талбот ўрнига одам топиш жуда қийин бўлди. Директорлар кенгаши бошқа йирик компанияларнинг бир неча бошлиқларидан маслаҳат сўради. Улардан учтаси шундай жавоб берди:

– Сизлар ахтараётган одам айнан «Minnesota Mutual life Insurance» суғурта компаниясининг вице-президенти жаноб Робертс бўлади.

Кўп ўтмай жаноб Робертс «Fidelity» компанияси президенти бўлиш учун Шарққа жўнаб кетди.

Бироз вақт ўтгач, биз жаноб Робертснинг энг қадрли фазилати унинг мутлақо *камтаринлиги* эканлигини билиб олдик. Мисол келтираман. Дастлабки бир неча ҳафта ичида, янги президентнинг оиласи Сент-Полдан Филадельфияга кўчишга тайёрланаётганида, у шаҳар марказидаги «Барклай» меҳмонхонасида яшади. Жаноб Робертс ҳар куни эрталаб такси олиш ўрнига Бенжамин Франклин кўчасида жойлашган бош бинога қадар троллейбусда борарди. Троллейбусда компания ходимлари, айниқса майда хизматчиларни учратар, улардан бирининг ёнига ўтириб оларди-да, атрофдагилар билан кулишиб, теппа-тенг гаплашиб кетаварарди. Барча хизматчилар троллейбусдан тушгач, улар билан бирга «Фермонт» парки қаршисидаги кўча бўйлаб юриб, эшиккача борарди. Жаноб Робертс йирик жуссали эркак бўлса-да, йигирма беш пиллапояли зинадан энгил югуриб чиқар, сўнг каттакон кириш эшигини очиб, токи бошқалар киргунича *тутиб турарди!* Хизматчилар президентнинг якка ўзи лифтда чиқиши учун четлашишар, чунки ўша пайтларда барча йирик компания президентлари шундай қилишарди... Фақат жаноб Робертс ундайлардан эмасди!

– Ҳаммаларинг киринглар! – деб таклиф қиларди кулиб. Сўнг ўзи суқилишиб кирарди.

Компания унинг учун норасмий қабул ўтказишни ташкил этганида ишни туш вақтидан кейинги 3.30 да тўхтатишди. Ўшанда мен мамлакат бўйлаб узоқ сафардан эндигина қайтиб келиб иштирок этгандим. Барча хизматчилар, раҳбарият, шу билан бирга суғурта агентлари Э.А.Робертснинг сўзга чиқишини сабрсизлик билан кутишарди. «Э» дегани Эллсвортни англатарди. Робертсонни расмий равишда таништирдилар ва у ўз нутқини шундай деб бошлади:

– Менинг бўйим олти футу икки дюйм, оғирлигим эса икки юз йигирма фунтдан иборат. Мана шу залдаги ҳар қандай кишини чилпарчин қилиб ташлашим мумкин...

Шунда тингловчилар бўкириб юборишди, бу эса янги президентнинг товушини босиб кетди. Битта хизматчи ўрнидан туриб, ўзининг бўйи олти фут етти дюймдан иборат эканлигини эълон қилди! Жаноб Робертс қўлини кўтариб, эътибор қаратишларини сўради.

– Сизлар сўзимни тугатишга қўймадингиз... – эътироз билдирди у. – Мени мана шу залдагилардан кимки Эллсворт деб атагудай бўлса, қандай киши бўлмасин, пачоғини чиқариб ташлайман! Мени Боб деб чақираверинг...

Шундан сўнг Боб бизга савол берди:

– Бу ердагиларнинг кўпчилиги, бирор марта бўлсин, президент хонасида бўлганми?

Деярли ҳеч ким қўл кўтармади.

– Биз бугун буни тузатамиз, – деди у. – Мен бир неча дақиқадан сўнг ўша ерда бўламан. Сўнг ҳар бир киши ортимдан бориб, қўлимни қисиб келишини истайман. Агар бундан кейин кимдир мен билан гаплашмоқчи бўлса, учрашувни белгилаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Мен сизларни кўришдан ҳамиша хурсанд бўламан.

Бу «Fidelity» «оиласидагилар»нинг ишончини қозониш учун қилинган найранг эмасди. Унинг ҳузурига ҳар қандай вақтда қўнғироқсиз бемалол кириш бир неча йил давомида мутлақо ўзгармади.

Кўп ўтмай, Боб Робертс талай фазилатларга эга эканлигини кўрсатди. Улар орасида энг асосийлари – *камтаринлик* ҳамда *ошиб-тошган чек-чегарасиз ғайрат-шижоат* эди.

«Fidelity Mutual» компанияси 1878 йилда ташкил этилганди. Боб Робертс президент бўлгач, у ҳаракатдаги 392 000 000 долларлик суғурта шартномасига эгалик қиларди. Орадан ўн уч йилдан сўнг ҳаракатдаги суғурта миқдори 300 % га ўсиб, бизнеснинг умумий ҳажми уч баробарга ошди. Бу эса компания мавжуд бўлган олтмиш етти йиллик кўрсаткичдан ҳам кўп эди!

Ер юзидаги энг машҳур кишилардан интервью олган Дейл Карнеги менга, улар қанчалик таниқли бўлса, гаплашиш шунча енгил кўчади, деб айтганди. Машҳурлар шу даражада камтар ва инсоний сифатларга эга бўлишади.

Бенжамин Франклин ўз соҳасида камолга етишиши учун тамойиллар рўйхатини тузганида, улар сони ўн иккита бўлган. Аммо дўсти, «кўпчилик сени димоғдор деб ўйлагани боис яхши кўрмайди», дея ишонтиргач, бу «касаллик»дан даволанмоқчи бўлди. Рўйхатига «камтаринлик»ни қўшиб, мазкур сўзнинг аҳамиятини кенгайтиришга қарор қилди. «Камтаринлик»нинг қўшилиши Бен ҳаётидаги энг муҳим бурилиш бўлди. Ўн учинчи банд йўқлигида у ҳар ҳафтада машқ қилар, ўн икки тамойилни ўзининг одатига айлантиришга интиларди, лекин... дўстлари ва шерикларидан маҳрум бўлиш давом этаверди! Рўйхатига яна бир тамойил – *камтаринликни* қўшганидан сўнг яна дўстларга эга бўлиб, ишлари ҳам олдинга қараб силжиди.

Франклин (Бечора Ричард – бу лақабни у кўпинча ўз асарларида қўллаган) 42 ёшга кирганида, матбаа ишидан кета олди. Бутун куч-қуввати ва вақтини ақлни шоширадиган миқдордаги илм-фан соҳаси бўйича муҳим лойиҳалар ҳамда ихтирочилик ғояларини тезлатишга сарфлади. Шунингдек, инсон фаровонлиги йўлида сон-саноксиз бошқа ишларни амалга оширди.

Агар *камтаринлик* бўлмаганида, эҳтимол, АҚШ Конституцияси ҳеч қачон қабул қилинмасди. 1747 йил эди. Конституцияни муҳокама этишда конституциявий конвент (сайлаб қўйилган алоҳида давлат органи) ҳеч қачон бир тўхтама келолмаслиги маълум бўлди. Шунда Франклин сўзга чиқди (ўшанда 81 ёшда эди). У ўз нутқи-

да оддий мантиқ ёрдамида ишонарли даъволарни келтириб ўтди.

– Иқрорман, мен мазкур Конституцияни ҳозирги кўринишда тўла-тўқис эътироф этолмайман, аммо бу уни ҳеч қачон тан олмайман, деганим эмас. Ахир, узоқ йиллик умрим давомида муҳим масалаларда яхши ахборотга эга бўлгач ёки чуқур мулоҳаза юритганимдан сўнг фикримни ўзгартиришимга тўғри келган...

Ёшим улғайган сайин бошқалар тўғрисидаги шахсий мулоҳазаларимдан шубҳаланишга мойиллигим шунчалик ортаверди. Аксарият кишилар худди кўплаб диний мазҳаб-парастлар каби ўзларини олий ҳақиқат соҳиби қилиб кўрсатишади. Худди шундай ҳис-туйғулар билан, сэр, қанча камчиликлари бўлмасин, мен ушбу конституцияга розиман. Чунки бизга умумий дастуриламал жуда зарур деб ҳисоблайман. Ундан ижобий равишда фойдаланилса, халқ манфаатига хизмат қилади. Бунинг зиддига амал қиладиган бошқариш шакли мавжуд эмас.

Умуман айтганда, сэр, ҳали ҳам эътирозлари бор конвеннинг ҳар бир аъзоси мен билан биргаликда ўзининг хато қилмаслигига озроқ шубҳаланиши ва яқдиллигимизни ифодалаш учун мазкур ҳужжатга ўз номини қўйишини хоҳлашимни айтмасам бўлмайди.

Ва барча имзо қўйди!

Бир неча йил муқаддам мени Американинг ҳурматли ҳуқуқшуносларидан бири – судья Лернид Хенднинг нутқи руҳлантириб юборганди. У қуёш тиғи остида бош яланг тураркан, Нью-Йорк марказий паркида йиғилган Америка фуқаролигига эндигина қабул қилинган кишилар ҳузурида шундай деди:

– Руҳан эркин одам нима дегани? У шундай кишики, ўзининг ҳақлигига унчалик ишонмайди. Бу одам бошқа эркак ва аёл ақл-идрокини фаҳмлашга уринади. Ўз манфаатларини бошқаларники билан тенг кўради, ҳеч қандай тахминларсиз. У «очилмайдиган ҳеч қандай сир йўқ» деган ақидага амал қилади. Умуман, Эркинлик Руҳи, бу – салкам икки минг йил

бурун инсониятга Ким сабоқ берган бўлса, Ўшаникидир. Мазкур сабоқ барибир ўзлаштирилмади. Шу билан бирга охиригача эсдан чиқарилмади: яъни шундай Подшолик борки, унда улуғворлик билан баб-баравар энг жирканч нарсаларга ҳам қулоқ солинади ва эътибор берилади.

Қисқа хулосалар

Камтаринликнинг «кучларни тақсимлаш»га қўшилиши Бен ҳаётида бурилиш нуқтаси бўлди. Ва бу, назаримда, ниҳоятда ҳайратга сазовор: у ҳар ҳафта машқ қилиб, ўн икки тамойилни одатга айлантиришга уринди... аммо ўн учинчи тамойил, яъни *камтаринликсиз* дўстлари ва шерикларидан марҳум бўлиш давом этаверди!

«Ўз-ўзингиз билан мурасага келинг, ана шунда душманларингиз бўлмайди».

Бечора Ричард

Ўттиз иккинчи бўлим

ИБОДАТДА КОКТЕЙЛЬ БИЛАН УЧРАШУВ

Бир пайтлар ажиб ойдин кечаларидан бирида Невада ялангликларида, улуғвор Гувер тўғонининг қуйисидаги Мид кўли бўйида ғалати ҳодисанинг гувоҳи бўлганман. Ўшанда чалқанча ётганча юлдузли осмонга термилардим. Меҳмонлар Мид кўли бўйидаги бекатнинг қирғоқ яқинида қоқилган дарахт шохларидан улкан гулхан ёқишганди... Мен алангадан кўтарилаётган тутун кўкка бурама чизиқ бўйлаб даставвал ўнгдан чапга худди ортга қараб чопаётган соат миллари каби ўрлаётганига кўзим тушди!

Ернинг айланиши билан боғлиқ бу ажабтовур куч тўғрисида эшитгандим. Менга қизиқ кўрингани айнан шу кучнинг тутунни экватордан жанубга томон бурама чизиқ тарзида қарама-қарши йўналиш, соат миллари юришига тескари тарзда мажбурлашига боғлиқ эди.

Довул шамоли ҳам худди шу тарзда: шимолга экватордан соат милларига тескари тарзда буралиб эсади, жануб томонга эса аксинча.

Мен соҳил бўйида ётиб, юлдузларга термилар эканман, гўзал тўлин ойга кўз ташлайман ва бошқа мўъжиза тўғрисида ўйга чўмаман: Ер ўз ўқи атрофида ҳар 24 соатда 24 000 миль доира бўйлаб айланади. Бунда сонияларга қадар аниқлик мавжуд! Яна ўйга берилдим: «Мана, биз сокин кўл қирғоғида ётибмиз. Нотинчлик, ғалаён йўқ, аммо бу вақтда ўша куч ерни худди улкан космик кема каби Қуёш атрофида айлантиради ва ҳар 365 кунда сайёрамиз фантастик масофа – *587 миллион милни босиб ўтади!*»

Ўша тунда хонамга кирдим-у, қалам олиб, қоғоз устига энгашдим: Қуёш атрофида бир сонияда 18 миль тезлик билан ҳаракатланар эканмиз – самолёт бундай тезликда Атлантика океани узра Нью-Йорқдан Парижгача уч дақиқада етиб бора олади!

Агар Парижда тўхтамай, ер шарини айланиб ўтса, Нью-Йоркка энг камида йигирма тўрт дақиқада қайтиб келади – хотиним нонуштасини ҳали еб тугатмаган бўлади!

Орадан ойлар ўтди. Бир куни Де-Мойндан Толедога учишга тўғри келди. У ерда менинг сўзга чиқишим режалаштирилганди. Учганимиздан сўнг кўп ўтмай момақалди роқ бошланиб, икки моторли самолётимиз шамолнинг даҳшатли шиддати остида титрай бошлади. Биз Чикаго бўйлаб учар эканмиз, Буюк кўллар устида осилиб турган туман туфайли деярли ҳеч нимани кўра олмай қолдик. Барча самолётларнинг кўниши ман этилди. Осмонда бир соатча айлангач, учувчи Милуокига қадар учишга кўрсатма берилганини маълум қилди. Кўп ўтмай Милуокида ҳам туман ҳаддан зиёд куюқлашиб, кўнишнинг иложи йўқлиги ҳақида хабар қилишди. Бизга яна Толедога қараб учишга буйруқ берилди. Аммо у ерда аҳвол бундан беш баттар бўлиб, Кливлендда бахтимизни синаб кўрмоқчи бўлдик. Яна ўша натижа. Ҳар томондан чақмоқ чақарди. Момақалди роқнинг ҳайбатли гумбурлаши кўкни титратарди. Самолётимиз парвозни давом эттирар, аммо қаёққа учаётганимизни ҳеч ким билмасди.

Кечқурун соат олтида учувчи ёқилғи тугаётганини радар орқали ерга маълум қилди. Бизга пастлашиш тўғрисида сигнал беришди. Барчамиз нафасимизни ичимизга ютдик! Сўнг бирдан сакраб-сакраб қўндик ва кейинги дақиқада Кливленд аэропорти бош биносининг шундоқ рўпарасида тўхтадик! Кейин самолётда, мен бошқа ҳеч қачон кўрмаган нимадир бўлди. Йигирма тўрт йўловчининг барчаси бирваракайига чапак чалиб юборди! Бу одатдан ташқари қарсақбозлик бўлиб, халос этгани учун Яратган ва учувчиларга билдирилган миннатдорчилик ифодаси эди.

Буфетда бизга бутерброд ва қайноқ қаҳва беришди. Бироздан сўнг туман тарқалди. Фарб томон йўл олган самолёт учиб келди ва мен ўзимнинг парвозимни давом эттирдим.

Толедога айни учрашув бошланишидан олдин етиб бордим. Мени кутиб оладиган уч киши бир неча соатдан бери аэропортда турган экан.

Йўлда, «Скотт хай скул» деган жойда, яъни учрашув ўтказиладиган масканда антиқа воқеани гапириб беришди.

Суғурта бизнесидаги таниқли мансабдор шахс менинг ташрифим муносабати билан ўз уйида коктейл зиёфати уюштирган экан. Табиийки, мен у ерда иштирок этишим керак эди. Қўмитанинг ўн икки аъзоси бутунлай шод-хуррам бўлишди, чунки ташкил этган учрашувлари рисоладагидек ўтаётганди. Аммо вақт ўтар, мендан эса дарак йўқ эди. Бу етмагандай, улар аллақандай уч кишидан аэропортга оид ваҳимали хабарларни эшитишди.

– Бир самолёт Индианага қулаб тушди! – дейишди бу хабарчилар. – Фрэнк Беттжер ўтирган самолёт ҳам ҳалокатга йўлиққан!

Кейинчалик мен учган самолёт бедарак йўқолди, деган овозалар тарқалган, коктейлли зиёфат эса ибодатга айланиб кетган!

– Бу муножотлардан айримлари, – дейишди менга кейинчалик, – шундай мазмунда эдики, Яратган Эгам уларни ҳеч қачон эшитмаган. Аммо биз, барчамиз Худо марҳаматини аямайди, деб қатъий равишда ишондик. Чунки бу энг

самимий, сидқидилдан қилинган қизгин ибодату таваллолар эди!

– Ҳатто кўп йиллар бунга қўл урмаган кишилар ҳам ибодат қилдилар, – деди кузатувчилардан бири.

Мен «коктейл билан муножот»ни тавсия этмасам-да, аммо бир гапни айтишим керак: тўпланганларнинг кўпчилиги мен учун ибодат қилиб, ҳурмат ва эҳтиромларини изҳор этишганди. Буни умрбод эсдан чиқармайман.

Энди эса самолётда менинг хаёлимга келган айрим фикрларни сизлар билан ўртоқлашишимга рухсат беринг. Ўшанда мулоҳаза юритишим учун вақтим етарли эди. Ўн бир соат! Парвознинг энг қўрқинчли дақиқаларида мен ҳам ибодат қилдим, кейин эса Аллоҳ таоло нима деб жавоб беришини кутдим. У менга жавоб берди. Худонинг номаси саволлар шаклида эди:

«Эсингдами, ўшанда, Невадада, Мид кўли қирғоғида тутун билан боғлиқ мўъжизани кўрганинг? У кўкка қараб ўнгдан чапга томон ўрлаганмиди?.. Тутун ҳаракатини бошқарган Буюк Қувват – Қуёш, юлдузлар, Ер ва бошқа барча сайёралар ҳаракатини идора қиладиган Куч бўлиб, бу кучни Худо яратган. У ердаги барча нарсани бошқаради, чунки Аллоҳнинг Бош Режаси мавжуд бўлиб, бу қонунларни бекор қилиш инсонга берилмаган... Эслайсанми?

Яна бир Буюк Қонун мавжуд бўлиб, ўша Куч томонидан барпо этилган ва инсон тақдирини бошқаришини биласанми? Бу – бегуноҳ ва гуноҳкор Қонунидирки, уни ҳам бекор қилиш инсонга берилмаганидан воқифмисан?

Сен ўзинг англамай туриб, «қипиқ сўқмоқ»қа тушдинг-у, Билли Сандейнинг кўлидан тутдинг. Ҳаётингни ана шу Буюк Кучга мослаштирмақчи эдинг... Ўша кундан буён ҳолдан тойган бейсболчи ҳаётида, Чаттануга кўпригидан нари олиб кетган кўппак туфайли омон қолган киши билан боғлиқ кўплаб мўъжизалар юз берди».

Менинг калламда, ердан деярли ўн минг фут баландликда ана шундай фикрлар туғилганди. Қўрқиб, саросимага тушганмидим? Ҳаяжонланганмидим? Йўқ! Мен ўзимни хавф-хатардан ҳоли, деб ҳис этгандим. Менга вазифа

юклатилганди. Уни бажаришим кераклигига ишонгандим. Бунга чин юракдан ишончим комил эди. Самолётдан тирик чиқишимни билардим!

Мен ваҳима йўқолгани ҳамда ҳалокатга дучор бўлмаганимиз учун қувониб кетган бошқа барча йўловчилар қатори қарсақ чалганим йўқ. Ердаги вазифам борасида ҳақ эканлигим маълум бўлганидан миннатдор эдим. Менга Буюк Қудрат – *имон кучи* ёрдам берди!

Қисқа хулосалар

Имондан маҳрумлик қўрқув ва жаҳолатни вужудга келтиради. Имон, бу – ҳақиқат кучига, ўша енгилмас кучга, Бутун коинотни бошқарган Куч-қувватга ишонмоқдир.

Ҳақиқатдан, худди куёш нурларидан севинган каби, шод-хуррам бўлинг. Яратганни севинг, ана шунда ҳақиқатни севасиз, чунки Яратганнинг ўзи Ҳақиқатдир. Ҳақиқат эса меҳр-муҳаббатдир.

«Мен қатъий аминман. Бизнинг тепамизда Худо бор экан (бунга табиат ўзининг бутун бунёдкорлиги билан ишонтиради), У эзгу ишни эъзозлайди. Раббим кимни эъзозласа, бахт-иқбол келтиради».

Катон

Ўттиз учинчи бўлим

ДУНЁНИ ЛАРЗАГА СОЛГАН ХАЛҚАРО ВОҚЕА

1956 йилда энг ҳаяжонли халқаро воқеа рўй берди. Тамаддун тарихида ҳали бундай бўлмаганди! Беш юз миллион – ҳа, беш юз миллион – турли ирқ ва эътиқоддаги халқ дунёнинг етмиш иккита мамлакатада байрам қилди. Она заминда яшаган энг донишманд инсонлардан бири, ушбу китобнинг қаҳрамони – Бенжамин Франклиннинг 250 йиллик таваллуд куни катта тантана билан нишонланди!

Бу халқаро байрам бутун йил давомида ўтказилди. Оламшумул халқаро тантана Франклиннинг туғилган куни

– 17 январдагина эмас, кўплаб марта нишонланди. Бу эса мазкур санага янада кўпроқ мазмун бағишлаб, унинг аҳамиятини ошириб юборди.

Кўпгина мамлакатлар Франклин шарафига унинг сиймоси туширилган почта маркаларини махсус чиқарди. Ҳатто собиқ иттифоқ ҳам бу америкаликка алоҳида аҳамият бериб, шундай марка чоп этганди!

Нега? Бу инсонни нима шунчалик улуғ даражага кўтарди?

У қандай сирли кучга эга эди? Улуғворликни мерос қилиб олганмиди бу одам?..

Келинг, тарихий воқеаларга назар ташлайлик. 1706 йилда Бостонда туғилган Бен ўн ўғил ва етти қиздан иборат катта оиланинг ўн бешинчи фарзанди эди. Унинг отаси «камбағал бўлса-да, барча учун ҳурматли кўли гул уста» бўлган. Бендан ташқари ўн етти фарзанддан бирортаси ҳам алоҳида қобилияти билан ярқираб турмасди.

Бен Филадельфияга илк бор келганида ўн етти ёшда эди. Маркет-стритнинг бошланиш жойидаги ёғоч пристанда пайдо бўлганида, қўлтиғида бир буханка нон, чўнтагида танга-чақалар бор эди, ҳолос. Усти-боши бутунлай ифлос, чунки ўтган кеча туни билан ёмғир ёққан, у эса катта қайиққа ўтириб, Нью-Жерси штатининг Бэрлингтондан олисдаги Делавер дарёсидан йигирма беш мил кўйида эшкак эшганди.

Учинчи ва тўртинчи кўчалар ўртасида Бен ҳамон нон чайнарган, дурадгор Риднинг уйи ёнидан ўтиб қолди. Риднинг хотини ижарага жой берар ва қичмага қарши суртмалар сотарди. Эшикда эса Риднинг Дебора исмли кўхликкина қизи турарди. У Бени кўриб кулиб юборди ва нақадар бесўнақай, ғалати, деб қўйди.

Агар кимдир ўшанда: «Дебора, сен вақти келиб, бир ажойиб кунда мана шу ўспиринга турмушга чиқасан, у ер юзидаги энг машҳур кишилардан бирига айланади», – деганидами? Эҳтимол, Дебора, шундай деб жавоб бериши мумкин эди: «Эсингизни еб қўйибсиз! Ахир ёмғирдан яшириниши учун унда калланинг ўзи ҳам етишмабди-ку?»

Ўшанда бирор киши бу ўсмирга, қанчалик машҳур инсон бўлишини айтганида, у эҳтимол, шундай жавоб берган бўларди: «Қулоқ солинг, жаноб, мен ўзимга муносиб тарзда ҳаёт кечиришни истайман. Иккинчи синф маълумотига эгаман, аммо Бостондаги босмахонада ишлаганман. Билмай-сизми, бу шаҳарда босмахона бормикан? Мен бориб, уларга ишчилар керакми-йўқми, сўрамоқчиман».

Аммо ўша куни якшанба, эрталаб эди. Бен черковга – бозорнинг юқори қисмидаги иккинчи кўчада жойлашган Исо Масих ибодатхонасига кирди.

Бу воқеа икки юз ўттиз етти йил муқаддам рўй берганди. Шунга қарамай, ибодатхона ҳамон ўша жойида турибди, у ерда ҳануз олдингидек хизмат кўрсатилмоқда. Биз рафиқам ва қизим Ли билан бирга кўпинча бу даргоҳга ташриф буюрамиз. Агар Филадельфияга келиб қолсангиз, эътиқодингиз қандай бўлишидан қатъи назар, ушбу тарихий гўшага марҳамат қилинг. У эрталаб соат тўққиздан кечки соат бешгача очиқ бўлади. Бу ерда ҳеч ким бегона ҳисобланмайди.

Сиз Бенжамин Франклин ўтирган ва ибодат қилган ўриндикда ўтиришни хоҳламайсизми? Мен унда кўп ўтирганман. Вужудимни ўзига хос ҳис-туйғулар қамраб олади. Ишончим комилки, сиз билан ҳам шу ҳолатлар рўй беради...

Шундай латифа ҳам борки, унга кўра, ёш Бен биринчи марта Исо Масих ибодатхонасига келади. Бу ерда узок ўтириб, ибодат бошланишини кутмасдан, олдинги қатордаги ибодатхона қавмларидан бирига эгилиб, шивирлаб сўрайди:

– Сэр, ибодат қачон бошланади?

Жавоб ҳам шивирлаб қайтарилади:

– Уни бошлаганимиз заҳоти дарров бўлади!

Сўнгра Бен қаттиқ уйқуга кетди (эсингизда бўлсин, у тун бўйи эшкак эшганди).

Бу ҳақиқатми, йўқми, аммо Бенжамин Франклин ҳаётида энг муҳим ўрин тутгани – чинакам ибодат қилиш эди.

У амалга ошмаган сўз ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслигини жуда яхши англарди. Орадан йиллар ўтгач, Франклин

шундай деб ёзди: «Раббимга сажда, ибодат ва шукроналик ила хизмат кўрсатиш мумкин... аммо Худога энг маъқул хизмат кўрсатиш, бу – *инсонга фаровонлик ато этишдир*».

Ана шунда ҳақиқий хизмат кўрсатиш, ибодат бошланади!

Шундай қилиб, Франклиннинг ўн уч тамойилидан иборат рўйхатида *қатъият* алоҳида ўрин олди. «Қатъият одатга айлангач, – деб ёзганди Бен, – у менинг бошқа барча тамойилларни эгаллашим сари бўлган хатти-ҳаракатларим учун сабот, матонат берди».

Франклиннинг инсон бахт-саодати йўлида хизмат қилганини намоён этувчи бир неча мисоллар: дипломат, олим, физик, ношир, адиб, босмахона ишчиси, файласуф, кашфиётчи... Бен 105 та кашфиётга қўл урган. У – АҚШнинг биринчи почтачиси – почта хизматини ташкил қилган; Пенсильвания университети асосчиси. Бен Пенсильвания госпитали – Америкадаги биринчи ҳарбий шифохона, Филадельфия кутубхонаси – Америкадаги илк бепул кутубхона, биринчи ўт ўчириш суғуртаси компаниясига ҳам асос солган ва ҳоказо, ҳоказо.

Франклин умри – *хизмат кўрсатиши* поёнига етганда айни дамда икки миллион доллардан ортиқ баҳоланаётган меросини Бостон ва Филадельфия шаҳарларига қолдирди. Бен буни ўз касбини миридан-сиригача ўрганиб шахсий ишларини бошлаган (ким бўлиб фаолият кўрсатишидан қатъи назар) ва никоҳдан ўтган ёшларга ёрдам бериш учун қолдирди!.. 1960 йил январь ойида Массачусетс олий суди Бенжамин Франклин 1790 йили таъсис қилган ваколатли фондни ёпишни рад этди. Суд Франклин васиятида ёзилган санага кўра, унинг фондни 1991 йилга қадар қўллаб-қувватлаш ҳақидаги дастлабки режасига аралашишга ҳеч қандай асос йўқлигини айтди.

«*Оддий киши*» қандай қилиб ана шундай камдан-кам учрайдиган қобилиятларга эга бўла олади? Узоқ ва мароқли ҳаёти ниҳоясида Бенжамин Франклин ўзидаги буюк кучқудратнинг сирини очди: бу илмий усул шунчалик оддийки, ўсмир ҳам тушуниши ва ундан фойдаланиши мумкин!

Мана мазкур усулнинг қисқартирилган кўриниши:

Кейинги авлодлар мазкур топилма (ўн уч тамойилдан иборат рўйхат)дан уларнинг аждоди ўзининг узоқ давом этган саломатлиги ва рисоладагидек қадди-қомати, моддий неъматлар билан таъминлангани, ватанининг қудрати, ўзининг барча муваффақиятлари ҳамда бахт-саодати учун... миннатдор эканини билсалар яхши бўларди. Гарчи ўн уч тамойил унинг томонидан мукамал тарзда ўзлаштирилган бўлмаса-да, улар аввалгидай ҳаммани, ҳаттоки ёш танишларини ҳам ўзига жалб қилиш ва барчага баравар одам бўлишида ёрдам бермоқда. Умид қиламанки, авлодидан кимдир мендан ўрнак олади ва муваффақиятга эришади.

Б.Франклин

Хўш, нима учун 1956 йилда сайёранинг барча бурчакларидаги беш юз миллион киши бу донишманд ва камтарин инсонга ҳурмат бажо келтирди? Мен бирма-бир эслатиб ўтган Беннинг даҳолиги ва сон-саноксиз ютуқлари туйқайлими? Йўқ! Буларнинг ҳеч қайси аҳамиятга эга эмас.

Мамлакатлар ҳамда халқлар Бенжамин Франклин ҳаёти ва фаолиятини бир йил давомида эъзозлаб, ўрганиш билан машғул бўлганларининг сабаби шуки, у ҳақиқатан ҳам Дунёнинг Биринчи Фуқароси эди. Беннинг олий мақсадлари, қайси эътиқод ва миллат эгаси бўлишидан қатъи назар, ҳар бир кишига тааллуқли. Бу инсон «тамаддуннинг асосий мақсади – мустаҳкам тинчлик ўрнатиш»дир деб ишонган, «дунё миқёсида уч босқичли тинчлик»ни асослаган. Унинг мазкур хизматини энди-энди эътироф этиб, улуғламоқдалар.

Ажабки, Франклин «мақсад 150 – 200 йилдан сўнг амалга ошиши мумкин», деб ҳисоблаган эди, яъни 1980 йилда! Бутун инсониятнинг гуллаб-яшнаган даври бошланади. Дунёнинг барча халқлари мислсиз фаровонликка эришадилар. Уруш ва унга тайёргарликка сарфланадиган миллиардлар жамият эҳтиёжлари учун сарфланади, қишлоқ хўжалигида етиштириладиган маҳсулотлар ернинг ҳозирги аҳолисидан икки баробар кўп кишини боқишга етади. Тиббий ёрдам-

нинг кенгайиши туфайли миллионлаб кишиларнинг ҳаёти сақлаб қолинади. Фан эҳтиёжлари инсоний манфаатларни йўқотишга эмас, балки қондиришга йўналтирилади. Одамларнинг барчаси фаровонлик ва шинамлиқда, ўз меҳнатидан қувонч ҳиссини туйиб яшайдилар.

Бутун ер юзида тинчлик қандай ўрнатилади? Мазкур ечим руҳшуносликнинг учта қонунига асосланади.

1. ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ. Дунёдаги энг истеъдодли меъморлар, муҳандислар, олимлар, шифокорлар, қишлоқ меҳнаткашлари, саноатчилар ва ҳоказо ва ҳоказолар башарият тарихидаги энг улуғ воқеа – муҳтожлик, ночорлик устидан дунё миқёсида ғалаба қозониш ва очарчиликни бартараф этиш бўйича режалар ҳамда тафсилотли рўйхатлар тузишади.

2. ҲАРАКАТ, ФАОЛ ҲАРАКАТ. Қобилиятли маъмурлар, бошқаришга маъсул кишилар беш ёки ўн йиллик бир нечта режалар бажарилишини назорат қилиб, фаол шуғулланишади.

3. ЯЛПИ ҚУРОЛСИЗЛАНИШ. У 1 ва 2-босқичлар билан бир пайтда бошланади. Бутун инсоният тамаддуннинг янги шаклини яратишга йўналган кучлар ўсишидан ҳайратга тушади. Б.Франклин эътироф этганидек, «инсон қачонки ер юзининг ҳамма жойида эркин ва мағрур ҳолда олға қараб юрса, зиммасидаги энг улуғ вазифалардан бири – тинчликни севиб, Яратганга ортиқ даражада эҳтиром ила хизмат қилса, бир-бирига нисбатан шафқатсизликка бутунлай барҳам берилса» шундай бўлади.

Яратган бизни нафрату қарғиш ва қўрқувдан қилич кўмагида эмас, балки оға-иниларга меҳр-муҳаббат туфайли халос бўлишга чақиради.

Жаноб Франклин, биз таваллудингизнинг икки юз эллик тўртинчи йилида сизга бебаҳо меросингиз учун миннатдорчилик билдирамиз. Сиз уни одамларга ҳадя этдингиз. Сизнинг ғояларингиз тез орада инсонларнинг бир байроқ остида бирлашиши, бир-бирларига таяниб, Яратган номи билан ўзаро жипслашишларига ёрдам беради.

Жаноб Франклин, раҳмат сизга.

Ўттиз тўртинчи бўлим

СИЗГА МЕНДАН ЙЎЛЛАНГАН МАКТУБ

Китоб ёзиш ҳақида биринчи бор ўйлаганимда, мени қўйилган вазифаларнинг ғоят катталиги эсанкиратганди. Бундай иш учун чегараланганимни ҳам англаб етдим. Шунда Франклиннинг ёзишга улгурган охирги қайдларини эслаб қолдим:

«Менинг назаримда, агар инсон ўзини буюк ишларга бутунлай бахшида этса, гарчи энг ўртамиёна бўлса ҳам, уни амалга оширишга қодир бўла олади... Аммо даставвал ўн уч ҳафта синовидан ўтиши ва бу тамойиллардан фойда кўриш учун уларни етарли даражада амалда қўллаши лозим...»

Шу билан гўё менга чақириқ ташлаб, даъват этгандай бўлишди. Мен қуйидагича фикр юритдим: «Сен доктор Франклиндан рецепт олдинг. Унга эргашдинг! *Ва сен ундан фойда кўрдинг!*»

Франклин таълимоти мен учун йўл кўрсатувчи маёқ бўлиб қолди. Умид қиламанки, ушбу китоб менга нисбатан анча қобилиятли келгуси авлодга маёқни топширадиган кишиларнинг диққатини тортиш учун етарлича ёрқин нур сочади.

Назаримда, Франклиннинг улуғвор меросини изоҳлашнинг янги яхши усули тарғиб этиш ёки сўзга чиқиш эмас, балки ҳикоя қилишдир. Яъни, унинг тамойилларидан фойдалангач улар мени кимга айлантиргани ва бошқа *ҳар қандай киши учун* нима қила олиши ҳақида гапириб беришдир. Мен ана шундай китоб ёздим. Умид қиламанки, у сизга манзур бўлди.

Шавқ-завқ ила Фрэнк Беттжерингиз.

13 ТАМОЙИЛ³¹

1. Шавқ-завқ.

Нимаики иш қилманг, фаолиятингизга қўшадиган ғайрат-шижоатингизни икки карра оширишга онт ичинг. Агар

³¹ Мен дастлаб фақат сотувда қўллаган тамойилларни савдо санъатига доир қуйидаги китобларимдан топишингиз мумкин: «Кечаги омадсиз – бугун муваффақият қозонган савдогар» ва «Омадли сотувчи» – муаллиф изоҳи.

қасамингизда собит туриб, ҳар бир тамойилга ғайрат-шижоат билан риоя қилсангиз, энг аввало, даромадингизни икки баробар оширасиз. У сизга бахт келтиради.

«Агар сиз болаларингизни фақат бир нарсага ўргатиш имкониятига эга бўлсангиз, бу ғайрат-шижоат бўлиб қолсин!»

Брюс Бартон

2. Тартиб (ўз-ўзини ташкил этиш).

Агар сиз ишингиз ёки бошқа ҳар қандай ҳаётий соҳада қай тарзда муваффақият қозонишни билишни истасангиз, бунинг текшириб кўриш жуда осон. *Вақтингизни тақсимлаб, уни бошқара оласизми?* Акс ҳолда, албатта мағлуб бўласиз! Сиз бундай деб ҳисобламаслигингиз мумкин, аммо қанча вақт ҳаёт кечирманг, муваффақиятсизликка учрашингиз тайин...

Агар сиз ҳаётда ҳашамат қўйнида роҳатланиб яшаш, яъни вақтичоғлик қилиш, дам олиш, *воқеа-ҳодисалар моҳиятини англаш* ва барча ишни рисоладагидек бажариш учун етарлича вақтга эга бўлишни истасангиз, ёдингизда тутинг, бунинг фақат *битта йўли* бор: йўлаб олиш ва ишларни муҳимлигига қараб режалаштириш учун етарли вақт ажратинг. Бу сизга қизғинлик бағишлайди. Сиз ҳаётингизга йилларни қўшасиз – йилларингизга эса кўпроқ ҳаёт қўшган бўласиз!

«Барча нарсангизнинг ўз ўрни бўлсин; ҳар бир ишингизнинг вақти-соати бўлсин».

Б.Франклин

3. Бошқаларга ғамхўрлик кўрсатиш.

Эсингизда бўлсин, Кристи Матьюсон шундай деганди: «Тўпни нишонсиз отиш – милтиқдан ҳавога ўқ узишдай гап. *Нишоннинг ўртасини мўлжалга олмасдан туриб, бирор-та ўқ отувчи мерган бўла олмайди!*»

Кундалик ҳаётингизда қуйидагиларга амал қилинг: бошқа кишига нима кераклигини аниқланг, сўнгра унга эга бўлиши учун энг қулай усулни топишига кўмаклашинг...

«...Менинг чин юракдан қилган хайрли хизматларимни даргоҳингга қабул эт. Сенинг меҳрибонлигингга ягона жавобим доимий ғамхўрлигинг учун миннатдорчилик билдиришдир».

Б. Франклиннинг кундалик ибодатдаги яқунловчи жумлалар.

4. Саволлар.

Сукротга тақлид қилинг. Одамлар нима истагини аниқлашнинг энг самарали усули – бирор фикрга қатъий ишонтириш эмас, балки саволлар беришдир. *Ҳамла қилманг, саволлар беринг.*

Сиз бошқаларнинг нуқтаи назарини ҳурмат қилишингизни намоён этинг.

«Қачонки ҳақиқат билан хато ҳалол ўйин олиб борса, доимо биринчиси енгади».

Б. Франклин

Ҳар қандай жабҳада синчковлик билан муносабатга киришинг, талаб қилиш ҳамда далилларни ўйлаб кўриш одадини ривожлантиришга урининг.

Агар сизда жуда аҳамиятли қарор қабул қилиш зарурати туғилса, қуйидаги алгебраик услубдан фойдаланинг:

| | | |
|-------|--|----------------|
| Нега? | | Нима учун йўқ? |
|-------|--|----------------|

5. Жим туриш (кўпроқ эшитиш).

Сухбатдошингизнинг айтганлари сизни чин юракдан қизиқтирганини намоён этинг. Унга астойдил бутун диққат-этиборингизни бағишланг ва миннатдорчилик изҳор қи-

линг. Чунки суҳбатдошингиз шунга чанқоқ, зеро ундан жуда кам барҳаманд бўлади. *Уни мамнуният ила тингланг!*

Агар яхши суҳбатдош сифатида донг таратишни истансангиз, шуни ёдда тутинг: *«Суҳбатнинг жозибаси сизнинг гапга чечанлик билан кўзга ташланишингизга эмас, балки бошқаларни гапиртиришингизга боғлиқ»* (Б.Франклин).

Уч банддан иборат мўъжизавий қоида

1. Суҳбатдошингизни нима қизиқтиришини билиб олинг.
2. У бажонидил хурсанд бўлиб жавоб берадиган саволлар ташланг. Суҳбатни устомонлик билан керакли ўзанга буринг.
3. Кейин *эшитинг!*

Ҳар ҳафталик муножот

Ё Раббим, мени ҳаётимдаги беҳаловатлик, тўполонлардан баланд тут, токи Сен билан бўладиган муносабатдан куч олай. Менга руҳий ҳаловат бер, қалбимга ором бағишла, токи панд-насиҳатингни эмин-эркин қалбимга жойлай. Мени худди яхши гапиртирганинг каби тинглашга ҳам ўргат, токи товушингни сўзсиз эшита олай... Омин.

Альфред Грант Уолтон,
Нью-Йоркдаги Бруклин шаҳри
Флэтбуш-Томпкинс ибодатхонаси қавми руҳонийси

6. Қатъият.

«Нимани зарур деб ҳисобласангиз, уни бажариш учун муайян бир тўхтамга келинг ва қарор қилдингизми, уни қатъиян адо этинг. Қатъият одатга айлангач, қолган барча тамойилларга амал қилиш борасидаги ҳаракатингиз барқарорлашади».

Б.Франклин

Бу ёруғ дунёда ё биз ўзимизни тартибга соламиз, ёки бизни тартибга бўйсундирадилар. Мен биринчисини афзал биламан. Франклин шундай деганди: *«Кимки эзгуликка итоат этмаса, у – қул; итоаткор яхши фазилатли кишилар – озоддирлар».*

Нафс балосини қандай қилиб енгиш мумкин? Габби Стритнинг сўзларини эсланг: «Уни биринчи раунддаёқ синдириб ташла!»

7. Тежамкорлик.

Агар эркинликни истасангиз, тежамкорлик билан бирга жамғариш хусусида ҳам ўйланг. Қимматга тушадиган ҳазил-хузуллариңиздан бутунлай халос бўлинг. Ана шунда замоннинг оғирлиги ва солиқларнинг юқориликдан шикоят қилишга ҳожат қолмайди. Бечора Ричард айтганидек: «Иккинчи гуноҳ, бу – ёлғон, биринчиси эса қарзга ботишдир. Ёлғон қарз устига миниб юради ва қарзлар билан илдамлайди».

Шундай экан, тежамкор бўлинг ва ўзингизни эркин тутинг. Дўстларим, бу дастур – мулоҳазакорлик ва донишмандликдир. Донишмандликдан манфаат топинг.

Даставвал ўзингизга тўланг!

8. Самимийлик.

«Ҳалокатли ёлғондан фойдаланманг. Фикр-ўйларингиз мусаффо бўлсин, сўзларингиз эса бор ҳақиқатни акс эттирсин».

Б. Франклин

Бошқаларнинг ишончини қозониш учун, биринчи қоида: *унга муносиб бўлинг* – ҳатто ёлғон гапириш учун жазоланмаслик мумкин бўлган вазиятда ҳам ҳақиқатни баён этишда мардонаворлик кўрсатинг.

9. Танқид ўрнига мақташ.

Душманни тор-мор қилишнинг энг яхши усули – дунёнинг энг буюк дипломатларидан бири Бенжамин Франклин тамойилини қўллашдир. У шундай деган: *«Мен ҳеч ким борасида ёмон гапирмайман; аксинча, ҳамма ҳақида фақат яхши гапни айтаман»*

Ҳар бир киши ўз шахсиятини намоён қилиш учун мақтовга зарурат сезади – *хушомадни эмас, балки рўй-рост, самимий эътирофни истайди.*

Бейсболда ўтган йилларим давомида танқид ўйинчиларга ёрдам берганини эслай олмайман. Аммо чин юракдан айтилган мақтов ва рағбат ўртамиёна ўйинчини юлдузга айлантирганининг гувоҳи бўлганман. Бейсболни тарк этганимдан сўнг бу тамойиллар *бизнесда ҳам, оилада ҳам* худди шу тарзда натижалар беришини англадим!

10. Саломатлик.

Озиқ-овқат

Ҳар бир бўлакни 32 марта чайнанг. Ана шунда дунёдаги энг буюк ҳузурланишлардан бири – овқатни тановул қилиш лаззатини ҳис этасиз. Сизда ҳазм бўлмаслик ҳолати учрамайди. Ўзингизни меъёрий вазн билан таъминлайсиз ҳамда узоқ яшайсиз!

Машқ

Ҳар куни қандайдир машқларни бажаришга ҳаракат қилинг. Аммо қирқ ёшдан сўнг ҳар қандай ортиқча фаолликдан ўзингизни четга олинг. Энг фойдали машқлардан бири – яхшилаб керишиш бўлиб, эрталаб тўшақдан туриш олдидан бажарилади. Икки марталик «еттинчи иннинг» керишиши кун давомида бир неча дақиқа вақтни олади, холос. Машқ қадди-бастни яхшилаб, эгилувчанлик ҳамда хуш кайфият билан таъминлайди.

Тез-тез дам олинг

Имкониятингизга қараб кечки овқатдан олдин ёки тушлиқдан кейин йигирма дақиқа ёнбошланг. Ёқани бўшатинг, пойафзални ечиб, камарни бўш қўйинг. Мазкур амаллар бир оз ёнбошлаш ёки узоқ вақт ўтирмақчи бўлганингизда керак бўлади. Уйда (имкониятга кўра офисда) қулай, юмшоқ оёқ кийими кийинг.

Саломатликни текшириб туриш

Биз машиналарни, албатта, техник кўриқдан ўтказамиз, улар узоқ ҳамда ишончли хизмат қилсин, деймиз. Нима учун жисмимизга ҳам шу қадар ғамхўрлик би-

лан ёндашмаймиз? Бир йилда бир марта тўлиқ тиббий кўриқдан ўтинг. Ҳар ярим йилда тиш шифокори текшируви, ҳар икки йилда кўз дўхтирининг ҳузурига бориб туринг.

11. Ҳаётдан мамнунлик.

Энг одатий ибодат: «*Ё, Раббим, менга мадад бер!*»

Энг ноодатий тиловат: «*Сендан миннатдорман, Раббим!*»

«Тасодиқий, шу билан бирга муқаррар рўй берган майда-чуйдаларга аччиқланаверманг».

Б.Франклин

Ёруғ дунёдаги ҳар бир тирик жонни ўзингизнинг бахтиёр табассумингиз билан шод этинг. Бу безовталиқни тарқатиб, яхши яшашнинг энг ажойиб усулидир!

«Улуғ гўзаллик, улкан куч-қувват ва беҳисоб бойлик аслида ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Ҳақиқатгўй кўнгил буларнинг барчасидан зиёдадир».

Б.Франклин

12. Камтаринлик.

Камтаринликнинг «кучларни тақсимлаш»га қўшилиши Франклин ҳаётида бурилиш нуқтаси бўлди. Ва бу, назаримда, ниҳоятда ҳайратга сазовор: у ҳар ҳафта машқ қилиб, ўн икки тамойилни одатга айлантиришга уринди... аммо ўн учинчи тамойил, яъни камтаринликсиз дўстлари ва шерикларидан марҳум бўлиш давом этаверди!

«Ўз-ўзингиз билан мурасага келинг, ана шунда душманларингиз бўлмайди».

Бечора Ричард

13. Ишонч.

Имондан маҳрумлик кўрқув ва жаҳолатни вужудга кел-

тиради. Имон, бу – ҳақиқат кучига, ўша енгилмас кучга, Бутун коинотни бошқарган Куч-қувватга ишонмоқдир.

Ҳақиқатдан, худди қуёш нурларидан севинган каби, шод-хуррам бўлинг. Яратганни севинг, ана шунда ҳақиқатни севасиз, чунки Яратганнинг ўзи Ҳақиқатдир. Ҳақиқат эса меҳр-муҳаббатдир.

«Мен қатъий аминман. Бизнинг тепамизда Худо бор экан (бунга табиат ўзининг бутун бунёдкорлиги билан ишонтиради), У эзгу ишни эъзозлайди. Раббим кимни эъзозласа, бахт-иқбол келтиради».

Катон

МУНДАРИЖА

| | |
|-----------------------|---|
| Китоб тўғрисида | 3 |
|-----------------------|---|

Биринчи қисм «СИЗНИ ПРЕЗИДЕНТ КЎРМОҚЧИ»

| | |
|--|----|
| Китобхонга | 6 |
| БИРИНЧИ БЎЛИМ | |
| Энг фантастик бейсбол матчи | 7 |
| ИККИНЧИ БЎЛИМ | |
| Менинг профессионал бейсбол билан машғул бўлганим қандай рўй бергани ҳақида | 11 |
| УЧИНЧИ БЎЛИМ | |
| Менинг тўп узатиш кўрсаткичимни 0,238 дан 0,300 гача оширган ҳамда олий лигага «ўтказган» ғоя хусусида | 22 |
| ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ | |
| Мен «ҳинду» Уингони қайтаришга муваффақ бўлдим | 29 |
| БЕШИНЧИ БЎЛИМ | |
| Мен ҳаётни суғурталайдиган кишига айландим! | 32 |
| ОЛТИНЧИ БЎЛИМ | |
| «Қипиқли сўқмоқ» | 38 |
| ЕТТИНЧИ БЎЛИМ | |
| Мен суғурта дунёсини ҳайратга соламан | 41 |
| САККИЗИНЧИ БЎЛИМ | |
| «Уни ғишт билан уринг!» | 45 |
| ТЎҚҚИЗИНЧИ БЎЛИМ | |
| Сматс ҳикояси | 52 |

Иккинчи қисм ИШ ТАРТИБИМНИ ҚАЙ ТАРЗДА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТГАНИМ ХУСУСИДА

| | |
|--|----|
| ЎНИНЧИ БЎЛИМ | |
| Франклин муваффақиятининг сирини | 56 |
| ЎН БИРИНЧИ БЎЛИМ | |
| Сир тутилган фикр | 58 |
| ЎН ИККИНЧИ БЎЛИМ | |
| Умримга ўн йил қўшганим хусусида | 62 |
| ЎН УЧИНЧИ БЎЛИМ | |
| Бу мўъжиза эди! | 68 |
| ЎН ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ | |
| ПИФ-ПАФ | 72 |

| | |
|--|-----|
| ЎН БЕШИНЧИ БЎЛИМ | |
| Янги орлеанлик бесўнақай, ғилай ва маймоқ тўп оширувчи ҳақида | 77 |
| ЎН ОЛТИНЧИ БЎЛИМ | |
| Кристи Матьюсоннинг асосий мақсади | 81 |
| ЎН ЕТТИНЧИ БЎЛИМ | |
| У дунё тафаккурини қандай ўзгартирган эди?..... | 87 |
| ЎН САККИЗИНЧИ БЎЛИМ | |
| Қарорлар қабул қилишнинг алигебраик усули..... | 92 |
| ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БЎЛИМ | |
| Муваффақиятга эришиш учун «фавворани ўчириб қўй» | 94 |
| ЙИГИРМАНЧИ БЎЛИМ | |
| Қатъият | 98 |
| ЙИГИРМА БИРИНЧИ БЎЛИМ | |
| «Улардан жомадоним лиқ тўлган!» | 100 |
| ЙИГИРМА ИККИНЧИ БЎЛИМ | |
| «Уни биринчи раунддаёқ синдириб ташла!» | 108 |
| ЙИГИРМА УЧИНЧИ БЎЛИМ | |
| «Даставвал ўзинга тўла» | 113 |
| ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ | |
| Тўппа-тўғри жиннихонага | 116 |
| ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БЎЛИМ | |
| Мен билан қандайдир ғалати ҳол рўй берди | 121 |
| ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БЎЛИМ | |
| Ёлғон детекторидида текшириш | 125 |
| ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БЎЛИМ | |
| Душманни қандай яқсон қилиш мумкин? | 129 |
| ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БЎЛИМ | |
| «Сен кўрқоқсан!» | 133 |
| ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ БЎЛИМ | |
| Асосий истак..... | 138 |
| ЎТТИЗИНЧИ БЎЛИМ | |
| Мажбурий зиёфат..... | 145 |
| Америкада Шукроналик кунининг келиб чиқиши | 148 |
| ЎТТИЗ БИРИНЧИ БЎЛИМ | |
| Ҳайратомуз фикр..... | 150 |
| ЎТТИЗ ИККИНЧИ БЎЛИМ | |
| Ибодатда коктейль билан учрашув..... | 154 |
| ЎТТИЗ УЧИНЧИ БЎЛИМ | |
| Дунёни ларзага солган халқаро воқеа | 158 |
| ЎТТИЗ ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ | |
| Сизга мендан йўлланган мактуб | 164 |
| 13 тамойил..... | 164 |

«ЯНГИ КИТОБ» НАШРИЁТИ ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ:

«ХАРОБАДАН ЧИҚҚАН МАШХУРЛАР»

Франклин, Есенин, Тайсон, Роулинг, Жеки Чан ва бошқалар

Машхур бўлиш, довруқ қозониш осонми? Оммага танилиш инсоннинг хоҳиш, иродасига боғлиқ ҳолда кечадими? Ёки бу тинимсиз меҳнатни талаб қиладиган жараёнми? Мазкур саволларга ушбу китобдаги машхур инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ўқиб, ўзингиз жавоб топасиз. Зеро, оддий, қашшоқ оиладан чиқиб, дунё миқёсида танилган кишиларнинг яшаш тарзи кўпчилик учун қизиқарли. Машхурликдан сўнг ўзига яраша бойлик, мол-давлат ҳам инъом этилади. Гап қайси йўл билан довруқ қозонишда.

Бундай инсонлар ҳамиша диққат марказида. Уларнинг омма назаридан четда қолиши камдан-кам рўй беради. Шу боис ҳам машхур инсонларнинг хурмача қилиқлари, қуюшқондан чиқиш ҳолатлари ҳам эътиборда бўлади.

Ўқинг, ўқинг ва ўзингизнинг муваффақият формулангизни кашф этинг, ҳурматли китобхон!

Дейл Карнеги

«МАШХУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН НОМАЪЛУМ САҲИФАЛАР»

Китоблари дунё миқёсида қўлма-қўл ўқиладиган Дейл Карнеги номи жуда кўпларга таниш. Унинг дўст орттириш, маъруза ўқиш ва безовталиқни бартараф этиш мавзуларига оид китоблари ўзбек ўқувчисига аллақачон етиб борган. «Машхур кишилар ҳаётидан номаълум саҳифалар» номли ушбу китоби эса ўзбек тилида биринчи марта чоп этилди. Унда таниқли инсонларнинг кўпчилик билмаган сир-синоатлари ҳақида ҳикоя қилиниб, ўқувчиларга бир-биридан қизиқарли маълумотлар берилади.

Китобдаги инсонлар қисматига иложсизлик ва ночорлик битилгандай гўё. Ўз вақтида уларнинг, ҳатто уй ҳақини тўлашга ҳеч вақо-си бўлмаган. Кўчага ҳайдаб чиқаришмасин, дея кўрқашган. Оила умидсизлик гирдобига чўккан. Азбаройи яшаш, очдан ўлиб қолмаслик учун уй анжомларини сотишга мажбур бўлишарди. Қарангки,

ана шундай оғир шароитда ҳам улар умидсизликка тушмай, улкан муваффақият қозонишган. Ўз олдиларига қўйган мақсад сари интилиб, машҳур инсонларга айланишган. Уларнинг ҳаёт йўли, омад ва муваффақият сари оғишмай ҳаракат қилгани кўплар учун ибрат бўлса ажаб эмас.

Китоб кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

Дейл Карнеги

«ОИЛАДА БАХТГА ЭРИШИШ ЙЎЛЛАРИ»

Бу китобда оилада учрайдиган кўплаб масалалар ўз аксини топган. Никоҳ, эр-хотин муносабатлари, ўзаро ҳурмат-эътибор, фарзандлар тарбияси борасидаги қайдлар сизга манзур бўлади. Айниқса, машҳур шахслар ва оддий инсонлар ҳаётига доир воқеалар қалбингиздан жой олади.

Китобда меҳр-муҳаббат, вафо-садоқат, олижаноблик билан бирга хиёнат, разолат, жиноят дунёсидаги кирдикорлар очиб берилади. Муаллиф барча кечмишларни, турли қарашлар, нуқтаи назар ва тамойилларни оила билан боғлаб, теран мушоҳада юритади. Инсоннинг нақадар метин, кучли ирода эгаси эканлигини эътироф этиб, баъзи ҳолларда эса, аксинча, ожиз, нотавон мавжудотга айланишини мисоллар билан тушунтиради.

Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Аброр Зоҳидов

ХИЁНАТ

Детектив-саргузашт қиссалар

Детектив китоб ўқишга нима етсин! Боши берк кўчага кириб қолган қаҳрамонларнинг тақдиридаги чигалликлар саргузашт ишқибозларини қизиқтирмай қолмайди. Кескин воқеалар, кутилмаган ҳодисалар китобхонни ўзига жалб этади. Айниқса, зиддиятли, тўқнашувларга бой сюжет китобга бўлган қизиқишни янада кучайтиради. Устоз адиб Тоҳир Малик айтганидек, сюжет топиш мумкин, лекин уни ишонарли қилиб баён этиш муҳимроқ. Мазкур асарларда ана шу икки жиҳат ҳам мужассам. Буни китобни ўқиб чиқиб ўзингиз амин бўласиз.

Истеъдодли қаламкаш Аброр Зоҳидовнинг саргузаштбоп ва мароқли китоби сизларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

20.300 e.

Оммабол нашр

Фрэнк Беттжер

МУВАФФАҚИЯТ СИРЛАРИ

Муҳаррир: Анвар НАМОЗОВ
Мусаҳҳиҳ: Наврӯз БЕКМУРОДОВ
Бадий муҳаррир: Баҳриддин БОЗОРОВ
Техник муҳаррир: Алимардон АҚИЛОВ

Нашриёт лицензияси: АИ №255, 31.12.2014 й.
Босишга рухсат этилди: 16.01.2020 й.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 84x108 $\frac{1}{32}$
Аrial гарнитураси. Офсет босма.
Ҳисоб-нашриёт т.: 6,9. Шартли б.т.: 9,24.
Адади: 3000 та
Буюртма: №14.

«Yangi kitob» МЧЖ нашриётида нашрга тайёрланди.
100138, Тошкент шаҳри Учтепа тумани
Чилонзор даҳаси 13-мавзе 45-уй.
Тел.: (+99891) 132-36-64, (+99890) 992-35-01

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлигининг
Гафур Ғуллом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйида чоп этилди.
100128, Тошкент шаҳри, Лабзак кўчаси, 86 уй.

Фрэнк
БЕТТЖЕР


Муваффақият СИРЛАРИ



«Мен мазкур китобни бутун умри мобайнида бошқаларга ёрдам бериб келган инсон — Дейл Карнегига бағишлайман»

Фрэнк Беттжер

Мазкур китоб бир инсоннинг омадсизлик ва тўсиқларни енгиб, улкан муваффақиятга эришгани ҳақида! У ўзи учун муваффақият сирларини очди ва уларни ҳаётга жорий этиб, қисқа фурсат ичида ҳаракатларининг маҳсулини кўрди. Агар сиз ўзи орзу ҳам қилмаган бир инсоннинг муваффақият формуласи ҳақида билишни истасангиз, бу китобни албатта ўқиб чиқинг.



ISBN 978-



5 90004 700 04